


Абдукарим Жумабоев



УМИДЛИ ДУНИЕ

Шеърлар, газаллар, кўшиқлар



Тошкент Наврўз 2014

КБК: 85-10 (ЗУЗВ) 3
Ж-45

Адабий - бадиий нашр

Жумабоев, А.

Ж-45 УМИДЛИ ДУНЁ/Шеърлар, ғазаллар, қўшиқлар/
Абдукарим Жумабоев. – Фарғона: Тошкент “Навруз”
нашриёти, 2014 й. - 214 бет.

*Абдукарим Жумабоев ўзи яшаб турган борлиқни теран идрок
этар экан ундаги ҳар бир жсараённи рамзий тимсоллар орқали
ўта нозик қирраларигача очиб беришига ҳаракат қилади, яъни
унинг ўзи таъкидлаганидай ҳар бир шеъри «Кичик бир дафтарга
қурилган дунё». Шоирнинг бу дунёси шаклан кичик бўлса ҳам,
мазмунан теран ва ранг-баранглиги билан диққатга сазовордир.
Инсон дунёга келар экан унда ватанни танлаш ихтиёри
бўлмайди, у қаерда кўз очган бўлса, шу макон унга ватан, унинг
тақдирига айланади.*

ISBN: 978-9943-381-04-9

© Тошкент “Навруз” нашриёти – 2014 й.

УЙҒОҚ ҚАЛБ

Шеърят шоирнинг борлиққа муносабатини англатувчи туйғулар оламининг бетакрор манзараларидан дунёга келади. Ҳар бир шеър шоир дунёқарашини, инсон қалбини кечинмаларининг ўзига хос бадиий ифодасидир. Аммо бадиий тафаккур, яъни «уйқусиз тунларни бедор ўтказиб, тонгда шеъри билан дийдор кўришиш»дек бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Марғилонлик шоир ва ҳофиз Абдукарим Жумабобоев шундай бахт соҳибларидан биридир.

Абдукарим Жумабобоев ўзи яшаб турган борлиқни теран идрок этар экан ундаги ҳар бир жараёни рамзий тимсоллар орқали ўта нозик қирраларигача очиб беришга ҳаракат қилади, яъни унинг ўзи таъкидлаганидай ҳар бир шеъри «Кичик бир дафтарга қурилган дунё». Шоирнинг бу дунёси шаклан кичик бўлса ҳам, мазмунан теран ва ранг-баранглиги билан диққатга сазовордир. Инсон дунёга келар экан унда ватанни танлаш ихтиёри бўлмайди, у қаерда кўз очган бўлса, шу макон унга ватан, унинг тақдирига айланади. Уни алмаштириш, ўзига маъқул жойни топиб ватан қилиш имкони йўқ. Шу боис ҳам шоир айтганидек:

Азиздир ўт ёнган саҳролари ҳам,
Зилол дарёлари, анҳорлари ҳам,
Меҳнаткаш юрт учун фидолари ҳам,
Ватан топилмайди ватандан ўзга.

Абдукарим Жумабобоев шеърларида ортиқча дабадабозлик, аллақандай шоирона жумлалар, баландпарвоз сўзларни ишлатишга уриниш йўқ. У ўз туйғуларини халқона оҳангларда, ҳаммага тушунарли содда тилда баён этади. Жумладан, шоир бутун умрини фарзандларига бахшида этган аёл – оналарни таърифлар экан, уларга хос бўлган хокисорлик, фидойиликни соддагина қилиб:

Ёшгина умрини бой берган аёл,
Не-не азоблардан ризқ терган аёл,
Бизларни кам қилмай ўстирган аёл,
Сиз менинг ёлғизим, онажонимсиз,
Отамдан ёдгорим, меҳрибонимсиз.

дея тасвирлайди. Аммо тасвирдаги сиқиқлик ва соддалик шеърнинг бадииятига путур етказмаган, аксинча, унда ўзбек оналарига хос бўлган фазилат ўзининг теран ифодасини топган. Шоирнинг муҳаббат, висол ва ҳижрон талқинига бағишланган шеърларида ҳам шундай ҳолатларга дуч келиш мумкин:

Деразадан ой мўралар ғамга ботиб,
Алам-алам бошим ёрар тошлар отиб,
Баҳоси йўқ муҳаббатни арзон сотиб,
Бир тўп қизлар кетиб борар ёр-ёр айтиб,
Вафоси йўқ бир гўзалга алёр айтиб.

Ёки:

Ширин ёлгонлардан гулдаста тутиб,
Уринмай кўяқол, таскин бермоққа.
Дарёдек оқиб ўт, ҳеч парво қилма,
Сенга етолмаган ғариб ирмоққа.

Маълумки, ижодкорнинг ҳар бир сатри замирида ўз ҳаёти, шодлигу қувончлари, ғаму ташвишлари, дарду ҳасратлари ётади. Чунки шеърнинг ҳар бир мисраси ижодкорнинг муайян бир лаҳзадаги руҳияти ва кайфияти самараси ўлароқ дунёга келади. Ҳаёт ҳеч қачон бир текис кечмайди. Инсон гоҳ шодликдан боши осмонга етса, гоҳ ғамлар исканжасида ўзини қўярга жой топа олмай қолади. Шоирнинг қуйидаги мисралари худди ана шундай дамлар маҳсули бўлса ажаб эмас:

Дардимни англамас ҳеч ким ҳеч қачон,
Кимга кераги бор армонларимнинг.
Ҳаммага бор қуёш менга бегона,
Булутга берганман осмонларимни.

Сўрама, бахт не деб, мендан, биродар,
Эшитганман аммо кўрган эмасман.
Менинг улфатларим зулмат ва армон,
Уларсиз бир бурда нон ҳам емасман.

Аммо бу мисралар шоирнинг ўз қисматидан нолиши эмас, аксинча, ҳар қандай оғир вазиятларда ҳам ўз инсоний қиёфасини йўқотмасликка, тақдир зарбаларига ўз сабри, шижоати ва иродаси билан жавоб беришга, зулмат ва армонга айланган ўз ҳаётидан ёрқин нур қидиришга ундашидир. Шунинг учун шоир дардсиз, ғамсиз ҳаётни тасаввур қила олмайди:

Атроф ғала-ғовур турфа оломон,
Мен эса ёлғизман ваҳмим келади.
Негадир армоним, дардим йўқ деган,
Беғам кишиларга раҳмим келади.

Шоир Абдукарим Жумабоевнинг шеърлари китобхонларни бефарқ қолдирмайди. Уларда ўз идеалига, адабий-эстетик эътиқодига ҳамиша содиқ бўлган ва кишиларни ҳаётни севишга, ғанимат берилган умрнинг ҳар бир лаҳзасини қадрлашга чақираётган ижодкорнинг уйғоқ қалби ўз ифодасини топган.

Толибжон РЎЗИБОВ,
адабиётшунос.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Дунё хазинасин ноёб гавҳари,
Қадим Осиёнинг тенгсиз дилбари,
Мустақил юртларнинг кенжа сарвари,
Бу менинг чаманим – Ўзбекистоним,
Бу менинг Ватаним – Ўзбекистоним.

Тарихи таърифга сизмас бир дoston,
Даҳолар туғилган муқаддас макон,
Буюк Соҳибқирон тиклаган Турон,
Бу менинг чаманим – Ўзбекистоним,
Бу менинг Ватаним – Ўзбекистоним.

Она юрт кўзимни очиб кўрганим,
Бағрида улғайиб даврон сурганим.
Бошда дўппи, яйраб мағрур юрганим,
Бу менинг чаманим – Ўзбекистоним,
Бу менинг Ватаним – Ўзбекистоним.

Бунда қуёш кулиб, ярқираб боқар,
Азим дарёлари шарқираб оқар,
Водийлар чиройи дилларга ёқар,
Бу менинг чаманим – Ўзбекистоним,
Бу менинг Ватаним – Ўзбекистоним.

Байроғинг ҳамиша ҳилпираб турсин,
Дунё камалини, бахтингни кўрсин,
Ўзбек – ўз бек бўлиб қаторда турсин,
Бу менинг чаманим – Ўзбекистоним,
Бу менинг Ватаним – Ўзбекистоним.



ВАТАН

Баҳор гулларига шайдо булбуллар
Балки чаман топар чамандан ўзга.
Инсон бахт топса ҳам ғайри юртларда,
Ватан топилмайди ватандан ўзга.

Азиздир ўт ёнган саҳролари ҳам,
Зилол дарёлари анҳорлари ҳам,
Меҳнаткаш, юрт учун фидолари ҳам,
Ватан топилмайди ватандан ўзга.

Ватан бу отангдир суянган тоғинг,
Ватан бу онангдир беминнат боғинг,
Ватан бу фарзандинг, кўзлар қароғинг,
Ватан топилмайди ватандан ўзга.

Тарихи минг йиллик чинорларида,
Қудрати сарбаланд минорларида,
Темурий шижоат сардорларида,
Ватан топилмайди ватандан ўзга.

Буюк боболарнинг ҳар бири даҳо,
Уларни устоз деб тан олар дунё,
Мозийнинг қаъридан келади садо,
Ватан топилмайди ватандан ўзга.

Тупроғи муқаддас бағри осмондек,
Эй Карим, юрт борми Ўзбекистондек?!
Авайлаб асрайлик бир ширин жондек –
Ватан топилмайди ватандан ўзга.



АСКАР ҚЎШИҒИ

Она юрт дунёда ягона,
Ҳуснига куёш ҳам парвона.
Асраймиз истиқлол эркини,
Биз ўзбек аскарлари мардона.
Юртимиз асраймиз мардона,
Замона бизники, замона.

Биз Темур авлоди, наслимиз,
Биз қадим Туркийлар аслимиз.
Гуллайвер юксалиб, эй Ватан,
Бизники бу янги асримиз.
Юртимиз асраймиз мардона,
Замона бизники, замона.

Истиқлол байроғи қўлларда,
Аскарлик қасамёд дилларда.
Чорлайди келажак манзиллар,
Юртбошим саркарда йўлларда.
Юртимиз асраймиз мардона,
Замона бизники, замона.

Биз Ватан аскарлари, посбони,
Меҳнаткаш ўзбекнинг ўғлони.
Пўлатдек тобланган мустаҳкам,
Биз тинчлик юртининг қўрғони.
Юртимиз асраймиз мардона,
Замона бизники, замона.



МАРҒИЛОНДА БЎЛГАНМИСИЗ ҲЕЧ?

Субҳи ширин, сабоси ширин,
Суви ширин, ҳавоси ширин,
Авжи баланд, навоси ширин,
Марғилонда бўлганмисиз ҳеч?

Қучоғида гуллар яйраган,
Боғларида булбул сайраган,
Қаҳқаҳаю кулгу янграган,
Марғилонда бўлганмисиз ҳеч?

Зилол-зилол оқар сойлари,
Осмондамас ерда ойлари,
Ҳотамтойдан ҳотам бойлари,
Марғилонда бўлганмисиз ҳеч?

Марғилоний излари тушган,
Шоҳ Бобурнинг кўзлари тушган,
Аллоҳимнинг назари тушган,
Марғилонда бўлганмисиз ҳеч?

Санъатимиз буюк шонлари,
Маъмуржону Жўраҳонлари,
Юсуфжону Оҳунжонлари,
Марғилонда бўлганмисиз ҳеч?

Кезинг кўркам гулзорларини,
Зиёратгоҳ, мозорларини.
Бир айланнинг бозорларини,
Марғилонда бўлганмисиз ҳеч?

Бири косиб, бири ҳунарманд,
Бири санъат кўшикида баланд,
Оқсоқоли айтиб турар панд,
Марғилонда бўлганмисиз ҳеч?

Дўпписини кийгандан сўранг,
Тўйларида тўйгандан сўранг,
Кумушини суйгандан сўранг,
Марғилонда бўлганмисиз ҳеч?

Йигитлари Алпомиш беллик,
Боболардан мерос хушфёўлик,
Тарихи бор икки минг йиллик,
Марғилонда бўлганмисиз ҳеч?

Ёниб турган кўзлар биздадир,
Нур ёгилган юзлар биздадир,
Тош эритган сўзлар биздадир,
Марғилонда бўлганмисиз ҳеч?

Писанд қилмай ғамлар тоғини,
Асрайдилар кўнгил боғини,
«Сиз»лар ҳатто чақалоғини,
Марғилонда бўлганмисиз ҳеч?

Меҳмон надир, келинг, бир кўринг,
Мезбон надир, келинг, бир қўринг,
Инсон надир, келинг, бир кўринг,
Марғилонда бўлганмисиз ҳеч?

Она шаҳрим, эй Онажоним,
Шоҳи-ипак атласга коним,
Нондек азиз, манзил-маконим
Марғилонда бўлганмисиз ҳеч?



ШОИРНИНГ БАХТИ

Уйқусиз тунларни ўтказиб бедор,
Тонгда шеъри билан кўришар дийдор.
Айтинг, шоир учун ўзга не бахт бор?
Шеърларин ўқиса Ҳазрати инсон,
Шоир ўзи учун ёзмас ҳеч қачон.

Илҳоми бир азим дарё бўлса ҳам,
Оташин ҳислари дунё бўлса ҳам.
Севгани Ширин ё Лайло бўлса ҳам,
Сизга деб битажак севгидан дoston,
Шоир ўзи учун ёзмас ҳеч қачон.

Қалбида туганмас армон бўлса ҳам,
Севгида топгани ҳижрон бўлса ҳам,
Соғинчдан кўзлари гирён бўлса ҳам,
Фақат сизга айтар дардин бегумон,
Шоир ўзи учун ёзмас ҳеч қачон.

Жаҳоннинг шодлиги, дўстлар, сиз билан,
Ватан ободлиги сизу биз билан,
Ўлчанар инсоннинг қадри из билан,
Шуҳрати оламини тутса ҳам чунон,
Шоир ўзи учун ёзмас ҳеч қачон.

Бахтлидир халқининг бахтин куйлаган,
Ёлғонмас ростини, нақдин куйлаган,
Садоқат бурчини, аҳдин куйлаган,
Таърифга лойиқдир беназир замон,
Шоир ўзи учун ёзмас ҳеч қачон.



ШОИР

Шоирга илҳомнинг келгани яхши,
Дафтарга шеърлари тўлгани яхши,
Гоҳ йиғлаб, гоҳида кулгани яхши,
Шоир девонароқ бўлгани яхши.

Ёрга кўкдан ойни узиб бергани,
Юлдузлардан маржон тизиб бергани,
Қошига ўсмалар эзиб бергани,
Шоир девонароқ бўлгани яхши.

Тентакни доно деб атамоқ учун,
Хунукни гўзал деб мақтамоқ учун,
Нодон суҳбатига чидамоқ учун,
Шоир девонароқ бўлгани яхши.

Машрабдек осилиб кетмайин деса,
Бобурдек сочилиб кетмайин деса,
Чўлпондек отилиб кетмайин деса,
Шоир девонароқ бўлгани яхши.

Золимнинг зўрини кўрмаслик учун,
Мазлумнинг шўрини кўрмаслик учун,
Соғларнинг кўрини кўрмаслик учун,
Шоир девонароқ бўлгани яхши.



ШЕЪРИМ

Шеърим, сен қалбимнинг оташ нидоси,
Кичик бир дафтарга қурилган дунё.
Сен Ваган меҳрисан, табиат сеҳри
Ва севги ёндирган сўнмас бир зиё.

Яхшиям сен борсан, эй дилкаш дўстим,
Руҳсиз кунларимнинг ёлғиз ҳамроҳи.
Сени ёзмагунча ёзилмас кўнглим,
Сирларим, ҳисларим, пушти паноҳим.

Оламнинг шодлиги, дарди ҳам сенда,
Сендадир орзулар, сендадир армон,
Сенга жо бўлади яхши ҳам ёмон,
Муҳаббат ва нафрат, висол ва ҳижрон.

Тун бедор ўтади ҳар сатринг учун,
Неча тун бўлса ҳам бариси бекор.
Менга бас ҳар наҳор кўришсак дийдор,
Дунёда сен борсан шу сабаб мен бор.

Шеърим – сен қалбимда мавж урган дарё,
Сен ўзинг кўнглимнинг гули, булбули.
Сен билан яшнаган эди баҳорим,
Сен билан тугайди умримнинг йўли.



ТУҒИЛГАН КУН

Қадрдоним Маликжонга.

Бугун дўстлар гўзал дийдорга тўйсин,
Шодликдан чиройли чеҳралар кулсин.
Қалбингиз саодат нурига тўлсин,
Туғилган кунингиз муборак бўлсин.

Баҳор гуллар очсин изларингизда,
Ҳаёт завқи ёнсин юзларингизда,
Бахт ўзини кўрсин кўзларингизда,
Туғилган кунингиз муборак бўлсин.

Яқинлар бахтига соғ бўлинг эй дўст,
Оила таянчи, тоғ бўлинг, эй дўст,
Орзу чирой очган боғ бўлинг, эй дўст,
Туғилган кунингиз муборак бўлсин.

Ҳар йилда бир бора келгучи байрам,
Ёру дўстлар бугун бўлди жамулжам,
Қувонч шодлигингиз кўришар баҳам,
Туғилган кунингиз муборак бўлсин.

Ҳали кўп келади бугунги сана,
Кумуш, олтин тўйлар бўлар тантана,
Сизга эзгуликлар тилаймиз яна,
Туғилган кунингиз муборак бўлсин.



ТҮЙ МУБОРАК

Ўзбекистон халқ шоири О. Ҳақимовга.

Фарғона назмининг сардори,
Шеър аҳлининг дилкаш дилдори.
Соҳиб калом, шакар гуфтори
Охунжонсиз, шоири ҳассос,
Тўй муборак, эй азиз устоз!

Бир гулзорсиз атри бўлакча,
Гўзаллиги қадри бўлакча,
Ҳар мисраси, сатри бўлакча,
Охунжонсиз, шоири ҳассос,
Тўй муборак, эй азиз устоз!

Кўзингизда меҳру муҳаббат,
Сўзингизда панду насиҳат,
Юрт бахтига бўлинг саломат,
Охунжонсиз, шоири ҳассос,
Тўй муборак, эй азиз устоз!

Ҳудуд билмас наволарингиз,
Қайда бўлманг ошноларингиз,
Дунё билди дунёларингиз,
Охунжонсиз, шоири ҳассос,
Тўй муборак, эй азиз устоз!

Бу кун улуғ ёшингизда ҳам,
Қўлингизда яйрайди қалам.
Ошиқларнинг дардига малҳам,
Охунжонсиз, шоири ҳассос,
Тўй муборак, эй азиз устоз!

Бир гавҳарсиз дурдонамизга,
Ярашгансиз замонамизга,
Худо берган Фарғонамизга,
Охунжонсиз, шоири ҳассос,
Тўй муборак, эй азиз устоз!

ОИЛА ТИНЧ БЎЛСА

Кўчада хотиржам юрарсан,
Чойхона базмини қурарсан.
Даврингда давронлар сурарсан,
Оиланг тинч бўлса, биродар.

Ҳар ишда келадир бароринг,
Ижроли бўлади қароринг,
Бўлмагай қалбингда ғуборинг,
Оиланг тинч бўлса, биродар.

Ватанда – ватандир оила,
Хазонсиз чамандир оила,
Ор, номус, иймондир оила,
Оиланг тинч бўлса, биродар.

Сақлагил ғийбату мишлардан,
Асрагил заҳарли нишлардан.
Қўрқмагил аёзли қишлардан,
Оиланг тинч бўлса, биродар.

Фарзандлар камолин кўрарсан,
Кошона уйларни қурарсан.
Тўй қилиб эл аро юрарсан,
Оиланг тинч бўлса, биродар.



ОҚСОҶОЛЛАРГА

Пайғамбар ёшидан ўтганлар,
Хизрининг қўлидан тутганлар,
Донолик мулкига етганлар,
Қалбингиз ёш ҳали, қалбингиз.

Насиҳат қўшасиз сўзларга,
Кўзойнак тақасиз кўзларга,
Ажинлар тушса ҳам юзларга,
Қалбингиз ёш ҳали, қалбингиз.

Салвани силлиқлаб ўрайсиз,
Соқолни дид билан тарайсиз,
Сўнг: «Кампир, қалай?» деб сўрайсиз,
Қалбингиз ёш ҳали, қалбингиз.

Меҳрингиз муҳаббат кўридан,
Чеҳрангиз иймонинг нуридан,
Жойингиз уйларнинг тўридан,
Қалбингиз ёш ҳали, қалбингиз.

Навқирон йигитдай дилингиз,
Нурларга тўладир йўлингиз,
Доимо дуода қўлингиз,
Қалбингиз ёш ҳали, қалбингиз.

Оила аҳлининг шоҳисиз,
Ватаннинг суянган тоғисиз,
Фарзанднинг беминнат боғисиз,
Қалбингиз ёш ҳали, қалбингиз.



БОРИНГИЗГА ШУКР

Онажоним, жону жаҳоним,
Отажоним, бағри осмоним,
Йўлингизга фидо бу жоним.
Борингизга шукр, онажон,
Борингизга шукр, отажон.

Бирингиз ой, бирингиз қуёш,
Меҳрингизга топилмас қиёс.
Тоғларда йўқ сиздаги бардош,
Борингизга шукр, онажон,
Борингизга шукр, отажон.

Юзларингиз юзимда кўринг,
Кўзларингиз кўзимда кўринг,
Ўзларингиз ўзимда кўринг,
Борингизга шукр, онажон,
Борингизга шукр, отажон.

Шуҳратим сиз, ифтихорим сиз
Элда топган эътиборим сиз,
Мен гул бўлсам навбаҳорим сиз,
Борингизга шукр, онажон,
Борингизга шукр, отажон.



ЎХШАМАЙСИЗ

Эй, сиз нури жаҳоним,
Ягонам онажоним,
Бошим узра осмоним,
Ҳеч кимга ўхшамайсиз.

Гул бўлиб гулшандасиз,
Биз учун арзандасиз,
Худо суйган бандасиз,
Ҳеч кимга ўхшамайсиз.

Оиламиз таянчи,
Отажоним суюнчи,
Ўғил-қизлар қувончи,
Ҳеч кимга ўхшамайсиз.

Қошингиз чимирилса ҳам,
Аччиғингиз келса ҳам,
Яхшисиз не бўлса ҳам,
Ҳеч кимга ўхшамайсиз.

Ярашар койисангиз,
Косов олиб қувсангиз,
Бир зум ўтмай суйсангиз,
Ҳеч кимга ўхшамайсиз.

Тўғрилиқнинг йўлдоши,
Сирларимиз сирдоши,
Қалбимизнинг қуёши,
Ҳеч кимга ўхшамайсиз.

Шукр тақдир корига,
Мўминларнинг ёрига,
Сиздай онам борига,
Ҳеч кимга ўхшамайсиз.



ОТАМДАН ЁДГОРИМ

Жаҳонда борлигим, танда жонимсиз,
Отамдан ёдгорим, меҳрибонимсиз,
Суянчим, паноҳим, соябонимсиз,
Сиз менинг ёлғизим, онажонимсиз,
Отамдан ёдгорим, меҳрибонимсиз.

Ёшгина умрини бой берган аёл,
Не-не азоблардан ризқ терган аёл,
Бизларни кам қилмай ўстирган аёл,
Сиз менинг ёлғизим, онажонимсиз,
Отамдан ёдгорим, меҳрибонимсиз.

Ўзи янги киймай, бизни кийдирган,
Ўзи емай-ичмай, бизни тўйдирган,
Ёмон кўздан асраб, кинна йўйдирган,
Сиз менинг ёлғизим, онажонимсиз,
Отамдан ёдгорим, меҳрибонимсиз,

Сиз юрган йўлларда йўл бўлай ўзим,
Кўнглингиз олгани гул бўлай ўзим,
Неки буюрсангиз, қул бўлай ўзим,
Сиз менинг ёлғизим, онажонимсиз,
Отамдан ёдгорим, меҳрибонимсиз.



ОНАЖОНИМ БОР

Фаришта юзлигим, ҳусни жаннатим,
Сўзласа, сўзлари фазлу ҳикматим,
Жонимдан қимматим, соҳиб давлатим,
Дунёда яғонам онажоним бор.

Иймоннинг нури бор сиймоларида,
Оби Кавсар меҳрин дарёларида,
Олпоҳнинг ризоси дуоларида,
Маккаю Мадинам онажоним бор.

Аёл боши билан рўзғор тебратиб,
Фарзандлар ўстириб заҳматин тортиб,
Бизни элга қўшиб, бахтини топиб,
Отамдек мардонам онажоним бор.

Гул гунча очади изларингизда,
Беминнат мурувват кўзларингизда,
Қуёшнинг тафти бор юзларингизда,
Азизу мукаррам онажоним бор.

Яратганнинг ўзи сийласин сизни,
Отамнинг руҳлари қўлласин сизни,
Фарҳоду Каримлар куйласин сизни,
Энг боқий таронам онажоним бор.



БЎЛМАСА

Ҳаё ярашгандек юзларга,
Маъно безак бўлар сўзларга,
Ғубор тўлар эди кўзларга,
Агар мужгонлари бўлмаса.

Ҳижрону рашк, айрилиқ беҳад,
Азобидан чекмасанг заҳмат,
Ширин бўлмас эди муҳаббат,
Агар армонлари бўлмаса.

Ўтар йиллар, ўтар давронлар,
Келиб-кетар қанча инсонлар,
Кимга керак йўллар, довлар,
Агар карвонлари бўлмаса.

Ҳаёт ўрмон, бўлмас беҳатар,
Ғофил бўлма, қолма беҳабар,
Ўрмон бўлармиди, биродар,
Ваҳший ҳайвонлари бўлмаса.

Не Тоҳирлар оққан дарёга,
Не Мажнунлар куйган саҳрога,
Қўлим силтаб кетай дунёга,
Ширин ёлғонлари бўлмаса.



ЁР-ЁР

Деразадан ой мўралар ғамга ботиб,
Алам-алам бошим ёрар тошлар отиб,
Баҳоси йўқ муҳаббатни арзон сотиб,
Бир тўп қизлар кетиб борар ёр-ёр айтиб,
Вафоси йўқ бир гўзалга алёр айтиб.

Кўнглим ширин ёлғонларга алданди-ку,
Ишва билан қарашларга боғланди-ку,
Армон деган дошқозонда доғланди-ку,
Бир тўп қизлар кетиб борар ёр-ёр айтиб,
Вафоси йўқ бир гўзалга алёр айтиб.

Келин бўлиб кетар энди Фарғонадан,
Бахтин излаб ўшал тилла остонадан,
Паранжигга ўраб, асраб бегонадан,
Бир тўп қизлар кетиб, борар ёр-ёр айтиб,
Вафоси йўқ бир гўзалга алёр айтиб.

Тушлар экан, Карим, севдим деб юрганинг,
Мажнун бўлиб ҳар тарафга югурганинг,
Тақдир экан, Тангрим, Ўзинг буюрганинг,
Бир тўп қизлар кегиб борар ёр-ёр айтиб,
Вафоси йўқ бир гўзалга алёр айтиб.



КЕЛИНЧАК

Палахмон тошидек отилган кунинг,
Бошингга паранжи ёпинган кунинг,
Отанг елкасига осилган кунинг,
Ноласи ярашган найсан, келинчак,
Юлдузлар талашган ойсан, келинчак.

Оппоқ либосларинг қордай беғубор,
Пойингда гул очар фасли навбахор,
Ёнингда омади келган йигит бор,
Ноласи ярашган найсан, келинчак,
Юлдузлар талашган ойсан, келинчак.

Қизлик орзуларинг қолдириб уйда,
Сирли туйғуларинг қолдириб уйда,
Хандон кулгуларинг қолдириб уйда,
Ноласи ярашган найсан, келинчак,
Юлдузлар талашган ойсан, келинчак.

Тақдир ёзганига жонон бўласан,
Кенг ё тор ҳовлига мезбон бўласан,
Туғилган уйингга меҳмон бўласан,
Ноласи ярашган найсан, келинчак,
Юлдузлар талашган ойсан, келинчак.

Қизларин узатса бағри адолар,
Бир йиғлаб олади шоҳу гадолар,
Худодан бахт тилаб қилар дуолар,
Ноласи ярашган найсан, келинчак,
Юлдузлар талашган ойсан, келинчак.

Палахмон тошидек отилган кунинг,
Орзулар гул бўлиб очилган кунинг,
Отанг елкасига осилган кунинг,
Ноласи ярашган найсан, келинчак,
Юлдузлар талашган ойсан, келинчак.

ЁЛҒОНЛАРГА АЛДАНМА

Дасти дароз меҳрибонларга,
Фикри саёз суҳандонларга,
Кўнгли аёз, зимистонларга,
Осмонларга алданма, синглим.

Аямаслар дунёни сендан,
Ўзида йўқ вафони сендан,
Фалакдаги Зухрони сендан,
Достонларга алданма, синглим

Севдим деган девоналарга,
Куйдим деган афсоналарга,
Шам кўрмаган парвоналарга,
Ёлғонларга алданма, синглим

Ҳуснинг қуёш бўлса ҳам сўнар,
Инсон тақдир измига кўнар
Қабринг узра қизғалдоқ унар,
Меҳмонларга алданма, синглим.

Ошиқ бошқа, нокас бошқадир,
Ҳижрон бошқа, араз бошқадир,
Севги бошқа, ҳавас бошқадир,
Давронларга алданма, синглим.



ИРМОҚ

Майли, сен ҳеч қачон меники бўлма,
Асли шундай бўлса, агар муҳаббат.
Ёқут лабларингдан рақибим ўпсин,
Мен армон қучоқлаб ўтай то абад.

Ҳижроннинг қоп-қора сочларин силаб,
Кўмирдек танидан қилмасдан ҳазар.
Ҳабаш юзларидан жирканмай ўпай,
Азроил ёқамдан тутгунга қадар.

Бурдалаб ташлайин юрак деганни,
Менга қасд қилганлар, қузғунлар тўйсин.
Сен билан фарқимиз кўра олмаган,
Кўзимни оғриқлар бир очиб қўйсин.

Сен эса кетавер мағрур ва масрур,
Салом ҳам бермагин, хайр ҳам демагин.
Мендайлар жуда кўп ёруғ оламда,
Бу бир кам дунёнинг ғамин смагин.

Сени кўрганимда тош каби қотсам,
Малол олсанг агар кўзу кўнглингда.
Айланиб ўтмагин, бир тепиб ўтгин,
Тошларга нима бор, сенинг йўлингда.

Ширин ёлғонлардан гулдаста тутиб,
Уринмай кўяқол, таскин бермоққа.
Дарёдек оқиб ўт, ҳеч парво қилма,
Сенга етолмаган ғариб ирмоққа.



ЁНИМДА БЎЛСАНГ

Йигит бошим ҳам бўлмагай ҳеч,
Кўзларимда нам бўлмагай ҳеч,
Рўзгоримда кам бўлмагай ҳеч,
Зебогинам, ёнимда бўлсанг.

Қўшиқларим созу шўх бўлар,
Мушкулларим осон йўқ бўлар,
Фарзандларим кўнгли тўқ бўлар,
Зебогинам, ёнимда бўлсанг.

Севиб-севиб сенга етганим,
Ишқинг юрагимга битганим,
Бир умрга қўлинг тутганим,
Зебогинам, ёнимда бўлсанг.

Бахтли кунларимнинг кувончи,
Фамли кунларимнинг юпанчи,
Меҳру муҳаббатим таянчи,
Зебогинам, ёнимда бўлсанг.

Севги тўла юрагим ўзинг,
Икки дунё керагим ўзинг,
Ёлғизгина тилагим ўзинг,
Зебогинам, ёнимда бўлсанг.



СЕНИ УНУТМАСМАН

Гул эдинг, қалбимдан узди ёмонлар,
Муҳаббат қасрини бузди ёмонлар,
Юрагимни ёмон эзди ёмонлар,
Сени унутмасман, унутолмасман.

Сенсиз ўтган кунлар – карвонлар айтсин,
Аламлар ёғилган осмонлар айтсин,
Соғинчлар, ҳижронлар, армонлар айтсин,
Сени унутмасман, унутолмасман.

Маъюс кўзларингда қолди хаёлим,
Мунис юзларингда қолди хаёлим,
Маҳзун сўзларингда қолди хаёлим,
Сени унутмасман, унутолмасман.

Қўлларим етмаган юлдузим, моҳим,
Гўзал Лайлим эдинг, Шириним – шоҳим.
Кўксимда дод солган кўшигим, оҳим,
Сени унутмасман, унутолмасман.

Сенсиз бу ҳаётим тангу тор қафас,
Орзусиз дунёни ким қилар ҳавас.
Билсанг, Карим учун ёдинг бўлса бас,
Сени унутмасман, унутолмасман.



БИЛМАГАН ЎЗИМ

Гуноҳлар кўп бўлди, хато кўп бўлди,
Омонат жонимга жазо кўп бўлди,
Вафо қилганимдан жафо кўп бўлди,
Бировлар билдилар, билмаган ўзим.

Беш кунлик дунёга меҳримни қўйиб,
Мени суймагани жонимдан суйиб,
Ўтдим, куймаганга беҳуда куйиб,
Бировлар билдилар, билмаган ўзим.

Гоҳ яхшилик қилдим, гоҳо ёмонлик,
Гоҳ адашдим, гоҳо бўлдим имонлик,
Гоҳо имонсиздан сўрдим омонлик,
Бировлар билдилар, билмаган ўзим.

Кўнгил кўчасида дарбадар кездим,
Гоҳ ҳаётни севиб, гоҳида бездим,
Куйладим, ошиқлар бағрини эздим,
Бировлар билдилар, билмаган ўзим.

Тангрим, гуноҳимиз кечиргувчи Сен,
Чироғимиз ёқиб, ўчиргувчи Сен.
Каломинг ҳар дилга кўчиргувчи Сен,
Бировлар билдилар, билмаган ўзим.



МУҲАББАТ

Муҳаббат куйдирса куйдирсин,
Азоби жонимдан тўйдирсин,
Не бўлса муҳаббат бўлдирсин,
Ўлдирса, муҳаббат ўлдирсин.

Ёритманг бу тийра шомимни,
Телба деб атанглар номимни,
Қўш қўллаб топширай жонимни,
Ўлдирса, муҳаббат ўлдирсин.

Осинглар Машрабнинг сўзиман,
Ўйинглар Рўдакий кўзиман,
Оҳ десам номарднинг ўзиман,
Ўлдирса, муҳаббат ўлдирсин.

Севганман бир гўзал нозини,
То ҳануз айтмаган розини,
Не қилай жазонинг озини,
Ўлдирса, муҳаббат ўлдирсин.

Гийбатчи гийбатинг қилавер,
Бошимга балодек келавер,
Бағримни бурдалаб тилавер,
Ўлдирса, муҳаббат ўлдирсин.

Севгим бор ҳеч кимга айтмаган,
Ёрим бор манглайга битмаган,
Зорим бор – Тангрига етмаган,
Ўлдирса, муҳаббат ўлдирсин.

Тош отманг бу эрка қушимга,
Зўрға бир кирганда тушимга,
Эй Карим, келмасдан ҳушимга,
Ўлдирса, муҳаббат ўлдирсин.



ЎИЗ БОЛАНИНГ

Ўарамаса, қарамеди деманглар,
Ҳаёлари чиройли қиз боланинг,
Индамаса, индамади деманглар,
Иболари чиройли қиз боланинг.

Сўзласа, бўлиб қўйманг сўзларини,
Лоладек қизартирманг юзларини,
Сиздан қайга яширсин кўзларини,
Шаҳлолари чиройли қиз боланинг.

Сўзлаганда, сўзлари чиройлидир,
Куйлаганда, куйлари чиройлидир,
Орзулари, ўйлари чиройлидир,
Дунёлари чиройли қиз боланинг.

Кулиб қўйса, жаҳоннинг ободлиги,
Ғазаб қилса, обод ҳам барбодлиги,
Шўхликлари, эркалик, шадодлиги,
Ғавғолари чиройли қиз боланинг.

Бўйларига бўйлашар кокиллари,
Еллар билан ўйнашар кокиллари,
Қаддин қучиб қувнашар кокиллари,
Ошнолари чиройли қиз боланинг.

Асал деса, ишонинг лабларини,
Нозик деса гар Карим таъбларини
Сирли сандиқ десалар қалбларини,
Сарполари чиройли қиз боланинг.



СИЗНИ СОҒИНИБ

Узоқдан термулиб суйгандан кўра,
Аламлар ўтида куйгандан кўра,
Жонимни азобга қўйгандан кўра,
Юрганим яхшидир сизни соғиниб.

Севдим деган сўзим ерда қолгунча,
Хижолатда кўзим ерда қолгунча,
Сиз осмонда ўзим ерда қолгунча,
Юрганим яхшидир сизни соғиниб.

Бағритош ҳижрондан мурувват кутиб,
Бесамар висолнинг баҳридан ўтиб,
Ўзимдек мажнунлар этагин тутиб,
Юрганим яхшидир сизни соғиниб.

Сизни кўриб дардим янги бўлгандан,
Қалбим ғариб хаёлларга тўлгандан,
Дўсту-душман бу ҳолимга кулгандан,
Юрганим яхшидир сизни соғиниб.



ГЎЗАЛИМ

Бир кўриб, гўзалим, ойдек жамолинг,
Соядек эргашиб, етолмай қолдим,
Кўринмас занжирга боғладинг қўйдинг,
Эшигинг олдидан кетолмай қолдим.

Чиқишинг тураман ҳар сафар пойлаб,
Сенга айтар сўзим дилимга жойлаб,
Кунлар эмас, жоним, ҳаттоки ойлаб
Эшигинг олдидан кетолмай қолдим.

Исминг айтган садога бир қараб қўй,
Адо бўлган адога бир қараб қўй,
Мажнун сифат гадога бир қараб қўй,
Эшигинг олдидан кетолмай қолдим.

Васлинг ширин хаёл, орзу бўлса-да,
Нозу фироқларинг мангу бўлса-да,
Ўтган-кетганларга кулгу бўлса-да,
Эшигинг олдидан кетолмай қолдим.

Ҳижрон дарёлари мени ютса ҳам,
Сабру бардошларим тамом битса ҳам,
Майли, остонангда умрим ўтса ҳам,
Эшигинг олдидан кетолмай қолдим.



ҚИЗЛАР АРО

Қизлар аро оҳиста бўйлаб,
Сунбул-сунбул сочларинг ўйнаб,
Биров билмайди-ку деб ўйлаб,
Қараб-қараб қўясан, жоним,
Қараб мени суясан, жоним.

Нигоҳингга меҳрингни жойлаб,
Хуснинг билан кўзимни боғлаб,
Қарамаган чоғимни пойлаб,
Қараб-қараб қўясан, жоним,
Қараб мени суясан, жоним.

Айтай десанг кўнглинг ростидан,
Қутилмайсан ҳаё дастидан,
Фақатгина кўзлар остидан,
Қараб-қараб қўясан, жоним,
Қараб мени суясан, жоним.

Ўтиб кетсанг ёнимдан кулиб,
Сенга ташна, зорлигим билиб,
Ногоҳ бир бор ортга қайрилиб,
Қараб-қараб қўясан, жоним,
Қараб мени суясан, жоним.



БАХТ

Ой зулматда бўғилган кеча,
Кўкдан армон ёғилган кеча,
Йигит бошим эгилган кеча,
Сен бахтли эдинг.

Ҳижрон эшик қоққан ўша тун,
Сочимга қор ёққан ўша тун,
Алам ёмон чаққан ўша тун,
Сен бахтли эдинг.

Ўзга уйинг безатилганда,
Эгилиб чой узатилганда,
Илк бор бешик тузатилганда,
Сен бахтли эдинг.

Неча йиллар ҳажрингда юриб,
Сендан анча узоқда туриб,
Сенинг бахту иқболинг кўриб,
Мен бахтли эдим.



МУҲАББАТИМ

Менинг фикру хаёлим олган,
Дилга ҳижрон оташин солган,
Бир дард бўлиб қалбимда қолган,
Ҳам азобим, ҳам роҳатимсан,
Муҳаббатимсан.

Ёдинг билан кечарди кунлар,
Хаёлингсиз ўтмасди тунлар,
Қайдан билсин бағри бутунлар,
Тинчим олган ҳаловатимсан,
Муҳаббатимсан.

Топган эдим, йўқотдим сени,
Бу ғариб қалбимнинг таскини,
Ташлаб қайларга кетдинг мени,
Армон бўлган саодатимсан,
Муҳаббатимсан.

Сен борсанки, гўзал бу ҳаёт,
Орзуларга бўларсан қанот,
Карим учун ўзингсан нажот,
Йўқлигим ҳам бор давлатимсан,
Муҳаббатимсан.



ОҢ ҒОЧ

(халқона)

ОҢ дарёдан оқиб келар оҢ ғоч,
ОҢ ғочга ин қурибди қалдирғоч.
Қалдирғочнинг қанотлари қародир,
Ёр ҳажрида юрак бағрим яродир.

ОҢ дарёда оқиб кетар оҢ ғоч,
Тутай десам қўлим етмас наилож.
ОҢ ғочдек оқиб кетди оғларим,
Оқиб кетди бардош деган тоғларим.

ОҢ ғочга етолмадим, етмадим,
Кўнгил узиб кетолмадим, кетмадим.
ОҢ ғочга ин қурмагин қалдирғоч,
Сени ташлаб оқиб кетар оҢ ғоч.

Ининг излаб мендек бўзлаб юрмагин,
ОҢ дарёга дардинг сўзлаб юрмагин.
ОҢ дарёдан оқиб келар оҢ ғоч,
ОҢ ғочга ин қурмагин қалдирғоч.



ИҚБОЛ

Мен сени севдиму не гуноҳ учун,
Адашдим ҳижроннинг сўнгсиз йўлида,
Сирли олам ичра юрибман сармаст,
Тақдирим жилови севги қўлида.

Умидвор боқаман йўлингга ҳар тонг,
Ранж эмас, ором бор интизорликда,
Агар ҳаёт қайтса, севардим сени,
Умрим ўтса ҳамки, сенга зорликда.

Зор бўлай, йўлингга интизор бўлай,
Майли, орзуларим топсалар завол,
Майли, севмасанг ҳам, фақат билиб қўй,
Сендек қизни севмоқ ўзи бир иқбол.



СОҒИНЧ

Соғинаман ва бу соғинчдан
Рухим маънос тортиб кетади,
Ҳижрон эса йигит бошимга.
Ғам юкини ортиб кетади.

Кимдир кўнглим кўтармоқ бўлиб,
Дардим билмай айтади даво.
Жилмаяди кифтимга қоқиб,
Ўкинма, дер, бу бир кам дунё.

Кўзларимга ишора этиб —
Эсиз йигит, дейдилар пинҳон.
Билмайдилар: кўзлар дард эмас,
Сендан айру ўртагучи жон.

Қайга боқмай сени кўраман,
Қайга бормай хаёлинг йўлдош.
Фақат ўрнинг босолмас ҳатто
Қалбим ичра ёқсалар қуёш.



ТАҚДИР

Милтираган ёғду кўринмас,
Кўзларимга зим-зиё олам.
Яшар экан ёруғ дунёда,
Ажаб, нурга зор бўлиб одам.

Атрофимда мотамсаро ранг,
Гўё қуёш ўчай деган шам.
Яшар экан зулматга кўниб,
Тақдирига тан бериб одам.

Гоҳи йиғлаб, гоҳи овуниб,
Юрак-бағрин эзганда алам —
Чидар экан алдаб ўзини
Нимадандир умидвор одам.

Яхшиямки дилда муҳаббат
Ва ёнимда сен борсан, санам,
Яхшиямки эзгу ташвишлар,
Турфа ўйлар билан банд одам.

Бўлмасанг сен бу зулмат ичра,
Мажол қолмай қўймоққа қадам
Ўтар эдим бир шарпа янглиг,
Тақдиримга тан бериб мен ҳам.



АРМОН

Сен учрасанг жоним, ногаҳон,
Юрагимда бошланар исён,
Сени кўз-кўз қилади армон,
Пешонамга сиғмаган ёрим,
Ёлғон-ёлғон йиғлаган ёрим.

Ёшлик экан айланиб қолдим,
Нозларингга бойланиб қолдим,
Ё адашдим, алданиб қолдим,
Пешонамга сиғмаган ёрим,
Ёлғон-ёлғон йиғлаган ёрим.

Ёр-ёр айтиб олиб кетдилар,
Узоқ манзил томон етдилар,
Сени мендан жудо этдилар,
Пешонамга сиғмаган ёрим,
Ёлғон-ёлғон йиғлаган ёрим.

Йўлларингда кўзларим қолди,
Айтолмаган сўзларим қолди,
Армон қолди, орзу йўқолди,
Пешонамга сиғмаган ёрим,
Ёлғон-ёлғон йиғлаган ёрим.

Қисмат экан ёринг бўлмадим,
Ўзгаларни ҳавас қилмадим,
На сен билдинг, на мен билмадим,
Пешонамга сиғмаган ёрим,
Ёлғон-ёлғон йиғлаган ёрим.



FAM

Зулмат чекинади, қуёш кўрингач,
Кўнглим ёришмайди, тонглар отади.
Вужудимни тирнаб тирноқларида,
Юрагимда беғам бир ғам ётади.

Дардимни англамас ҳеч ким ҳеч қачон,
Кимга кераги бор армонларимнинг.
Ҳаммага бор қуёш менга бегона,
Булутга берганман осмонларимни.

Сўрама, бахт не деб, мендан, биродар,
Эшитганман аммо кўрган эмасман.
Менинг улфатларим зулмат ва армон,
Уларсиз бир бурда нон ҳам эмасман.

Ҳижрон ва айрилиқ қариндошларим,
Текин жой беришган хос хонасидан.
Менга эшик очмас меҳру муҳаббат,
Мангу қувилганман остонасидан.

Атроф ғала-ғовур турфа оломон,
Мен эса ёлғизман ваҳмим келади.
Негадир армоним, дардим йўқ деган,
Беғам кишиларга раҳмим келади.

Зулмат чекинади, тонглар отади.
Кўнглим ёришмайди ёришмай ўлсин.
Бу кеча шўх қўшиқ ёзмоқчи эдим,
Шеъримга ғам лойи қоришмай ўлсин.



МЕН ЭСА КИМГА...

Сен кетсанг, хазонлар келар боғимга,
Мезон ёмғирлари йиғлар ҳолимга.
Жавоб тополмайман бир саволимга
Сен менга кераксан, мен эса кимга?

Ортингдан эргашган сояман бежон,
Бир ёним армону, бир ёним ҳижрон.
Бу икки золимдан кутаман эҳсон
Сен менга кераксан, мен эса кимга?

Тақдир тошлар отар юрган йўлимга,
Гул узмай тиканлар тўлди қўлимга.
Исмингдан ўзга сўз келмас тилимга,
Сен менга кераксан, мен эса кимга?

Сенсиз кўзларимга бу дунё хароб,
Муҳаббат саробдир, орзулар сароб.
Тунларга ой керак, кундузга офтоб,
Сен менга кераксан, мен эса кимга?

Энди висол бизга кулиб боқмайди,
Оташ нигоҳларда чақмоқ чақмайди.
Биламан, саволим сенга ёқмайди,
Сен менга кераксан, мен эса кимга?

Севмоқ азоб экан, надомат экан,
Севилюк бахт экан, саодат экан...
Карим, тўғри сўз ҳам ибодат экан,
Сен менга кераксан, мен эса кимга?



ҲОФИЗ ЙИГИТГА

Гулшан ичра тикансиз гул ўсмас эди,
Боғбон яхши бўлса, биров узмас эди,
Йигит бошинг алам-алам эгмас эди,
Мени олиб қочиб кетсанг бўлмасмиди.

Қиз болага таъна тошин отмоқ нечун,
Ҳофиз бўлиб тўйда қўшиқ айтмоқ нечун,
Тўй базмидан йиғлаб-йиғлаб қайтмоқ нечун,
Мени олиб қочиб кетсанг бўлмасмиди.

Қулчиликни эплолмаган совчиларинг,
Жайрон тутиб қайтолмаган овчиларинг,
Фойдаси йўқ кўзда ёшинг томчиларинг,
Мени олиб қочиб кетсанг бўлмасмиди.

Оҳ урарсан отанг сени бермади деб,
Онажонинг гапимизга кирмади деб,
Мендан гина қилма, сўзда турмади деб,
Мени олиб қочиб кетсанг бўлмасмиди.

Гапга қолсак, бир ойгина гап бўларди,
Бир кун келиб ғийбатчилар даф бўларди,
Бахтимизни кўриб лолу хаф бўларди,
Мени олиб қочиб кетсанг бўлмасмиди.



ЙИГИТ ЁШИМДА

(Ҳазил эмас)

Йигирмада йигит ёшимда,
Дунё таъзим айлар қошимда,
Севги деган савдо бошимда,
Менга осон тутманг, отажон.

Эркин Воҳид шеърин ёд олсам,
Қўлда китоб хаёлга толсам,
Чақирсангиз, эшитмай қолсам,
Менга осон тутманг, отажон.

Гоҳо уйга кечроқ қайтаман,
Сездирмасдан кириб ётаман,
Сабабини қандай айтаман,
Менга осон тутманг, отажон.

Дардим сўранг онажонимдан,
Ё жанжалкаш сингилжонимдан.
Қўшни қизни севдим жонимдан,
Менга осон тутманг, отажон.

Қўшни қизнинг уйлари баланд,
Отасининг бўйлари баланд,
Орзулари-ўйлари баланд,
Менга осон тутманг, отажон.

Мактубларим чўзмага жойлаб,
Ҳовлисига отаман пойлаб.
Қўшни хола чиқар «ҳой-ҳой»лаб,
Менга осон тутманг, отажон.

Кўнглим қиздан қоласан, дейди,
Олиб қочсанг, оласан, дейди,
Бунча бўшанг боласан, дейди
Менга осон тутманг, отажон.



МАРҒИЛОННИНГ ҚИЗГИНАСИ

Кулиб турар оппоққина юзгинаси,
Ақлу ҳушни олиб кўяр кўзгинаси,
Туришлари маликанинг ўзгинаси,
Чиройлидир Марғилоннинг қизгинаси.

Сўзларида Кумушбиби ҳаёси бор,
Лабларида гул ғунчалар ибоси бор,
Нигоҳида ишқ дардининг давоси бор,
Чиройлидир Марғилоннинг қизгинаси.

Адрас либослари кўзинг қамаштирар,
Қараб қўйсанг йўлларингдан адаштирар,
Юрагингга оташ олов туташтирар,
Чиройлидир Марғилоннинг қизгинаси.

Излаб бордим умид айлаб дийдоридан,
Бўйлолмадим баланд-баланд деворидан,
Оби кавсар оқар экан анҳоридан,
Чиройлидир Марғилоннинг қизгинаси.

Айтганим йўқ, севганимни билмайди-да,
Узоқлардан келганимни билмайди-да,
Соғинчларда куйганимни билмайди-да,
Чиройлидир Марғилоннинг қизгинаси.

Ўсма қўйиб қийиқ қалам қошларига,
Парвоси йўқ ҳеч кўзларнинг ёшларига,
Худо инсоф берсин бағритошларига,
Чиройлидир Марғилоннинг қизгинаси.

Бунча ҳам кўп Зухро қизнинг тоҳирлари,
Водийдаги Карим деган шоирлари,
Таъриф этар сўз мулкининг мохирлари,
Чиройлидир Марғилоннинг қизгинаси.



АГАР

Тасаввурга сиғмас бу олам,
Бир кам дунё бўлар минг бир кам,
Маймундан фарқ қилмайди одам,
Муҳаббат бўлмаса дунёда.

Биров меҳру вафони билмас,
Ватан деган маъвони билмас,
Яратганни, Худони билмас,
Муҳаббат бўлмаса дунёда.

Кўзлар керак эмас одамга,
Сўзлар керак эмас одамга,
Дўстлар керак эмас одамга,
Муҳаббат бўлмаса дунёда.

Ота-она қадрин билмагай,
Ака-ука фарқин билмагай,
Ўз миллатин, халқин билмагай,
Муҳаббат бўлмаса дунёда.

Вомиқу Узролар қайдадир,
Мажнуну Лайлолар қайдадир,
Тоҳиру Зуҳролар қайдадир,
Муҳаббат бўлмаса дунёда.

Жаҳолатга тўлар кўнгиллар,
Разолатга тўлар кўнгиллар,
Хиёнатга тўлар кўнгиллар,
Муҳаббат бўлмаса дунёда.

Ўн саккиз минг оламда, ҳайҳот,
Муҳаббатсиз топилмас нажот,
Яшамоқдан, Карим, не мурод,
Муҳаббат бўлмаса дунёда.



МЕНИ СЕВМАЙСИЗ

Осмонларда ягона ой қиз,
Юлдузларга дугона ой қиз,
Фақат менга бегона ой қиз,
Сиз барибир мени севмайсиз.

Сизни севиб суйганим билан,
Сизга бино қўйганим билан,
Оташларда куйганим билан,
Сиз барибир мени севмайсиз.

Ҳажрингизда борман, адоман,
Сизга зорман, сизга гадоман,
Ортингиздан қолган садоман,
Сиз барибир мени севмайсиз.

Сизга асир, мафтун бўлсам ҳам,
Бир девона мажнун бўлсам ҳам,
Азобларга маҳкум бўлсам ҳам,
Сиз барибир мени севмайсиз.

Сиз қуёшим, юлдузим, моҳим,
Хаёлингиз содиқ ҳамроҳим,
Фалакларга етса-да оҳим,
Сиз барибир мени севмайсиз.

Армонларда ёнса бу юрак,
Тақдир экан чидашим керак,
Сирдошим йўқ Каримдан бўлак,
Сиз барибир мени севмайсиз.



КЕТДИ ДЕБ...

Сен мени кетди деб ўйлама асло,
Шунчаки кўзингга кўринмай юрсам,
Қайга ҳам кетардим, эй дилозорим,
Сени жонимдан ҳам зиёда кўрсам.

Соғинаман сени ҳар лаҳза, ҳар он,
Кўзларим йўлингга бўлиб нигорон,
Негадир келишдан кетмоғинг осон,
Сени жонимдан ҳам зиёда кўрсам.

Майли, айтмасанг ҳам дил розларингни,
Эшитсам бас ширин овозларингни,
Ёмон кўрармидим аразларингни,
Сени жонимдан ҳам зиёда кўрсам.

Шеър ҳам ёзолмадим қўлимда қалам,
Оплоқ қоғозларда кўринар алам,
Наҳот хуш кўрмайсан мени сира ҳам,
Сени жонимдан ҳам зиёда кўрсам.

Менга на Лайли-ю, на Ширин ҳавас,
Қалбимда суратинг ёдинг бўлса бас,
Севгим мажнунларда асло кам эмас,
Сени жонимдан ҳам зиёда кўрсам.

Сендан умидим йўқ жабрингдан бошқа,
Қалбимда бир дард йўқ дардингдан бошқа,
Худодан не сўрай сабрингдан бошқа,
Сени жонимдан ҳам зиёда кўрсам.



КЕТАМАН

Келади деб ўйлама қайтиб,
Мажнун мисол саҳрода дайдиб,
Дардим ёлғиз Худога айтиб,
Мен қалбингдан кетаман буткул.

Кетган бўлсам жонингга тегиб,
Армонларга бошимни эгиб,
Суратингни кўзимга тугиб,
Мен қалбингдан кетаман буткул.

Кипригингдан томган ёш бўлиб,
Тоғдан ажраб тушган тош бўлиб,
Аламларга ўзим бош бўлиб,
Мен қалбингдан кетаман буткул.

Хайр энди, гўзал санамим,
Карим ёзсин, дарду-аламин,
Асо қилиб қўлда қаламим,
Мен қалбингдан кетаман буткул.



ҚЎШНИ ҚИЗГА

Мени мафгун айлаган,
Ён қўшнимизнинг қизи,
Чиройлидир тенги йўқ,
Маликаларнинг ўзи.

Борсам, эшик очадир,
Атри бўйлар сочадир,
Билмам, гўзал не учун,
Қўшнисидан қочадир.

Меҳрибоним холажон,
Менга ёзманг дастурхон,
Ҳеч хожати йўқ бунинг,
Мен эмасман-ку меҳмон.

Ўзимдамасман ўзим,
Деворлар тўсар кўзим,
Ҳовлида қолди ахир,
Мен излаган юлдузим.

Айтинг, холажон, кирсин,
Бирпас бирга ўтирсин,
Қўлларимни куйдириб,
Бир пиёла чой берсин.

Жон қўшнижон, холажон,
Сиз яхшисиз ҳаммадан,
Беҳабарсиз беҳабар,
Жиянингиз дардидан.



ҚЎШНИЛАР

Дарвозаси ёнма-ён,
Деворлари дармиён.
Бир-бирига меҳрибон,
Ён қўшни – жон қўшнилар.

Ёниб турар кўзлари,
Меҳр тўла кўзлари,
Дилга малҳам сўзлари,
Ён қўшни – жон қўшнилар.

Яқиндир кўзу қошдан,
Қадри йўқ қариндошдан,
Меҳрлари қуёшдан,
Ён қўшни – жон қўшнилар.

Паст девордан қарашар,
Ҳолингизни сўрашар,
Корингизга ярашар,
Ён қўшни -- жон қўшнилар.

Фарзандлари дўст иноқ,
Туғишгандан яхшироқ,
Орзулари кўнгли оқ,
Ён қўшни – жон қўшнилар.

Шод бўлсанг, қувонади,
Ғам чексанг, тўлғонади,
Куйсанг, бирга ёнади,
Ён қўшни – жон қўшнилар.



ТУШ БЎЛСА ЭДИ

Сизни деб куйганларим,
Ардоқлаб суйганларим,
Туш бўлса кўрганларим,
Зора уйғониб қолсам.

Дил бериб бевафога,
Куним қолди жафога,
Чидаб бўлмас жазога,
Зора уйғониб қолсам.

Алданди орзуларим,
Илк севги туйғуларим,
Зўр келиб қайғуларим,
Зора уйғониб қолсам.

Ҳамма ёр сиздай ёрми?
Севгида вафо борми?
Вафо дунёси торми?
Зора уйғониб қолсам.

Юрагим ғамга тўлди,
Хазонлардек тўкилди,
Не бўлса кўнгил бўлди,
Зора уйғониб қолсам.



ШОШИЛМА, ҚИЗГИНА,

Тўлмасдан ўн олти ёшинга,
Қаламлар тортилди қошинга,
Савдолар ортирма бошинга,
Шошилма, қизгина, шошилма.

Бўялмиш лабларинг, юзларинг,
Ранглардан кўкармиш кўзларинг,
Ўйламай сўзлама сўзларинг,
Шошилма, қизгина, шошилма.

Беҳуда кулмагин шарақлаб,
Бемаҳал юрмагин ярақлаб,
Кетмагин уйингдан йироқлаб,
Шошилма, қизгина, шошилма.

Нозиксан қизғалдоқ, лоладан,
Сўраб бил меҳрибон онадан,
Фарқинг йўқ ҳали ёш боладан,
Шошилма, қизгина, шошилма.

Ишқ эмас сен билган ўйинчоқ,
Келинмас қўлингда қўғирчоқ,
Ҳозирча топ бошқа овунчоқ,
Шошилма, қизгина, шошилма.

Ажинлар тушганда юзингга,
Дунё тор келганда кўзингга,
Бўёқлар топарсан ўзингга,
Шошилма, қизгина, шошилма.

Бир куни бўйлашиб бўйингга,
Совчилар келади уйингга,
Тўпланиб борамиз тўйингга,
Шошилма, қизгина, шошилма.



ЛҶЛИ ҚИЗ

Йўлим тўсиб нақдинг кўрай деб,
Толеингдан бахтинг кўрай деб,
Ё давлатинг, тахтинг кўрай деб,
Алдасанг ҳам, майли, лўли қиз.

Севган ёринг ёнингда дединг,
Муҳаббати жонингда дединг,
Тугёнлари қонингда дединг,
Алдасанг ҳам, майли, лўли қиз.

Билмайсанда борлигин фироқ,
Ёрим мендан жуда ҳам йироқ,
Ёлгонлардан ёндириб чироқ,
Алдасанг ҳам, майли, лўли қиз.

Таъриф этиб гул жамолини,
Ваъда қилдинг ёр висолини,
Тотиб кўрай ёлгон болини,
Алдасанг ҳам, майли, лўли қиз.

Аврашларинг ақлимни олар,
Кўнгил сенга ишониб қолар,
Илк севгимни ёдимга солар,
Алдасанг ҳам, майли, лўли қиз.



ЎЖАР ҚИЗ

Ошиқ бўлдим беқарор,
Гўзаллар шаддодига.
Ўжар қиз қулоқ солмас,
Юрагимнинг додига.

Соғинтириб атайдан,
Бағритош кўнгли тўлар.
Мени минг кўйга солиб,
Балки ҳолимдан кулар.

Етти кундуз-кечаси,
Пойлар етти акаси.
Борсам тош отиб қувлар,
Бир зумраша укаси.

Жоним гаровга қўйиб,
Ўтсам қиё боқмайди.
Тегма нозик бу қизга,
Билмам нима ёқмайди.

Бир кун умид юлдузим,
Бахтим бўлиб куларсан.
Кўксим узра қўйиб бош,
Мунис юввош бўларсан.

Ҳой, ой санам, бой санам,
Баландроқсан ойдан ҳам.
Кел озгина пастга туш,
Ёлғиз ўғилман мен ҳам.



АГАР СИЗНИ

Кет десангиз, кетган бўлардим,
Фам бодасин ичган бўлардим,
Ҳатто сиздан кечган бўлардим,
Агар сизни мендек севсалар.

Маҳаллангиз кезиб юрмасдим,
Ўз ўзимдан безиб юрмасдим,
Юрагимни эзиб юрмасдим,
Агар сизни мендек севсалар.

Йўлингизда йўл бўлсин кўнглим,
Ёниб-ёниб кул бўлсин кўнглим,
Азоблардан қутулсин кўнглим,
Агар сизни мендек севсалар.

Тўйингизда табрик айтардим,
Шеър айтардим, қўшиқ айтардим,
Сўнгра уйга йиғлаб қайтардим,
Агар сизни мендек севсалар.

Мени телба аташса, майли,
Кўксимга тиг қадашса, майли,
Бахтим яна адашса, майли,
Агар сизни мендек севсалар.

Аламларга ёр бўлсин Карим,
Рақибларга хор бўлсин Карим,
Ёлғиз сизга зор бўлсин Карим
Агар сизни мендек севсалар.



РАШК БАЛОСИ

Мени қандай севишингни билардим,
Билиб туриб ҳар кимдан рашк қилардим,
Дард устига ўзимга дард тилардим,
Қизғониб, қизғониб сени йўқотдим.

Рашк балоси кўр экан, басир экан,
Шубҳаларга қул экан, асир экан,
Қўйиб берсанг бағрингни ғажир экан,
Қизғониб, қизғониб сени йўқотдим.

Ўзимдан қизғониб ҳатто ўзимдан,
Йўлингга термулган икки кўзимдан,
Жаҳолат жой олди айтар сўзимдан,
Қизғониб, қизғониб сени йўқотдим.

Қизғондим гулзорда гуллардан сени,
Пойингга тўшалган йўллардан сени,
Қўлингга тегмаган қўллардан сени,
Қизғониб, қизғониб сени йўқотдим.

Оловларда куйдирган рашким эди,
Бу дунёдан тўйдирган рашким эди,
Гумонларни суйдирган рашким эди,
Қизғониб, қизғониб сени йўқотдим.

Сен кетдинг-у, топганим алам бўлди,
Суянганим дардқашим қалам бўлди,
Ошиқлардан битта Карим кам бўлди,
Қизғониб, қизғониб сени йўқотдим.



ТУШ

Тушимга кирдинг, жоним,
Ўнгим бўлса нетарди,
Ўнгимда бўсаларнинг
Битгаси ҳам етарди.

Сочларингни нигоҳим,
Бир бора тараб қўйса,
Бу паришон кўнглимининг
Армонлари кетарди.

Термулиб кўзларингга,
Суйиб мазза қилардим,
Ой каби юзларингга,
Тўйиб мазза қилардим.

Нозларинг ўт қўйсалар,
Бағримга вужудимга,
Ёниб мазза қилардим,
Куйиб мазза қилардим.

Осмонларга учардим,
Агар ёнимда бўлсанг,
Бахтим сени қучардим,
Агар ёнимда бўлсанг.

Бир кеча эмас балки,
Минг бир кеча ухламай,
Тушларимдан кечардим,
Агар ёнимда бўлсанг.

Кел, эй Карим, шукр қил,
Кўрган ширин тушингга,
Уйқудаги висолни
Маҳкам босгин тўшингга.



ЁЛҒОН СЕВГИ

Севдим-у севганим олис бир осмон,
Ўргада муҳаббат, ранг-рўйи сомон.
Рост бўлди айрилиқ, рост бўлди ҳижрон,
Сени қайдан севдим, севгиси ёлғон.

Наҳот, кўзларингга алданди кўзим,
Наҳот, нозларингга боғланди кўзим,
Такрор сўроқлайман ўзимни ўзим,
Сени қайдан севдим, севгиси ёлғон.

Кўздами, сўздами, тилдами хато?
Сен деб телба бўлган дилдами хато?
Бизни учраштирган йўлдами хато?
Сени қайдан севдим, севгиси ёлғон.

Гўёки кафтимдан қуш учиб кетди,
Вафо қайларгадир, оҳ, кўчиб кетди,
Висол келмасликка онт ичиб кетди,
Сени қайдан севдим, севгиси ёлғон.

Бахт эдинг, энди не бахтим тиларсан,
Бу етим севгининг бошин силарсан,
Билмадим, айт ўзинг, балки биларсан,
Сени қайдан севдим, севгиси ёлғон.



ИСТАСАНГ СЎЗЛА

Термулиб чиройли шахло кўзингга,
Қиёслар изладим ойдек юзингга,
Сен эса зор этиб ширин сўзингга,
Истасанг сўзлагин, истамасанг йўқ.

Муносиб кўрмасанг гар шафқатингга,
Залолат етмасин ҳеч давлатингга,
Мен каби муҳтожлар кўп суҳбатингга,
Истасанг сўзлагин, истамасанг йўқ.

Юлдузим деб қувонган осмон ўзим,
Булут бўлиб йиғлаган армон ўзим,
Суймаганга суйқалган нодон ўзим,
Истасанг сўзлагин, истамасанг йўқ.

Менга на бойлигу, на дунё ҳавас,
Қаршимда индамай кулиб турсанг бас,
Ўзгалар суҳбатин кўнглим хушламас,
Истасанг сўзлагин, истамасанг йўқ.

Нурларин қизғонган ойм, қуёшим,
Сирларин қизғонган ёлғиз сирдошим,
Карим ёнса, ёнар, эй бағритошим,
Истасанг сўзлагин, истамасанг йўқ.



БУ КЕЧА

Ой висол оқшоми, майли, ботмасин,
Кўрганин аммо бировга сотмасин,
Ўртада ҳижрон деган ёт ётмасин,
Бу кеча ёр келди, тонглар отмасин.

Тун, қора чодрангни бошдан олмагин,
Қўй, ёмон сўзларга қулоқ солмагин,
Биз билан қол, фақат кетиб қолмагин,
Бу кеча ёр келди, тонглар отмасин.

Шўх сабо, тўхта, изинга қайт бу кеч,
Солмасин шовқин, денгизга айт, бу кеч,
Қилмасин булбул навосин, айт, бу кеч,
Бу кеча ёр келди, тонглар отмасин.

Эй ҳасад, бўйинг девордан чўзмагин,
Бир сафар пок севгига ўқ узмагин,
Икки дил шодлик сурурин бузмагин,
Бу кеча ёр келди, тонглар отмасин.

Борим берай, Карим, бу ширин дамга,
Ёр васлидан ортиқ не бор одамга,
Ўзим эртак айтай Шаҳризодамга,
Бу кеча ёр келди, тонглар отмасин.



ҚАЧОН ИШОНАСАН?

Сени севдим, жоним, севдим бетакрор,
Сен қалбим ардоғи, гул юзли нигор,
Ўтди ёзу қишлар, ўтмоқда баҳор,
Айт, қачон севгимга ишонасан ёр?

Ишонасан севги достонларига,
Баҳорнинг қизғалдоқ алвонларига,
Ҳатто мунажжимнинг ёлғонларига,
Айт, қачон севгимга ишонасан ёр?

Сенга кўкдан ойни узмаган эдим,
Юлдузлардан маржон тизмаган эдим,
Ҳеч кимни сенчалик севмаган эдим,
Айт, қачон севгимга ишонасан ёр?

Сенсиз кундуларим кунга ўхшамас,
Уйқусиз кечалар тунга ўхшамас,
Дунё гўзаллари сенга ўхшамас,
Айт, қачон севгимга ишонасан ёр?

Сочинг силлолмаган кўзларим ҳаққи,
Кўнглинг тополмаган сўзларим ҳаққи,
Соғинчдан сарғайган юзларим ҳаққи,
Айт, қачон севгимга ишонасан ёр?



ҚАЧОНГАЧА?

Сени жоним кутаман қанча,
Йўлинг пойлаб ҳар кун шомгача,
Шомдан яна саҳар тонггача,
Ҳижронларинг, айт, қачонгача?

Висолингга етолмай доғман,
Гоҳ телбаман, гоҳида соғман,
Япроқлари тўкилган боғман,
Хазонларинг, айт, қачонгача?

Ўн беш кунлик ойдаин тўлиб,
Сен юрасан бепарво бўлиб,
Ўзгаларга боқасан кулиб,
Эҳсонларинг, айт, қачонгача?

Хаёлимда хаёлинг кезар,
Юрагимга расмингни чизар,
Шафқати йўқ бағримни эзар,
Армонларинг, айт, қачонгача?

Келасан деб қувонган эдим,
Орзуларга чўлғонган эдим,
Не сўз десанг ишонган эдим,
Ёлғонларинг, айт, қачонгача?

Осмондасан, етолмайман, рост,
Қўлларингдан тутолмайман, рост,
Умид узиб кетолмайман, рост,
Давронларинг, айт, қачонгача?



ТЕНГ КҰРМА

Сен фалакда ойсан, юлдузсан,
Ўзингга тенг кўрмагин мени.
Мен туфроқман, чангман, ғуборман,
Тегиб кетдим жонингга сени.

Қўл учида енгимдан тутиб,
Жар четига ташлаб кет мени.
Тушиб кетай жарнинг қаърига,
Тегиб кетдим жонингга сени.

Сени севдим, майли, осмондан,
Тошлар ёғсин бошимга мени.
Сен ҳам тош от нақ юрагимга,
Тегиб кетдим жонингга сени.

Сенга озор берганим учун,
Тилка-пора этсинлар мени.
Ёниб битай дўзах ўтида,
Тегиб кетдим жонингга сени.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтса ҳам,
Хаёлингга келтирма мени.
Бузилмасин энди ороминг,
Тегиб кетдим жонингга сени.

Қоранг ўчсин телба ошиқ деб,
Тош отиб қол ортимдан мени.
Изларимни супуриб ташла,
Тегиб кетдим жонингга сени.



МЕН БИЛДИМ ФАҚАТ

Бунча зулмат бўлди бу кеча,
Дарду ғамга тўлди бу кеча,
Севги мендан кулди бу кеча,
Дил билди-ю, мен билдим фақат.

Остин-устин бўлди ҳаётим,
Синди сабрим, синди саботим,
Тақдир экан менинг нажотим,
Дил билди-ю, мен билдим фақат.

Худо жазо берди ўзимга,
Дунёлар тор келди кўзимга,
Бир тарсаки тушди юзимга,
Дил билди-ю, мен билдим фақат.

Висол кетди кўнгли бузилиб,
Ҳижрон қолди кўзи сузилиб,
Осмон гўё тушди узилиб,
Дил билди-ю, мен билдим фақат.

Ғамлар боши экан муҳаббат,
Кўзлар ёши экан муҳаббат,
Тоғлар тоши экан муҳаббат,
Дил билди-ю, мен билдим фақат.



ХАЁЛИМДАСИЗ

Бизни йўқлаб келмасангиз ҳам,
Қадримизни билмасангиз ҳам,
Ҳатто кўзга илмасангиз ҳам,
Сиз барибир хаёлимдасиз.

Қаторлашиб ўтса ҳам кунлар,
Узун-узун кечалар тунлар,
Юрагимда қолар тугунлар,
Сиз барибир хаёлимдасиз.

Куни келиб синмиш кўзалар,
Ўзгаларга бўлмиш бўсалар,
Бизга қолмиш ғамлар, ғуссалар,
Сиз барибир хаёлимдасиз.

Ўчмагай сиз ёққан оташлар,
Ҳижронларга етар бардошлар,
Чимрилса ҳам ул қалам қошлар,
Сиз барибир хаёлимдасиз.

Нолишларим дунёга сиғмас,
Ёнишларим саҳрога сиғмас,
Кўз ёшларим дарёга сиғмас,
Сиз барибир хаёлимдасиз.

Майли, қилманг бизга карамлар,
Карим бағрин эзсин аламлар,
Майли, кулса кулсин одамлар,
Сиз барибир хаёлимдасиз.



ЁРИЛТОШ

Ёрим, ёнимда бўлсанг-у, етолмасам,
Меҳрим қониб қўлларингдан тутолмасам,
Қучолмасам, лабларингдан ўполмасам,
Кетгим келур дунёларнинг чеккасига,
Ташла мени ёрилтошлар ўртасига.

Қололмасам хаёлингда хаёл бўлиб,
Атрофингда айланмасам шамол бўлиб,
Қийнаганда гумонларим савол бўлиб,
Кетгим келур дунёларнинг чеккасига,
Ташла мени ёрилтошлар ўртасига.

Термулмасам кўзларингга тўйиб-тўйиб,
Силолмасам юзларингни суйиб-суйиб,
Армон билан юрак-бағрим ўйиб-ўйиб,
Кетгим келур дунёларнинг чеккасига,
Ташла мени ёрилтошлар ўртасига.

Айтолмасам дардларимни нидо бўлиб,
Эшитмасам сўзларингни фидо бўлиб,
Фироқингда гадо бўлиб, адо бўлиб,
Кетгим келур дунёларнинг чеккасига,
Ташла мени ёрилтошлар ўртасига.

Мени излаб тоғу тошга бормагин-ей,
Афсун ўқиб, ёрил тошни ёрмагин-ей,
Жафо қилиб чарчамагин, ҳормагин-ей,
Кетгим келур дунёларнинг чеккасига,
Ташла мени ёрилтошлар ўртасига.

Дарёларда оқиб кетай Тоҳир бўлиб,
Ҳижрон мени сўйсин Қоработир бўлиб,
Карим жунун саҳросида шоир бўлиб,
Кетгим келур дунёларнинг чеккасига,
Ташла мени ёрилтошлар ўртасига.

ЎТ ТУШСИН

Суймагани суйдирган ўша,
Вужудимни куйдирган ўша,
Фам аламга тўйдирган ўша,
Муҳаббатга ўт тушсин, Тангрим.

Мажнунларга ватан бўлган чўл,
Ёсуманнинг қўлидаги гул,
Гуноҳларга бошлагувчи йўл,
Муҳаббатга ўт тушсин, Тангрим.

Менга севги мадҳин ёздирган,
Дилдан, тилдан, йўлдан оздирган,
Ўлмай туриб қабрим қаздирган,
Муҳаббатга ўт тушсин, Тангрим.

Кўзларимда ёш бўлиб оққан,
Ҳижронлари илондек чаққан,
Тирик таним дўзахдек ёққан,
Муҳаббатга ўт тушсин, Тангрим.

Муҳаббат йўк, муҳаббат сароб,
Садоқат йўк, садоқат хароб,
Агар бўлса берарди жавоб,
Муҳаббатга ўт тушсин, Тангрим.

Севгисиз хор бўлсин бу дунё,
Висолга тор бўлсин бу дунё,
Севганим бор бўлсин бу дунё,
Муҳаббатга ўт тушсин, Тангрим.

Тонги отмас тунларим ҳаққи,
Куни ботмас кунларим ҳаққи,
Азобларим, мунгларим ҳаққи,
Муҳаббатга ўт тушсин, Тангрим.



АЙРИЛИҚ

Айрилиқнинг бошлаб тўйини,
Ҳижрон чалди ғамгин куйини,
Рақсга тушар тақдир ўйини,
Энди сендан кечмасам бўлмас.

Сен хотиржам юришинг учун,
Аввалгидек кулишинг учун,
Кимгадир дўст бўлишинг учун,
Энди сендан кечмасам бўлмас.

Худо берган жазога кўниб,
Сени севиб, сенга бўйсуниб,
Юрагимга севгимни кўмиб,
Энди сендан кечмасам бўлмас.

Сенга борар йўлимни қарғаб,
Сени севган кўнглимни қарғаб,
Исминг айтган тилимни қарғаб,
Энди сендан кечмасам бўлмас.



СЕН КЕТДИНГ

Сен кетдинг, сен билан, обод бу юрак,
Эгаси уй каби хувиллаб қолди.
Энди қулоғимда, овозинг эмас,
Ҳижрон бўронлари увиллаб қолди.

Тонггача йиғлади лоқайд бу фалак,
Бепарво юлдузлар ойга парвона.
Сендек дўст тутганим қўл силтаб кетсанг,
Парво қилармиди менга бегона.

Бугуноқ бепарво яна бир кимса,
Сенга ўз севгисин сўзлайди майин,
Сен кулиб қўясан менга кулгандек,
Унга ҳам «билмадим» дейишинг тайин.

Майли, сен қасдинг ол, кўнглинг тинчисин,
Билмадим, тонгларда кимни кутаман.
Сенга Яратгандан фақат бахт тилаб,
Қора тақдиримдан бўзлаб ўтаман.



РАШК

Нега рашк қилмайин, азизам, агар
Тўлин ой жамолинг мафтунни бўлса.
Нечук қизғонмайин сени кўрганда,
Қуёш ҳам ўзгача яшнаса, кулса.

Нечун кўзларимда ёнмасин оташ,
Соғина-соғина учратган кезлар.
Нечун изтиробдан оҳ тортмай сени,
Энди топганимда чақирса қизлар.

Мени шоирликка ўргатди меҳринг,
Ишқинг шеърларимга беролди сайқал.
Нечун ғаш бўлмасин бечора қалбим,
Мен қолиб бошқадан ўқисанг ғазал.

Нега ўртанмасин бу жисму жоним,
Ҳеч парво қилмасанг забун ҳолимга.
Келмадинг гумонлар кўнглига қараб,
Наҳот дугонасан ўша золимга.

Биламан, севгига содиқ малаксан,
Севаман, ишқимга муносиб ёрсан.
Айб этма, юрагим қурғур гоҳида
Рашк қилса, рашқимга муносиб ёрсан.



ЎТИНЧ

Оллоҳдан қатра нур сўролсам эди,
Сени нигоҳимга ўролсам эди,
Кўзингдан кўз узмай туролсам эди,
Сени кўзларимда кўролсам эди.

Узоқдан гул юзинг кўрсам егарди,
Дилдаги армонлар, ғамлар битарди,
Билмадим, Худодан нима кетарди,
Сени кўзларимда кўролсам эди.

Майли, кундузларни кўрмасин кўзим,
Майли, юлдузларни кўрмасин кўзим,
Ўзинг излаганим, ўзинг ёлғизим,
Сени кўзларимда кўролсам эди.

Менга баҳорларнинг ранги керакмас,
Сенсиз кечаларнинг тонги керакмас,
Қалбимда бир тилак, бонққа тилакмас,
Сени кўзларимда кўролсам эди.

Дилинг айтмаганин билиб олардим,
Тилинг айтмаганин билиб олардим,
Ўзингга термулиб мангу қолардим,
Сени кўзларимда кўролсам эди.

Бош уриб борайми остонасига,
Бағритош тақдирнинг пешонасига,
Жонимни берардим шукронасига,
Сени кўзларимда кўролсам эди.

Тақдир жаҳонимни, боримни олсин,
Бошимга минг турфа савдолар солсин,
Фақат сени кўрмоқ имкони қолсин,
Сени кўзларимда кўролсам эди.



КЎЗЛАР

Бир шоир шахло деб атади уни
Ва ёруғ юлдузга айлади қиёс.
Бир шоир хинду деб мақтади уни,
Бодом қовоқларда қоп-қора чарос.

Ҳа, кўзлар мадҳига етмайди сўзлар,
Кўзлар бу қалбларнинг фикри – чароғи,
Ошиқлар кўзлардан севгисин излар,
Маҳбуб нигоҳида висол сўроғи.

Кўзлар бор онадек мунис меҳрибон,
Оромбахш нигоҳи минг дардга даво.
Олам гўзаллиги бўлар намоён,
Инсон кўзларида яшнаса вафо.

Кўзлар чиройлидир, ёр кўзига боқ,
Унга тенг келолмас ёрқин кўзгулар.
Кўзларда бўлади, кўра олсанг бас,
Юракка сиғмаган сирли туйғулар.

Шахло ҳам бўлмасин, бўлмасин нарғиз,
Кўзларда бор бўлсин ақлу заковат.
Таъбир жоиз бўлса шарму ҳаёсиз,
Маъносиз кўзлардан асрасин фақат.



СИНГИЛЖОНЛАРИМ

Кўнглим осмонида ойдек тўлганим,
Жонимга жонлари пайванд бўлганим,
Йиғласам йиғлаган, кулсам кулганим,
Сингилларим менинг, сингилжонларим.

Онамдек мунисим, сўзи роҳатим,
Худо сингил атаб берган неъматим,
Борлиги давлатим, юзи жаннатим,
Сингилларим менинг, сингилжонларим.

Келганда қуёшдек кулиб келади,
Гўёки фаришта бўлиб келади,
Кўзлари меҳрга тўлиб келади,
Сингилларим менинг, сингилжонларим.

Ортириб рўзғори, хонадонидан,
Илиниб тандирда ёпган понидан,
Хабар олар ота-онажонидан,
Сингилларим менинг, сингилжонларим.

Дардини сўзламас гами бўлса ҳам,
Кўрсатмас кўзларда нами бўлса ҳам,
Камим бор демайди, ками бўлса ҳам,
Сингилларим менинг, сингилжонларим.

Офтобнинг юзи бор юзларингизда,
Ҳаёнинг ўзи бор кўзларингизда,
Вафонинг сўзи бор сўзларингизда,
Сингилларим менинг, сингилжонларим.

Меҳрингиз бир дунё, яхши биламан,
Акажон десангиз, ҳузур қиламан,
Оға бўлганимга шукр қиламан,
Сингилларим менинг, сингилжонларим.



ЎТТИЗДАН ЎТСАЛАР

Камолотга етар соҳибжамоллар,
Қоматлари шамшод, қоши ҳилоллар.
Офатижон бўлар экан, аёллар,
Ўттиздан ўтсалар, қирққа етсалар.

Хусну малоҳатда ягона бўлар,
Кўрку латофатли жонона бўлар,
Ақлу заковатда бир дона бўлар,
Ўттиздан ўтсалар, қирққа етсалар.

Қошига ўсмалар қўйганда кўринг,
Кўзига сурмалар сурганда кўринг,
Очилиб кулганда, юрганда кўринг,
Ўттиздан ўтсалар, қирққа етсалар.

Юзларига қараб тўйиб бўлмайди,
Бебош бу кўзларни тийиб бўлмайди,
Ўзи суймагунча, суйиб бўлмайди,
Ўттиздан ўтсалар, қирққа етсалар.

Фарзандига меҳри дунёча бўлар,
Садоқатда Ширин, Лайлоча бўлар,
Хонадон яшнагай, нурларга тўлар,
Ўттиздан ўтсалар, қирққа етсалар.

Таъриф этсам агар кўзу қошларин,
Ойбарчиндек баланд тутар бошларин,
Ўн еттига алишмаслар ёшларин,
Ўттиздан ўтсалар, қирққа етсалар.

Карим ғазал битиб ишқ шевасида,
Овора бўлмагин эл орасида,
Аёл муҳаббатга бўлар қасида,
Ўттиздан ўтсалар қирққа етсалар.



АЁЛСАН

Аёлсан – қуёшсан, ойсан, юлдузсан,
Сен борсан, ҳаёт бор, ҳамма билади.
Оловсан, оташсан, нурсан, ёғдусан,
Бир умр парвонанг бўлгим келади.

Аёлсан – тилсимсан, сир-синоатсан,
Кўнглингда нима бор, Худо билади.
Мен содда ҳар лаҳза куюниб ёниб,
Кимни севишингни билгим келади.

Аёлсан – меҳрингдан мунаввар олам,
Рухсорингда иймон нури кулади.
Агар жаннат сенинг пойингда бўлса,
Босган изларингда ўлгим келади.

Аёлсан – дунёнинг жонли жаннати,
Нозу фироқларинг ошиқ билади.
Осмондаги ойсан, мен ерда туриб
Сени севишимга кулгим келади.

Аёлсан – ҳеч қачон севаман дема,
Биргина қарасанг, кўнглим тўлади.
Ҳаёсан, ибосан, ифбатли малак,
Бир сўз демасанг ҳам севгим келади.

Аёлсан – онамсан, опам, синглимсан,
Мадҳингга ширин сўз озлик қилади.
Ҳар уйнинг бекаси, эркаси ўзинг,
Ҳар маҳал ёнингда бўлгим келади.



ОНАЖОН

Нозик елкаларда дунёнинг иши,
Кўнгилда фарзандлар дарду ташвиши,
Сабрингиз боисин билмас ҳеч киши,
Ўзим ўргилайин сиздан, онажон!

Бўшамайсиз тандир, ўчоғингиздан,
Набирангиз тушмас кучоғингиздан,
Асло гапирмайсиз чарчоғингиздан,
Ўзим ўргилайин сиздан, онажон!

Келиндан эртароқ турган ўзингиз,
Сув сепиб кўча супурган ўзингиз,
Боғчаю мактаб югурган ўзингиз,
Ўзим ўргилайин сиздан, онажон!

Кетсам бошдан оёқ зимдан қарайсиз,
Вужудим меҳрингиз билан ўрайсиз,
Худойимдан бахту омад тилайсиз,
Ўзим ўргилайин сиздан, онажон!

Келинлар кўрдингиз, бизлар бир тараф,
Куёвлар кўрдингиз, қизлар бир тараф,
Шукрлар қиласиз бизларга қараб,
Ўзим ўргилайин сиздан, онажон!

Юзларидан нур ёғилган хилқатим,
Изларидан нур ёғилган жаннатим,
Борлигингиз борлиғимдир давлатим,
Ўзим ўргилайин сиздан, онажон!



ТАҚДИРНИНГ ҲУКМИ

Тақдирнинг ҳукмига эгилган аёл,
Бағрига армонлар тугилган аёл,
Баҳорда хазондек тўкилган аёл,
Фарзанди ногирон туғилган она.

Титроқ лабларидан чиқмас бир садо,
Бу қандай кўргулик, бу қандай жазо?
Болага термулиб юраги адо,
Фарзанди ногирон туғилган она.

Чеҳраси ёришмас, йиғлар бардоши,
Булутлар ортида қолган қуёши,
Гўдак юзларига томар кўз ёши,
Фарзанди ногирон туғилган она.

Ҳар фарзанд кўрганда кўнглида ҳадик,
Гўёки бир гуноҳ қилган кимсадек,
Кўзлари дояда болам соғми деб,
Фарзанди ногирон туғилган она.

Таъна-дашномлардан кўтаролмас бош,
Фийбат ҳар қадамда отиб турар тош,
Худога шукр деб турар кўзда ёш,
Фарзанди ногирон туғилган она.

Хаёли парипон, бағрида гўдак,
Ҳар гал кўрганимда ўрганар юрак,
Худодан не сўрай сабрдан бўлак,
Фарзанди ногирон туғилган она.



ГАПИРГИМ КЕЛЯПТИ, ОНАЖОН

Айтинг, нега энди бу дунё бир кам,
Нега ярми шодлик, ярми эса гам?
Кимга ҳам айтаман сизга айтмасам,
Гапиргим келяпти, онажон.

Ҳавасим келади тенгдошларимга,
Тоғлар чидамайди бардошларимга,
Йиғламанг қўшилиб кўз ёшларимга,
Гапиргим келяпти, онажон.

Кўчада болалар сўзлашар хандон,
Тураман лабларга тикилиб ҳайрон,
Нега эшитмоққа менда йўқ имкон,
Гапиргим келяпти, онажон.

Нетай бошқаларга ўхшай олмасам,
Бийрон сўзламасам, эшитолмасам,
Чақирсангиз, лаббай, дея олмасам,
Гапиргим келяпти, онажон.

Биламан, тақдирим ўйлаб қоласиз,
Чекка чеккаларда йиғлаб оласиз,
Сабрдан, шукрдан сўзлаб қоласиз,
Гапиргим келяпти, онажон.

Сизни тушунаман кўзларингиздан,
Бармоқларда айтган сўзларингиздан,
Кўз узмай чиройли юзларингиздан,
Гапиргим келяпти, онажон.

Қалбим осмонига расмингиз чизиб,
Юрак қат-қатига исмингиз ёзиб,
Дунёда яғонам ойижоним деб,
Гапиргим келяпти, онажон.



ЙИҒЛАГАН СЕВГИМ

Қўл етмаган ўша тўлин ой,
Тушларингга кирди, ҳойнаҳой.
Жонинг ҳалак, тополмайсан жой,
Юрагимда йиғлаган севгим.

Қийнадимиз ёлғончи висол?
Хотиралар келдимиз малол?
Ё енгингдан тортдимиз хаёл?
Юрагимда йиғлаган севгим.

Севма дедим, севдинг на чора,
Гулдан вафо кутган бечора,
Гул узилар фақат бир бора,
Юрагимда йиғлаган севгим.

Ёмғир ёғар майин эшилиб,
Осмон гўё кетди тешилиб,
Йиғлаймиз-да сенга қўшилиб,
Юрагимда йиғлаган севгим.

Сен бировга айтмас сиримсан,
Ё шунчаки содда шеъримсан,
Вужудимда оғриқ еримсан,
Юрагимда йиғлаган севгим.

Илк севгимсан, сени суяман,
Ёнсанг – ёниб, куйсанг – куяман,
Кел, кўз ёшинг артиб қўяман,
Юрагимда йиғлаган севгим.



КЕТМА ЁНИМДАН

Севгим, сени топган онимдан,
Жойлар бердим асли жонимдан,
Энди сендан айрилмоқ мушкул,
Муҳаббат, кетмагин ёнимдан.

Тор йўлларда тойдирма мени,
Гулханларда ёндирма мени,
Ёмонларга қолдирма мени,
Муҳаббат, кетмагин ёнимдан.

Висол ўзинг, ҳижрон ўзингсан,
Орзу яна армон ўзингсан,
Дардим ўзинг, дармон ўзингсан,
Муҳаббат, кетмагин ёнимдан.

Ҳаёт гўзал бўлмоғи учун,
Қалбимга нур тўлмоғи учун,
Кўзимда бахт кулмоғи учун,
Муҳаббат, кетмагин ёнимдан.



СЕН КЕТИБ

Сен кетдинг-у, дардларим беҳад,
Юрагимда қолди қатма-қат,
Суянганим сен эдинг фақат,
Айт, қайдасан, қайда, муҳаббат?

Қўлим етмай қолди ортингдан,
Дардим битмай қолди ортингдан,
Армон кетмай қолди ортингдан,
Айт, қайдасан, қайда, муҳаббат?

Кўзимда дард кўрсанг, сен сабаб,
Рангимни зард кўрсанг, сен сабаб,
Сочимда гард кўрсанг, сен сабаб,
Айт, қайдасан, қайда, муҳаббат?

Осмонимда энг олис юлдуз,
Суйганимга айтилмаган сўз,
Сендан эди умидим ёлғиз,
Айт, қайдасан, қайда, муҳаббат?

Умидим бор – қайтарсан бир кун,
Гумонларни ҳайдарсан бир кун,
Гуноҳимни айтарсан бир кун,
Айт, қайдасан, қайда, муҳаббат?



БИР ҚАДАМ

Бир кун ўтди ва яна бир кун
Рўбарўмда турар бўм-бўшдек.
Қолган кунлар гўё кун эмас,
Учиб ўтар мисоли қушдек.

Эрта ўтиб, ошпоқ тонг отиб,
Учрашамиз иккимиз хушҳол.
Яна ҳолим сўрайсан секин,
Мен ҳам сендан сўрайман аҳвол.

Сўзсиз яна қоламиз маъюс,
Қалбим ўртар ўтли бир сўроқ.
Ўртамизда фақат бир қадам,
Не қадам бу йироқдан йироқ.

Тинчлик бермас қалбга эҳтирос
Вужудимга ғалаён солиб.
Сочларингдан ўпгим келади,
Азиз бошинг бағримга олиб.

Лабларингдан, ёноқларингдан,
Юзларингдан ўпгим келади,
Қалбинг каби тоза ва тиниқ
Кўзларингдан ўпгим келади.

Нималардир дейман журъатсиз,
Жиловланар ҳисларим шу дам,
Ёдга тушар ўртадаги тоғ,
Само янглиғ олис бир қадам.

Шанба ўтди ва яна бир кун
Рўбарўмда турар бўм-бўшдек.
Қолган кунлар гўё кун эмас,
Учиб ўтар мисоли қушдек.



СЕНИ ЙЎҚЛАБ

Илк бор сени кўрдим чаманда,
Гул оралаб танҳо юрибсан.
Фунчаларга бағишлаб ханда,
Ўзинг паришонҳол турибсан.

Субҳидамда, билмам, не хаёл
Бошлаб келмиш сени гулзорга.
Меҳринг қўшиб, эй соҳибжамол,
Гул терибсан қай бахтиёрга?

Кипригингда марварид томчи,
Кўз ёшингми ё тонгги шабнам.
Қарашингда висол илинжи,
Ким кутдирди сени бунча ҳам.

Шундан бери бир қуёш бўлиб,
Хотирамда қолдинг мангуга.
Васлинг насиб қилса бахт кулиб,
Дейдилар-ку айб йўқ орзуга.

Ҳар гал сепин ёйганда баҳор,
Чаманзорни қўмсайди кўнглим.
Қайлардасан, эй эрка дилдор,
Сенсиз қўлда сўлмасин гулим.

Сени йўқлаб келдим йил ўтиб,
Лек топмадим, ўрнингда бу он
Гул кўтариб кимнидир кутиб,
Бошқа бир қиз турар паришон.



БИЛМАЙСИЗ

Муҳаббат йиғлаган дунёда ёниб,
Садоқат сиғмаган дунёдан тониб,
Умрим ўтмоқдадир Сизга талпиниб,
Билмайсиз, азизим, мени билмайсиз.

Гийбату маломат жондан тўйдирди,
Ноўрин шубҳалар бағрим куйдирди,
Не қилай тақдирим сизни суйдирди,
Билмайсиз, азизим, мени билмайсиз.

Сиз хаёлсиз хаёлимдан кетмаган,
Сиз бахтимсиз пешонамга битмаган,
Мен Мажнунман Лайлисига етмаган,
Билмайсиз, азизим, мени билмайсиз.

Ўртамизда дашти ҳижрон бўлса ҳам,
Менга қийин, Сизга осон бўлса ҳам,
Кўзларимда севгим аён бўлса ҳам,
Билмайсиз, азизим, мени билмайсиз.



ҲОФИЗ ДАРДИ

Қўшиқ айтиб ўттизимда ҳам,
Ҳали шуҳрат майин тотмадим.
Юрак дардим куйладим, аммо
Кимга ёқдим, кимга ёқмадим.

Тақдир синаб сабру тоқатим,
Соғинчларда берди роҳатим,
Мунофиқлар қилар ғийбатим,
Кимга ёқдим, кимга ёқмадим.

Ошиқларга ҳамхона бўлиб,
Мажнун бўлиб, девона бўлиб,
Ғарибларга остона бўлиб,
Кимга ёқдим, кимга ёқмадим.

Хато қилдим ўзимни ўйлаб,
Бегоналар боғига бўйлаб,
Гоҳи ёлғон гоҳи рост куйлаб,
Кимга ёқдим, кимга ёқмадим.

Йўллар олис, манзиллар олис,
Ўз қўшиғим излайман ҳануз,
Қўллагувчи топмадим бир дўст,
Кимга ёқдим, кимга ёқмадим.

Яхши ҳамки, сен бор, санъатим,
Тангри берган кетмас давлатим,
Шодлигимсан, ўзинг ҳасратим,
Кимга ёқдим, кимга ёқмадим.



САНЪАТИМ

Кўзимга қатра ёш илинган чоғлар,
Кўксим тиканлардан тилинган чоғлар,
Айрилиқ азоби билинган чоғлар,
Суянчим сен бўлдинг, азиз санъатим.

Дунё ғамларидан сабрим битса ҳам,
Қалбимни қузғунлар, зоғлар титса ҳам,
Ишонган дўстларим ташлаб кетса ҳам,
Ишончим сен бўлдинг, азиз санъатим.

Телба дунё мени минг куйга солса,
Фаразли нигоҳлар ёқамдан олса,
Бечора бу кўнглим ёлғизлаб қолса,
Таянчим сен бўлдинг, азиз санъатим.

Бошимга ёғдириб турфа балолар,
Кўнглим сиёҳ қилса кўнгли қаролар,
Меҳрибон онамдек қилиб дуолар,
Юпанчим сен бўлдинг, азиз санъатим.

Санъатим, қадрингни, айт, кимлар билур,
Кўнгли ишқ дардидан яримлар билур,
Сени жондан севган Каримлар билур,
Қувончим сен бўлдинг, азиз санъатим.



АЖАБ ДУНЁ

Азим дунё, сеҳрли дунё,
Ҳалим дунё, меҳрли дунё,
Золим дунё, қаҳрли дунё,
Ажаб дунё, ажаб дунёсан.

Кенгларга кенг, торларга торсан,
Йўқсилга йўқ, борларга борсан,
Боғларда гул, тоғларда қорсан,
Ажаб дунё, ажаб дунёсан.

Яхшиларнинг сабри сен ўзинг,
Ёмонларнинг жабри сен ўзинг,
Ғофилларнинг қабри сен ўзинг,
Ажаб дунё, ажаб дунёсан.

Ғами адо бўлмас дунёсан,
Ғами адо бўлмас дунёсан,
Кетган қайтиб келмас дунёсан,
Ажаб дунё, ажаб дунёсан.

Кошонасан, кимга вайрона,
Кимга ошно, кимга бегона,
Чин дунёга ўзинг остона,
Ажаб дунё, ажаб дунёсан.



МЕНИ СЎРАНГ

Мени излаб оввора бўлманг,
Тополмайсиз кошоналардан.
Ёр ишқида мискин бандаман,
Сўранг мени вайроналардан.

Ғамдан бўлак бир улфатим йўқ,
Дардим англар ҳамсуҳбатим йўқ,
Мижғовларга ҳеч тоқатим йўқ,
Сўранг мени майхоналардан.

Ишқ майидан бўлсам-да сармаст,
Мажнунликни қилмадим ҳавас,
Аммо асло соғлардан эмас,
Сўранг мени девоналардан.

Ошиқларнинг хоки пойиман,
Ғамхонаси ғамга бойиман,
Юракларнинг оғриқ жойиман,
Сўранг мени мастоналардан.

Орзулари ойларда қолган,
Кўз ёшлари сойларда қолган,
Яқинлари қайларда қолган,
Сўранг мени бегоналардан.

Нолишларим ҳижрон шўридан,
Бу фалакнинг зулму зўридан,
Ахтарманглар уйнинг тўридан,
Сўранг мени остоналардан.

Азалдан то шу кунга қадар,
Ошиқ аҳли дарвеш, дарбадар,
Танимаса Марғилон агар,
Сўранг мени Фарғоналардан.



НИМА ТОПДИМ?

Ёшлик оқиб кетди дарёда,
Хаёл ҳамон учар самода,
Шодлигидан гами зиёда,
Севиб нима топдим дунёда?

Севганларим кўп бўлдимиз ё,
Севгим саноқ чўп бўлими ё,
Ажаб бўлди, хўп бўлдимиз ё,
Севиб нима топдим дунёда?

Ишқнинг азоб дардидан бошқа,
Ҳижронларнинг жабридани бошқа,
Сочларимнинг гардидани бошқа,
Севиб нима топдим дунёда?

Армонларнинг борми адоғи?
Бошим ёрар тақдир таёғи,
Вужудимни қийнар сўроғи,
Севиб нима топдим дунёда?

Адашганлар сардори бўлдим,
Бемехрлар гамхори бўлдим,
Бир бедилнинг дилдори бўлдим,
Севиб нима топдим дунёда?

Туним ойсиз осмонга қолди,
Куним кунсиз замонга қолди,
Додим ёлғиз Раҳмонга қолди,
Севиб нима топдим дунёда?

Карим, дардинг сўзлашдан кўра,
Тилинг сабру бардошга ўра,
Бировданмас, ўзингдан сўра,
Севиб нима топдим дунёда?



СЕВМАГАН ҚИЗ

Ойдан-да гўзал юлдуз,
Ҳуснига тўймайди кўз,
Қоши ёй, кўзи нарғиз,
Мен севсам, севмаган қиз.

Рашки жоним олади,
Дод деворгим келади,
Қизғонишим билади,
Мен севсам, севмаган қиз.

Севдим десам кулгани,
Кулиб ойдек тўлгани,
Шу дебман-да суйгани,
Мен севсам, севмаган қиз.

Хаёлимда ёр эди,
Ёнгинамда бор эди,
Усиз дунё тор эди,
Мен севсам, севмаган қиз.

Ҳақмиди тақдир деган,
Гул бормиди бетикан,
Билсам ёри бор экан,
Мен севсам, севмаган қиз.



СЕНИ СОҒИНДИМ

Сени соғиндим ёмон,
Ваъдалар бунча ёлғон,
Айтган сўзингга қачон
Вафо қиласан?

Узун ҳижронлар туни,
Наҳот билмайсан шуни,
Худонинг берган куни
Жафо қиласан!

Севгим айтсам ўзингга,
Қараб дардли кўзимга,
Ишонмайсан сўзимга,
Хато қиласан.

Келмасанг ҳолим хароб,
Орзу-ўйларим сароб,
Рашкинг тутади шароб,
Расво қиласан.

Кирма ҳадеб тушимга,
Келолмайман ҳушимга,
Кел десам оғушимга,
Ҳаё қиласан.

Кутаман неча замон,
Йўлларингга нигорон,
Карим, деб зора пинҳон,
Садо қиласан.



ҚАРАШЛАРИНГ

Ойдин юзларингдан ойлар боқади,
Сунбул сочларингда сойлар оқади,
Қарашларинг ақлу ҳушимни олиб,
Бағримга севгидан ўтлар ёқади.

Гул очилиб гул бўлолмас ўзингдек,
Болу асал сўз топилмас сўзингдек,
Жайрон охуларга нисбат бермадим,
Кўзлар борму кулиб турган кўзингдек?

Борлиғим ёндирар нозу фироқинг,
Юрагимда ширин дарду сўроғинг,
Ҳижрон деган қоронғу кечаларда
Мени чорлаб турар умид чироғинг.

Қоматингдур сарву, бўйлар шамшоди,
Хаёлимда васлинг орзуси, ёди,
Сен фалак буржида олис юлдузсан,
Сенга етармиди ошиқнинг доди.

Бағрини тош қилган қаламқошимсан,
Кўзимни ёш қилган бағритошимсан.



АВВАЛГИЛАРДЕК

Баҳоргинам мунисим менинг,
Гул баданим, гул исим менинг,
Яқиндаги олисим менинг,
Келсанг эди аввалгилардек.

Сенсиз қалбим Саҳрои Кабир,
Ҳеч кими йўқ сарғайган сағир,
Сени жуда соғиндим ахир,
Келсанг эди аввалгилардек.

Хазон боғим нурга тўлдириб,
Армонларим янчиб, ўлдириб,
Рақибимни доғда қолдириб
Келсанг эди аввалгилардек.

Рапкинг адо қилмасдан бурун,
Жондан жудо қилмасдан бурун,
Ҳажринг гадо қилмасдан бурун,
Келсанг эди аввалгилардек.

Сенсиз ўтган кунларим ҳақи,
Нолаларим, мунгларим ҳақи,
Бахти қора тунларим ҳақи,
Келсанг эди аввалгилардек.

Бир зумгина нозингдан тониб,
Ой юзларинг лоладек ёниб,
Ширин сўзлаб кўнглимни олиб,
Келсанг эди аввалгилардек.



АРМОНИНГ ШИРИН

Кўзим тўймас ҳуснингга қараб,
Нигоҳларим сочингни тараб,
Чиройингга асло йўқ тараф,
Сен қайда-ю, бошқалар қайда.

Гулшанларнинг раъноси ўзинг,
Юлдузларнинг Зухроси ўзинг,
Шеърларимнинг маъноси ўзинг,
Сен қайда-ю, бошқалар қайда.

Ойдин юзлар фақат сендадир,
Оҳу кўзлар фақат сендадир,
Ширин сўзлар фақат сендадир,
Сен қайда-ю, бошқалар қайда.

Сен бор жойда баҳорга не бор,
Кулиб қўйсанг, гулзорга не бор,
Қаҳринг келса, озорга не бор,
Сен қайда-ю, бошқалар қайда.

Васлинг ширин, ҳижронинг ширин,
Дардинг ширин, дармонинг ширин,
Ўзинг ширин, армонинг ширин,
Сен қайда-ю, бошқалар қайда.



ҚАНДОҚ ЯШАЙ?

Айрилиққа бекат бу дунё,
Кетмоқ учун келасан гўё,
Балки сенсиз яшарман, аммо
Қандоқ яшай муҳаббатингсиз?

Сен кетдингу, борим йўқолди,
Туйғуларим унсиз дод солди,
Ғамдан бўлак менга не қолди,
Қандоқ яшай муҳаббатингсиз?

Юрак бунча дардга тўлмаса,
Севги мендан бунча кулмаса,
Сир айтгани бир дўст бўлмаса,
Қандоқ яшай муҳаббатингсиз?

Сен қалбимнинг доғисан энди,
Бошимда ғам тоғисан энди,
Ўзга боғбон боғисан энди,
Қандоқ яшай муҳаббатингсиз?

Васлинг ҳамон сўроқларимда,
Кулишларинг қулоқларимда,
Ёдинг яшар ардоқларимда,
Қандоқ яшай муҳаббатингсиз?

Тушларинга кирсам, йиғлама,
Хаёлингда юрсам, йиғлама,
Ҳаёт бўлсам, ўлсам, йиғлама,
Қандоқ яшай муҳаббатингсиз?



СОФИНИБ ҚОЛСАМ

Қалбимда ғам бўлади,
Дарду алам бўлади,
Нимадир кам бўлади,
Сизни соғиниб қолсам.

Соғинчларда ёнаман,
Ўзимдан ҳам тонаман,
Телбаман, девонаман,
Сизни соғиниб қолсам.

Ҳижрон жоним олади,
Не кўйларга солади,
Ҳеч ким ёқмай қолади,
Сизни соғиниб қолсам.

Борай десам йўл йироқ,
Ўртада золим фироқ,
Ким бор сиздан яхшироқ,
Сизни соғиниб қолсам.

Кутамаман кун ботгунча,
Яна тонглар отгунча,
Менга жафолар шунча,
Сизни соғиниб қолсам.

Кўнглимиз тўлар эди,
Бахтимиз кулар эди,
Келсангиз бўлар эди,
Сизни соғиниб қолсам.



УМИД

Ҳар кун тонгга умид боғлаган,
Тунда яна бағрин доғлаган,
Кимларнингдир йўлин пойлаган,
Деразадан термулган бола.

Она сўзин айтиб тўймаган,
Отасини қайтиб кўрмаган,
«Жума қанд»лар тотиб кўрмаган,
Деразадан термулган бола.

Нигоҳида дардли бир ўкинч,
Юрагида эртадан илинж,
Кўзларида йиғлайди соғинч,
Деразадан термулган бола.

Бўлса ҳамки дўст-ўртоқлари,
Совға, салом, ўйинчоқлари,
Маънос кулар байрам чоғлари,
Деразадан термулган бола.

Она меҳрин қайдан топсин у,
Ота дея қайга чопсин у,
Ғам юзидан тоқай ўпсин у,
Деразадан термулган бола.

Ватанинг бор – ғамхўр, раҳнамо,
Сени ёлғиз қўймайди асло.
Келажагинг порлоқ бир дунё,
Деразадан термулган бола.



СОҒИНДИМ

Бўлсанг ҳамки ёнимда менинг,
Ёнимдамас жонимда менинг,
Ўтган ҳар бир онимда менинг,
Сени жуда соғиниб кетдим.

Кўз узолмай келар йўлингдан,
Рашким келиб ўнгу сўлингдан,
Дардим айтай ушлаб қўлингдан,
Сени жуда соғиниб кетдим.

Жоним оғирир фироқларингдан,
Соғинчларинг, сўроқларингдан,
Кел, бир ўпай ёноқларингдан,
Сени жуда соғиниб кетдим.

Ишқинг билан ёнар юрагим,
Бахту толе сенга тилагим,
Бўлмаса-да сенга керагим,
Сени жуда соғиниб кетдим.

Кўзларинга термулай мудом,
Бўйларингдан ўргилай мудом,
Кулишингга қул бўлай мудом
Сени жуда соғиниб кетдим.

Севганимни дунё билса ҳам,
Ағёрларим ғавфо қилса ҳам,
Сўзларимга ғашинг келса ҳам,
Сени жуда соғиниб кетдим.



СЕН КЕТСАНГ

Сен кетсанг, кенг дунё тор бўлар менга,
Сен қолиб, армонлар ёр бўлар менга,
Хаёлинг бир баланд дор бўлар менга,
Тақдир қон йиғлатди, йиғлатгин сен ҳам.

Сен кетсанг, ошиғинг ўлмоғи аниқ,
Муҳаббат сочларин юлмоғи аниқ,
Рақиблар яйрашиб кулмоғи аниқ,
Тақдир қон йиғлатди, йиғлатгин сен ҳам.

Наҳот келар йўлинг кутса бировлар,
Наҳот қўлларингдан тутса бировлар,
Наҳот кўзларингдан ўпса бировлар,
Тақдир қон йиғлатди, йиғлатгин сен ҳам.

Кетсанг, мени қарғаб, мендан безиб кет,
Кўксимга Мажнун деб ўйиб, чизиб кет,
Жисмимни босиб ўт, янчиб, эзиб кет,
Тақдир қон йиғлатди, йиғлатгин сен ҳам.

Бу золим дунёнинг жафоси дегил,
Ё тақдир азалнинг хатоси дегил,
Бемаҳал севгининг жазоси дегил,
Тақдир қон йиғлатди, йиғлатгин сен ҳам.

Сени еру кўкка ишонмас кўнглим,
Кулмасанг, бир лаҳза кувонмас кўнглим,
Каримдек ўзга сўз деёлмас кўнглим,
Тақдир қон йиғлатди, йиғлатгин сен ҳам.



ҚИЗ ДАРДИ

Куйга солиб кўнгил зорини,
Чертиб муҳаббатнинг торини.
Онажоним, дил асрорини,
Кимга айтай сизга айтмасам?

Қизлар боши тоғларнинг тоши,
Тошдан қаттиқ сабру бардоши,
Юрагимнинг ёлғиз сирдоши,
Кимга айтай сизга айтмасам?

Қайси оловларда куйганим,
Ширин алдовларни суйганим,
Бевафога меҳр қўйганим,
Кимга айтай сизга айтмасам?

Нечун ёлғон яшар дунёда,
Дарду армон яшар дунёда,
Нечун вафо қақшар дунёда,
Кимга айтай сизга айтмасам?

Куйга солиб кўнгил зорини,
Чертиб муҳаббатнинг торини,
Онажоним, дил асрорини,
Кимга айтай сизга айтмасам?



ЭЙ КҮНГИЛ

Эй кўнгил, севгининг ҳижронларидан,
Манглайга битилган армонларидан,
Тақдирнинг беаёв фармонларидан,
Сен ҳамон йиғларсан, мен йиғлаб бўлдим.

Бу бир кам дунёда кимнинг ками йўқ,
Бу бир кам дунёда кимнинг гами йўқ,
Бу бир кам дунёда дил малҳами йўқ,
Сен ҳамон изларсан, мен излаб бўлдим.

Энди рашк оташи бағримни ёқмас,
Энди висол менга қайрилиб боқмас,
Ҳатто ҳижрон келиб эшигим қоқмас,
Сен ҳамон кутарсан, мен кутиб бўлдим.

Карвонлар ортидан йўл қолғусидир,
Саҳройи баҳордан чўл қолғусидир,
Беҳуда ёнгандан кул қолғусидир,
Сен ҳамон ёнурсан, мен куйиб бўлдим.

Чўққилар чўкмагай қор кетган билан,
Илк севги кетмагай ёр кетган билан,
Дардларинг тугамас соз чертган билан,
Сен ҳамон куйларсан, мен куйлаб бўлдим.

Рангларга зор бўлса кеча-кундузим,
Булутлар тўсса ҳам ою юлдузим,
Қуёшдан айрилиб йиғламас кўзим,
Сен ҳамон бўзларсан, мен бўзлаб бўлдим.

Парвариш етмади ишқ ниҳолига,
Хазондек тўкилдим куз шамолига,
Эй кўнгил, бу телба Карим ҳолига
Сен ҳамон куларсан, мен кулиб бўлдим.



ЭЙ МУҲАББАТ

Эй муҳаббат, қўй энди мени,
Бўлолмайсан кўнглим таскини,
Наҳот борар жойинг йўқ сени,
Юрагимда нима қиласан?

Бас, алдама суйкалиб, суйиб,
Ёлғонингдан кетганман тўйиб,
Мени яна азобга қўйиб,
Юрагимда нима қиласан?

Бир қарор йўқ ақлу ҳушимда,
Савдоларинг ҳамон бошимда,
Гуноҳкордек турма қошимда,
Юрагимда нима қиласан?

Сарбон бўлиб ҳижронларинга,
Аламларинг армонларинга,
Бор ўша кенг осмонларинга,
Юрагимда нима қиласан?

Майли, кетсанг ғазабга тўлиб,
Мени қарғаб ҳолимга кулиб,
Дардларимга сифинди бўлиб,
Юрагимда нима қиласан?

Маликасан, тахтинг шоҳона,
Муносибдир сенга кошона,
Бойкуш сайраб турган вайрона,
Юрагимда нима қиласан?

Не буюрсанг фидо бўлганман,
Телба мажнун гадо бўлганман,
Энди тамом адо бўлганман,
Юрагимда нима қиласан?

Йиллар ўтди карвонлар бўлиб,
Орзу кетди армонлар бўлиб,
Қутулсинми сендан ё ўлиб,
Юрагимда нима қиласан?

ДЎСТ

Дунёларга юрак дардим сифмади,
Армон халжар бўлиб бағрим тиглади,
Кўнглим ўзи айтиб, ўзи йиғлади,
На дўст бўлдим, на бир дўст тополмадим.

Кимга меҳр қўйсам, жабри кўп бўлди,
Вафо-садоқатнинг қабри кўп бўлди,
Не тонг осмонининг абри кўп бўлди,
На дўст бўлдим, на бир дуст тополмадим.

Яхши-ёмонларнинг суҳбатин кўрдим,
Тириклик заҳматин, меҳнатин курдим,
Мунофиқ бандалар ғийбатин кўрдим,
На дўст бўлдим, на бир дўст тополмадим.

Аро йўлда ташлаб кетар ёмон дўст,
Сендек яхши дўстни нетар ёмон дўст,
Бир куни бошингга етар ёмон дўст,
На дўст бўлдим, на бир дўст тополмадим.

Навой толмаган меҳрибон қайда,
Шоҳ Бобур излаган дилистон қайда,
Сен яхши қайда-ю, мен ёмон қайда,
На дўст бўлдим, на бир дўст тополмадим.

Қуёшни дўст тутдим, вафо қилмади,
Ой-юлдузлар мени кўзга илмади,
Умидим ёр эди, у ҳам келмади,
На дўст бўлдим, на бир дўст тополмадим.

Ёрсиз дунё ғалат кўринар кўзга,
Фам тамғаси тушар манглайга, юзга,
Карим, икки дунё Аллоҳдан ўзга,
На дўст бўлдим, на бир дўст тополмадим.



ЭҲТИРОМ

Саховат бобида Ҳотами Тойсиз,
Бағри кенг, камтарин, иймонга бойсиз,
Яхшилик боғларин яшнаган сойсиз,
Маҳмуджон ҳожисиз, Маҳмуджон ҳожи.

Не бўлса топдингиз меҳнатингиздан,
Ёзёвон файзлидир ҳурматингиздан,
Дўстлар ҳузур қилар суҳбатингиздан.
Маҳмуджон ҳожисиз, Маҳмуджон ҳожи.

Ўтмиш меросимиз ўйлаган ҳожим,
Ҳофизу шоирни сийлаган ҳожим,
Мажруҳий руҳлари қўллаган ҳожим,
Маҳмуджон ҳожисиз, Маҳмуджон ҳожи.

Қуёшдек беминнат ёғду сочингиз,
Етимлар қалбига йўллар очдингиз,
Бахилдан, хасисдан нари қочдингиз,
Маҳмуджон ҳожисиз, Маҳмуджон ҳожи.

Қилдингиз мактабу боғчалар бунёд,
Яйраб билим олар келажак авлод,
Не ғариб дилларни этдингиз обод,
Маҳмуджон ҳожисиз, Маҳмуджон ҳожи.

Ҳар бир хонадонга тўйлар тилаган,
Қўрасига молу қўйлар тилаган,
Ватан камолига бўйлар тилаган,
Маҳмуджон ҳожисиз, Маҳмуджон ҳожи.

Вафо топар вафо қилса аҳдига,
Оллоҳ омад берсин бахту тахтига,
Сиздайлар кўпайсин халқим бахтига,
Маҳмуджон ҳожисиз, Маҳмуджон ҳожи.



НОШУКР БЎЛМА

Эй дўст, асло ношукр бўлма,
Гарчи зўрсан, кибрга тўлма,
Ўзингга боқ, бировга кулма,
Охират роҳатин истасанг.

Атрофингга гоҳ қараб қўйгин,
Сўнг ўзингни бир тараф қўйгин,
Яхшиликка сен яраб қўйгин,
Охират роҳатин истасанг.

Сўзим малол олма қўнглингга,
Бино қўйма молу мулкингга,
Бир қараб қўй ўтган умрингга,
Охират роҳатин истасанг.

Тавба қилгин хато қилганда,
Дарду алам бағринг тилганда,
Бой ҳам йиғлар вақти келганда,
Охират роҳатин истасанг.

Бандаликка йўйиб хатони,
Кимларгадир қилдинг жафони,
Ёдингда тут қайтар дунёни,
Охират роҳатин истасанг.

Бой бўларсан, бўлса давлатинг,
Хайру эҳсон, закот ҳимматинг,
Икки дунё бўлар иззатинг,
Охират роҳатин истасанг.

Луқманинг ҳалолин сўрарсан,
Фарзандлар камолин кўрарсан,
Маҳшарда жамолин кўрарсан,
Охират роҳатин истасанг.

Не сўз десанг вафоси бўлсин,
Не иш қилсанг адоси бўлсин,
Ота-онанг дуоси бўлсин,
Охират роҳатин истасанг.

ГИЙБАТ

Йиғлама, шу экан дунёнинг бори,
Уч одам тўпланса – гийбат бозори,
Жонингни оғритар оғриқ, озори,
Гийбатдан қайга ҳам қочамиз, эй дўст?

Мунофиқ чин дўстинг бўлиб туради,
Юзлари чиройли кулиб туради,
Кўзлари заҳарга тўлиб туради,
Гийбатдан қайга ҳам қочамиз, эй дўст?

Қуш бўлсанг қанотинг қайирмоғи бор,
Минг йиллик дўстингдан айирмоғи бор,
Қалбида қоп-қора ҳасад доғи бор,
Гийбатдан қайга ҳам қочамиз, эй дўст?

Ўзидан беҳабар бўлар гийбатчи,
Тиззаси йиртиққа кулар гийбатчи,
Сендан гапирмаса ўлар гийбатчи,
Гийбатдан қайга ҳам қочамиз, эй дўст?

Қўшнинг ёмон бўлса, кўчиб кетасан,
Дўстинг ёмон бўлса, кечиб кетасан.
Бир куни ёдидан ўчиб кетасан,
Гийбатдан қайга ҳам қочамиз, эй дўст?

Кўзингда дард бўлар унинг дастидан,
Юзларинг зард бўлар унинг дастидан,
Сочингда гард бўлар унинг дастидан,
Гийбатдан қайга ҳам қочамиз, эй дўст?



ДЎСТ БЎЛСА...

Қоп қора сочингда қор кўринганда,
Кўнглинг меҳр учун зор кўринганда,
Дунё кўзларингга тор кўринганда,
Қани бир дўст бўлса, дардингни айтсанг,
Ўзингни топсангу, ўзингга қайтсанг.

Умримни шамоллар, елларга бердим,
Қалбимни муз қотган дилларга бердим,
Исмимни гийбатчи тилларга бердим,
Қани бир дўст бўлса, дардингни айтсанг,
Ўзингни топсангу, ўзингга қайтсанг.

Ёшликнинг беш кунлик баҳорларидан,
Муҳаббат аталган бозорларидан,
Бағримни ёндирган озорларидан,
Қани бир дўст бўлса, дардингни айтсанг,
Ўзингни топсангу, ўзингга қайтсанг.

Ёмондан яхшилик кутган бандаман,
Хатолар этагин тутган бандаман,
Не бўлса ичига ютган бандаман,
Қани бир дўст бўлса, дардингни айтсанг,
Ўзингни топсангу, ўзингга қайтсанг.

Садоқат сизмаган дунё экан бу,
Хиёнат яйраган дунё экан бу,
Оқибат йиғлаган дунё экан бу,
Қани бир дўст бўлса, дардингни айтсанг,
Ўзингни топсангу, ўзингга қайтсанг.

Йўғингда кўринмас борингда борлар,
Ваъдани унутар вафоли ёрлар,
Ёзингда бошингга ёғади қорлар,
Қани бир дўст бўлса, дардингни айтсанг,
Ўзингни топсангу, ўзингга қайтсанг.

Биламан, бир савол қийнар юрагинг,
Сен истаган дўстга борми керагинг,
Эй Карим, қалбингда ёлғиз тилагинг,
Қани бир дўст бўлса, дардингни айтсанг,
Ўзингни топсангу, ўзингга қайтсанг.

ЖАЙРОН

Тақиб қора кўзойнагини,
Гийбат менга ёмон тикилди.
Тоғларингга олиб кет мени,
Жайрон, сени дўст тутгим келди.

Қай сирларим айтай ўзингга,
Сирдон топмай қаддим эгилди.
Сингиб кетай шахло кўзингга,
Жайрон, сени дўст тутгим келди.

Ғам дарёсин ичимга ютиб,
Кўзларимдан намлар тўкилди.
Мунофиқлар баҳридан ўтиб,
Жайрон, сени дўст тутгим келди.

Ёмғир бўлиб ёғди аламлар,
Бардошимга тоғлар йиқилди.
Мазах қилса қилар одамлар,
Жайрон, сени дўст тутгим келди.

Дўстим қанча, душманим қанча,
Бармоқларим бари букилди.
Сен улардан яхшисан анча,
Жайрон, сени дўст тутгим келди.

Юрагимни англамас ҳеч ким,
Томоғимга додим тикилди.
Мени дўст деб танламас ҳеч ким,
Жайрон, сени дўст тутгим келди.

Гийбатлардан, ғараз сўзлардан,
Не-не зотлар ўлиб қутулди.
Мен ҳам қочиб ёмон кўзлардан,
Жайрон, сени дўст тутгим келди.



ДУНЁ

Ёлфонсан, ростинг йўқ айтгудек,
Работсан бир тўхтаб ўтгудек,
Зиндонсан қуёшни ютгудек
Ғамхона дунёсан, ғамхона.

Бир жойга етса-да ёшимиз,
Ғийбатдан чиқмайди бошимиз,
Ўртада совийди ошимиз,
Чойхона дунёсан, чойхона.

Омонат не бўлса берганинг,
Одамлар гўёки эрмагинг,
Ҳеч адо бўлмади эртагинг,
Афсона дунёсан, афсона.

Гоҳида ғазабга тўласан,
Дод солиб сочингни юласан,
Сўнг қилган ишингдан куласан,
Девона дунёсан, девона.

Гўзалсан, ақлимиз олгансан,
Минг мақом, минг кўйга солгансан,
Аслида кимлардан қолгансан,
Ордона дунёсан, ордона.

Кўрмайди соппа-соғ кўзимиз,
Хижолат билмайди юзимиз,
Маст-аласт, пойма-пой сўзимиз,
Майхона дунёсан, майхона.

Эй Карим, сифмасдан жаҳонга,
Айланиб яхши ҳам ёмонга,
Кетамиз чин дунё томонга,
Остона дунёсан, остона.



ҚЎШИҚЛАРИМ БОР

Кўлдан тушмас созим, эй дўст, бир нафас,
Куйлайман дардларим, бедард англамас,
Чаман булбуллари қилгудай ҳавас,
Ҳали айтилмаган қўшиқларим бор.

Дейдилар, булбулга гул бўлса бўлди,
Кўнгил изҳорига тил бўлса бўлди,
Мендек ҳофизларга эл бўлса бўлди,
Ҳали айтилмаган қўшиқларим бор.

Йўлимга игналар сочма, ҳасадгўй,
Ортимдан тош отиб қочма, ҳасадгўй,
Қулоғинг беркитиб шошма, ҳасадгўй,
Ҳали айтилмаган қўшиқларим бор.

Ёмонлар зулмидан афғону оҳим,
Кўшиқ айтмоқ бўлди ёлғиз гуноҳим.
Бахилларга инсоф бергин, Аллоҳим,
Ҳали айтилмаган қўшиқларим бор.

Вафо қилмас сохта шуҳрат, эътибор,
Аллоҳ ўзи азиз қилмаса бекор,
Қалбимда, эй Карим, тоза, беғубор,
Ҳали айтилмаган қўшиқларим бор.



УМИДЛИ ДУНЁ

Бир чархки, на ҳудуд, на поён билмас,
Бир чархки, на замон, на макон билмас,
Бир чархки, на вужуд, на макон билмас,
Ҳайбатли дунё бу, ҳикматли дунё.

Кимга кенг дунё бу, кимгадир қафас,
Ҳеч ким дил узолмас то охир нафас,
Одам йиғлаб келар, кетмоқ истамас,
Лаззатли дунё бу, неъматли дунё.

Кимдир шоҳ бўлгуси, кимлардир гадо,
Ким вафо топгуси, кимлардур жафо,
Ким ёрлиқ олгуси ва кимдир жазо,
Шавкатли дунё бу, ҳасратли дунё.

Бунда сайёд кезар сайдини излаб,
Мазлум бошин эгар золимни сизлаб,
Бунда кибру ҳаво юрар «биз-биз»лаб,
Ҳайратли дунё бу, ибратли дунё.

Кўксига тоғлар ҳам, уммон ҳам сиғар,
Боғига гуллар ҳам, тикон ҳам сиғар,
Бағрига яхши ҳам, ёмон ҳам сиғар,
Қудратли дунё бу, ваҳшатли дунё.

Бу дунё асрорин яратган билур,
Борлиқни ўзига қаратган билур,
Оламга раҳматин таратган билур,
Аҳмадли дунё бу, умматли дунё

Гуноҳлар юкидан бўлиб шармисор,
Тазарру қиламиз Оллоҳга минг бор,
Карим шафқатидан умидимиз бор,
Умидли дунё бу, умидли дунё.



БИР КАМ ДУНЁ

Азал шундай яралган олам,
Ярми шодлик, ярми дарду ғам,
Умид қилма, эй, азиз одам,
Бутун бўлмас, бу дунё бир кам.

Яшаб ўтди, турфа хил эллар,
Унут бўлди, не қадим тиллар,
Ўтса ҳамки яна минг йиллар,
Бутун бўлмас, бу дунё бир кам.

Инсон қанча уринган билан,
Мол-дунё деб, суринган билан,
Бахт манзили кўринган билан,
Бутун бўлмас, бу дунё бир кам.

Биров ота-онадан безор,
Кимдир улар дийдорига зор.
Йўқсилда йўқ, борларда бисёр,
Бутун бўлмас, бу дунё бир кам.

Буғдой ўсар сомони билан,
Гул очилар тикони билан,
Яхши яшар ёмони билан,
Бутун бўлмас, бу дунё бир кам.

Ортга қайтмас қарвон барчамиз,
Бошдан оёқ нуқсон барчамиз,
Замин узра меҳмон барчамиз,
Бутун бўлмас, бу дунё бир кам.



ДИЙДОР

Йиллар ўтиб борар, улғаяди ёш,
Вақт деган ҳакам бор, золим, бағритош,
Бугун шодлигимдан кўзларимда ёш,
Дийдорга не етсин, азиз синфдош.

Унут бўлармиди мунаввар тонглар,
Беташвиш болалик, жонсарак жонлар.
Партада ёнма-ён ўтирган онлар,
Дийдорга не етсин, азиз синфдош.

Тегиб тегмаганга кесак отардик,
Устозни ранжитиб, дарсдан қочардик,
Чарчаб тонгда кўзни зўрға очардик,
Дийдорга не етсин, азиз синфдош.

Ёддан чиқармиди кўрганларимиз,
Далада, пахтада юрганларимиз,
Қувлашиб, яйрашиб кулганларимиз,
Дийдорга не етсин, азиз синфдош.

Илк севги замони – яхши кўришлар,
Йўлакда кимнидир пойлаб туришлар,
Қизларни талашиб жанжал, урушлар,
Дийдорга не етсин, азиз синфдош.

Бир кун фарзандларга бўлиб парвона,
Кимдир ота бўлди, кимлардир она,
Яратган шаънига айтиб шукрона,
Дийдорга не етсин, азиз синфдош.

Қалбим боғ бўлади сизларни кўрсам,
Вақгим чоғ бўлади сизларни кўрсам,
Кўксим тоғ бўлади сизларни кўрсам,
Дийдорга не етсин, азиз синфдош.

Сизга бахт тилайман, бахтлар ёр бўлсин,
Дилларда орзулар оппоқ қор бўлсин,
Дунёда муҳаббат, меҳр бор бўлсин,
Дийдорга не етсин, азиз синфдош.

ҲАМШИРАЛАРГА

Бугун чеҳраларда ўзгача шодлик,
Кўзларга гўзалроқ кўринар олам.
Азиз шифокорлар айёмидир бу,
Дўстлар, қутлуғ бўлсин муборак байрам!

Дунёда сиз борсиз онадек мунис,
Отадек беморга бўлган парвона,
Сингилсиз аканинг кўнглин кўтарган,
Демайсиз бу таниш, бу бир бегона.

Сиз мажруҳ қалбларга малҳам, дорисиз,
Туну кун тинмайсиз, билмайсиз чарчоқ.
Бирга тузаласиз, бирга оғрийсиз,
Ҳар битта бемордан сочингизда оқ.

Қасамга содиқсиз жангчи мисоли,
Сиҳат-саломатлик посбонларисиз,
Касаллик қочади сизни кўрганда,
Сиз инсон бахтининг қўрғонларисиз.

Либосингиз оппоқ, кўнглингиз оппоқ,
Ниятингиз оппоқ, меҳрингиз қуёш,
Инсонлар соғлиги фикру ўйингиз,
Ҳеч кимда топилмас сиздаги бардош.

Бугун чеҳраларда ўзгача шодлик,
Кўзларга гўзалроқ кўринар олам.
Азиз шифокорлар айёмидир бу,
Дўстлар, қутлуғ бўлсин муборак байрам!



БИЛАРСАН

Дўстим, дарду ситам зарбини,
Турфа ташвиш тушса, биларсан,
Баҳор, ёзу кузнинг қадрини,
Бемаҳал қиш тушса, биларсан.

Ҳаёт айни ҳикмат бўлганин,
Умринг азиз неъмат бўлганин,
Чайнаб емоқ роҳат бўлганин,
Оғиздан тиш тушса, биларсан.

Омад келса, боринг кўп бўлар,
Сухбатинга зоринг кўп бўлар,
Қариндошинг, ёринг кўп бўлар,
Ошиғинг беш тушса, биларсан.

Муҳаббатнинг ёлғонларини,
Дил ўртаган ҳижронларини,
Аламлари, армонларини
Қалбинга ишқ тушса, биларсан.

Бевафонинг шайтонлигини,
Бўсалари арзонлигини,
Қўйнингда бир илонлигини,
Танангга ниш тушса, биларсан.

Дунё бир кам, дунё бераҳм,
Боғи ярим, саҳроси ярим,
Кимлар ғаним, ким ошно, Карим,
Бошингга иш тушса, биларсан.



УМР

Кунлар ўтиб борар ою йил бўлиб,
Гоҳи сокин дарё, гоҳи сел бўлиб,
Беҳуда ўтмасин умринг ел бўлиб,
Ортингга бир қараб қўйганинг яхши.

Баланд-паст йўлларда югурдинг, чопдинг,
Не-не эшикларни очдингу ёпдинг,
Нимадир йўқотдинг, нимадир топдинг,
Ортингга бир қараб қўйганинг яхши.

Кимнинг умри ўтар дунё ахтариб,
Кимлар овворадир рўё ахтариб,
Эй дўст, яшамоқдан маъно ахтариб,
Ортингга бир қараб қўйганинг яхши.

Умринг гўзаллиги ўзингга боғлиқ,
Ҳалол топган нону тузингга боғлиқ,
Қилган ишинг, айтган сўзингга боғлиқ,
Ортингга бир қараб қўйганинг яхши.

Нур, зулмат ёнма-ён, кундуз ва кеча,
Тўғри йўл тополмай адашган неча,
Мендан не қолди деб шу ёшимгача,
Ортингга бир қараб қўйганинг яхши.

Тириклик сохиби Тангри меҳрибон,
Ҳар ўтган онимиз синов, имтиҳон,
Эй Карим, ҳар лаҳза топганда имкон,
Ортингга бир қараб қўйганинг яхши.



НЕ ЁЗМИШ ЯНА

Азизим, бир жойга етганда ёшинг,
Қиблага бош қўяр умринг, қуёшинг,
Не кунлар кўрмади бу ёлғиз бошинг,
Билмадик, тақдирда не ёзмиш яна.

Болалик шамолдек бир елиб кетди,
Йигитлик меҳмондек бир келиб кетди,
Не турли кийганинг йиртилиб битди,
Билмадик, тақдирда не ёзмиш яна.

Яйрадик, йиғладик, куллик беармон,
Ҳатто юлдузларни урдик бенарвон,
Топганимиз бўлди хато бир хирмон,
Билмадик, тақдирда не ёзмиш яна.

Яхшими, ёмонми даврон сурдик биз, [^]
Рўзғор деб югурдик, уйлар қурдик биз,
Ўғил-қиз ўстириб, тўйлар кўрдик биз,
Билмадик, тақдирда не ёзмиш яна.

Мўлжалга тушмайди боссанг оёғинг,
Дуога қўл очсанг, титрар бармоғинг,
Кўлингдан отангдан қолган таёғинг,
Билмадик, тақдирда не ёзмиш яна.

Энди чор улфатлар бизга бегона,
Кўлда жойнамозу, тасбеҳ дурдона.
Дарвоза ёнида бир ҳужраҳона,
Билмадик, тақдирда не ёзмиш яна.

Кўнгилда илтижо, Аллоҳ зикримиз,
Дунёдан имонли ўтмоқ фикримиз,
Берган неъматига минг бор шукримиз,
Билмадик, тақдирда не ёзмиш яна.



БИРОВДАН КЎРМА

Бандасан, не бўлсанг, бировдан кўрма,
Йиғласанг ё кулсанг, бировдан кўрма,
Эгилсанг, букилсанг, бировдан кўрма,
Хазондек тўкилсанг, бировдан кўрма.

Тириклик саҳнида югурдинг, чопдинг,
Нимадир йўқотдинг, нимадир топдинг,
Кимнидир сийпалаб, кимнидир қопдинг,
Қоқиниб йиқилсанг, бировдан кўрма.

Тупроқсан, гоҳида залворли тоғсан,
Гоҳида беморсан, гоҳида соғсан,
Ҳаёт дарахтида битта япроқсан,
Қай фасл узилсанг, бировдан кўрма.

Яратган асрайди сени, болангни,
Борига шукр қил отанг, онангни,
Бежиздан тўкмайди бир соч толангни,
Ногаҳон айрилсанг, бировдан кўрма.

Сени азиз қилди, ризқингни бутун,
Дунёда жамики жонзотдан устун,
Сен эса не қилдинг бу иззат учун,
Ҳаром еб тиқилсанг, бировдан кўрма.

Бой бўлдинг, суюндинг, Худо берди, деб,
Йўғингда куюкдинг, Худо урди, деб,
Фолбиндан демагин, ишим юрди, деб,
Тилингдан тutilсанг, бировдан кўрма.

Кимдир масжид қураб, берса дастига,
Кимдир чоҳлар қазир бойроқ дўстига,
Карим, жоним берай гапнинг ростига,
Бандасан, не бўлсанг, бировдан кўрма.



ЎЗИНГНИ АСРА

Жаҳон айвонида бани одамсан,
Азизу муҳтарам, кўрки оламсан,
Бировдан ортиқсан, бировдан камсан,
Ўзингни асрасанг, асрайди Аллоҳ.

Ўтган ҳар бир онинг шукрини қилгил,
Топган бурда нонинг шукрини қилгил,
Омонат бу жонинг шукрини қилгил,
Ўзингни асрасанг, асрайди Аллоҳ.

Шоҳликдан ғуломлик бир қадам холос,
Ҳалолдан ҳаромлик бир қадам холос,
Мавжудсан тамомлик бир қадам холос,
Ўзингни асрасанг, асрайди Аллоҳ.

Мансабга гердайма, тоғ бўлолмайсан,
Ой тугул ойдаги доғ бўлолмайсан,
Шунчаки дарахтсан, боғ бўлолмайсан,
Ўзингни асрасанг, асрайди Аллоҳ.

Сенга ақл берди, ҳуш берди Худо,
Ёз қадрин билсин деб, қиш берди Худо,
Тилинг пойламоққа тиш берди Худо,
Ўзингни асрасанг, асрайди Аллоҳ.

Яхши бўл ёмонлик йўлига тушма,
Нафс деган шайтоннинг қўлига тушма,
Бевафо гўзаллар тўрига тушма,
Ўзингни асрасанг, асрайди Аллоҳ.

Эй Карим, дунёнинг ёлғонларидан,
Бошинг айлантирган давронлардан,
Сухбати норасо нодонларидан,
Ўзингни асрасанг, асрайди Аллоҳ.



ТАВБА ҚИЛДИМ

Кимга ёмон – гандаман,
Кимгадир арзандаман,
Хом сут эмган бандаман,
Худоё, тавба қилдим.

Беш кунлик дунё дедим,
Таралло ялло дедим,
Қолгани рўё дедим,
Худоё, тавба қилдим.

Ҳақ йўлида юрмадим,
Қиблага юз бурмадим,
Кўрар кўзда кўрмадим,
Худоё, тавба қилдим.

Ишондим давронларга,
Эргашиб шайтонларга,
Айб қўйдим замонларга,
Худоё, тавба қилдим.

Дилга эрк берган ўзим,
Тилга эрк берган ўзим,
Кеч қолиб айтган сўзим,
Худоё, тавба қилдим.

Кечир мени Оллоҳим,
Ўзинг ёлғиз паноҳим,
Ҳаддан зиёд гуноҳим,
Худоё, тавба қилдим.



ЁДНОМА

Муҳаммад Юсуф хотирасига

Бизни лолу гирён қолдириб,
Юракларда армон қолдириб,
Қанча шеър, достон қолдириб,
Кетди бизнинг Муҳаммад Юсуф.

Ташлаб райҳон, ялпизларини,
Лолажони, ой қизларини,
Излаб олис юлдузларини,
Кетди бизнинг Муҳаммад Юсуф.

Оқлар тўлмай қора сочига,
Етиб-етмай Бобир ёшига,
Жаннатдаги ҳурлар қошига,
Кетди бизнинг Муҳаммад Юсуф.

Шоирларнинг тенгсизи эди,
Муҳаббатнинг бахшиси эди,
Яхшиларнинг яхшиси эди,
Кетди бизнинг Муҳаммад Юсуф.

Ватан деса дили яйраган,
Таъриф этса тили яйраган,
Ҳар юракда шеъри янграган,
Кетди бизнинг Муҳаммад Юсуф.

Оллоҳ берсин жаннатларини,
Боқий дунё роҳатларини,
Кўрмоқ учун иззатларини,
Кетди бизнинг Муҳаммад Юсуф.



АЙРИЛМОҚ АЗОБДУР

Андижонлик Қаҳрамон ота хотирасига.

Эй дўст, айрилгандек танинг жонингдан,
Куёш кетиб қолар дил осмонингдан,
Тоғдек суянганинг нигоҳбонингдан,
Айрилмоқ азобдур отажонингдан.

Бу фалак жабрини бизлардан сўра,
Тақдирнинг зарбини бизлардан сўра,
Бу фироқ дардини бизлардан сўра,
Айрилмоқ азобдур отажонингдан.

Бир кунда хазондек қовжираб қолдик,
Тўрт фарзанд ҳар томон жовдираб қолдик,
Телбадек йиғладик, довдираб қолдик,
Айрилмоқ азобдур отажонингдан.

Ҳазрати Довуддек паҳлавон эди,
Исми жисмига мос қаҳрамон эди,
Яхшилик тилаган бир инсон эди,
Айрилмоқ азобдур отажонингдан.

Бу хашам уйларни кўрса бўларди,
Кўп яшаб давронлар сурса бўларди,
Набира тўйларин кўрса бўларди,
Айрилмоқ азобдур отажонингдан.

Минг шукр ҳаётлар онажонимиз,
Дуога қўл очар меҳрибонимиз,
То ҳануз хувиллар хонадонимиз,
Айрилмоқ азобдур отажонингдан.

Илоҳо, маркаби нурларга тўлсин,
То абад манзили жаннатда бўлсин,
Руҳлари ҳамиша роҳатда бўлсин,
Айрилмоқ азобдур отажонингдан.

ФАРҒОНА ЙИҒЛАДИ

(устоз хотирасига)

Яшнаган боғ эди, хазонлар кўрди,
Бандалик тақдирнинг измига кўнди,
Давранинг бир ёруғ офтоби сўнди,
Парвона йиғлади, Тилаволди деб..

Мунгли бир наводан титради фано,
Осмон мотамсаро, дил мотамсаро,
Олимлар, фозиллар, шоирлар ҳатто
Девона йиғлади, Тилаволди деб.

Дунёда бошқача дунё эди у,
Суҳбати оқилу доно эди у,
Тил билган дил билган ошно эди у,
Бегона йиғлади, Тилаволди деб.

Зўр ҳофиз эди у авжлари баланд,
Тор чалиб Фахриддин устозга монанд,
Дилларни дилларга этарди пайванд,
Тарона йиғлади, Тилаволди деб.

Ёзган китоблари эл мулки бўлди,
Таржима асарлар тил кўрки бўлди,
Ноширлик қилди у сўз эрки бўлди,
Замона йиғлади, Тилаволди деб.

Йиғлади шогирдлар – қолган излари,
Йиғлар қариндошлар, ўғил-қизлари,
Дилфуза хонимнинг маънос кўзлари,
Гирёна йиғлади, Тилаволди деб.

Карим, ҳайрон бўлма хазонрез гулга,
Негадир сайрамай қўйган булбулга,
Фарзандин кузатиб охирги йўлга,
Фарғона йиғлади, Тилаволди деб.

МАРСИЯ

Дўстим рафиқаси хотирасига

Дунёда сен эдинг соҳибжамолим,
Рўзгорим чароғи шамсу ҳилолим,
Фақат эрта кетдинг жуфти ҳалолим,
Айрилиқ бор экан тақдиримизда.

Даво тополмадим дардингга сенинг,
Лол қолдим тоқату сабрингга сенинг,
Етиб етолмадим қадрингга сенинг,
Айрилиқ бор экан тақдиримизда.

Сен кетдинг, вужудим қовжираб қолди,
Фарзандлар ортингдан мўлтираб қолди,
Мендек суянганинг оҳ уриб қолди,
Айрилиқ бор экан тақдиримизда.

Тушми деб бармоғим тишлаб кўраман,
Деворда суратинг ушлаб кўраман,
Уйғон деб бошимга мушглаб кўраман,
Айрилиқ бор экан тақдиримизда.

Мени энди сендек ҳеч ким кутмайди,
Келинлар хизматда, ўрин ўтмайди,
Ҳовлида юраман кимдир етмайди,
Айрилиқ бор экан тақдиримизда.

Илоҳо, маркабинг нурларга тўлсин,
Илоҳо манзилинг жаннатда бўлсин,
Руҳинг ҳаловатда, роҳатда юрсин,
Айрилиқ бор экан тақдиримизда.



ОНАЖОН

Ҳар гал келар баҳор гул сочиб,
Қорлар кетар тоғларга қочиб,
Сўзлай десам кўнглимни очиб,
Сизни қайдан топай онажон?

Меҳрингизга бир тўйяй десам,
Эркаланиб бир суяй десам
Кўксингизга бош қўяй десам,
Сизни қайдан топай онажон?

Излаб изларингиз ахтариб,
Ортингиздан қолдим сарғайиб,
Нетай, кўнглим бекасу ғариб,
Сизни қайдан топай онажон?

Оҳ, йўқ экан ажалга омон,
Энди бағрим тимдалар армон,
Йўқлигингиз билинди ёмон,
Сизни қайдан топай онажон?

Қалбимга тиғ урган дунё бу,
Азобларим кўрган дунё бу,
Сизни сиздирмаган дунё бу,
Сизни қайдан топай онажон?



ЎФИЛ АРМОНИ

Кўз ёшларга тўлдириб бу оламини,
Кимга айтай дилда дарду аламини,
Тақдир раво кўрди жабру ситамни,
Розилигин ололмадим онамнинг.

Боролмадим, тоғлар тўсди йўлимни,
Запжирларга боғлаб оёқ-қўлимни,
Худо менга бермасмиди ўлимни,
Розилигин ололмадим онамнинг.

Бунча мени ёқтирмаса балолар,
Не тўғри деб қилсам, бўлди хатолар,
Етмасмиди менга шунча жазолар,
Розилигин ололмадим онамнинг.

Бир бандаман, Худодан уялмаган,
Сўнги марта онажон деёлмаган,
Ўғилманми, қабрига қўёлмаган?
Розилигин ололмадим онамнинг.

Энди, Карим, мени армон йиғлатур,
Ҳасрат ўти кўзимни қон йиғлатур,
Минг надомат, минг пушаймон йиғлатур,
Розилигин ололмадим онамнинг.



НАФАҚАГА ЧИҚСАНГ...

Бор бўлса мансабу хизматинг,
Зиёда ҳурмату иззатинг,
Дўстим, асли қадру қимматинг.
Нафақага чиқсанг биларсан.

Ҳозирча давралар шоҳисан,
Ўғлингнинг суянган тоғисан,
Кимнингдир мевали боғисан,
Нафақага чиқсанг биларсан.

Суйганларинг эсламай қўяр,
Улфатларинг изламай қўяр.
Тақдир сени «сиз»ламай қўяр,
Нафақага чиқсанг биларсан.

Ўтиб кетар даври давронинг,
Ёлғизликдан оғрийди жонинг,
Жирингламай қўяр телефонинг,
Нафақага чиқсанг биларсан.

Қани буйруқ берган овозлар,
Сен қўл қўйган муҳим қоғозлар,
Хушомадгүй ўша шоввозлар,
Нафақага чиқсанг биларсан.

Савол бўлиб қолар сўроғинг,
Қизимайди энди қулоғинг,
Телвизордир сирдош ўртоғинг,
Нафақага чиқсанг биларсан.

Ўтган кунлар мисоли эртақ,
Қоровулсан тунлари сергақ,
Неварага бўларсан эрмақ,
Нафақага чиқсанг биларсан.

Дарё эдинг оқмай қоласан,
Писта-бодом чақмай қоласан,
Хотинга ҳам ёқмай қоласан,
Нафақага чиқсанг биларсан.

Гарчи олим, фозилсан беҳад,
Алам қилар яна бир жиҳат,
Ўғил-қизинг қилар насиҳат,
Нафақага чиқсанг биларсан.

Кенг ҳовлига сиғмай қоласан,
«Ким эдим» деб ўйга толасан,
Ёлғиз қолсанг йиғлаб оласан,
Нафақага чиқсанг биларсан.

Байрам келса, кўнгил жонсарак,
Кимларнидир кутасан ҳалак,
Нафақадан ҳатто йўқ дарак,
Нафақага чиқсанг биларсан.

Яхшилигинг айтар куни шу,
Ёмонлигинг қайтар куни шу,
Тарозида тортар куни шу,
Нафақага чиқсанг биларсан.

Шукр қилиб қодир Худога,
Тинчлик тилаб ёруғ дунёга,
Қўлинг очиқ ҳар тонг дуога,
Нафақага чиқсанг биларсан.





ҒАЗАЛЛАР



АХТАРИНГ

Дўст керак бўлса вафоли Марғилондан ахтаринг,
Она юртимнинг камоли Марғилондан ахтаринг.

Исламанг мулки Арабдан, Турку Эрондан яна,
Пир керак бўлса дуоли Марғилондан ахтаринг,

Истасангиз Марғилоний руҳларин ёд айламоқ,
Илму хикматни зиёли Марғилондан ахтаринг,

Санъати оламни тутган ҳуш наво юрт бундадир,
Хофизи авжу самоли Марғилондан ахтаринг,

Назмида Рожий, Умидий ҳам Увайсий куйлаган,
Ёр керак бўлса иболи Марғилондан ахтаринг,

Дейдилар олтин бу водий, гавҳари қайда деманг,
Боғи Эрамдек сафоли Марғилондан ахтаринг.

Етти иқлимда топилмас бу каби гулзор, Карим,
Ўзбекистоннинг жамоли Марғилондан ахтаринг.



МАРФИЛОН

Ҳур Ватан ичра ажойиб дилрабо бу Марғилон,
Ҳам азизу муътабардур, бебаҳо бу Марғилон.

Боёлари жонларга роҳат ҳам фароғат бахш этар,
Қайга боқманг гулга маскан дилқушо бу Марғилон.

Не азизу авлиёлар бағрида топди камол,
Тупроғин кўзларга суртинг, тўтиё бу Марғилон.

Жўраҳон, Маъмур, Юсуфжон, Эркин, Искандар каби,
Санъати дилларга малҳам мўмиё бу Марғилон.

Дўстга жон айлар поёндоз танги мезбони бўлиб,
Бағри кенгликда мисоли кенг само бу Марғилон.

То Каримдек таърифингдан сўзламоқ бахтим эзур,
Келса ким кетгуси келмас, сернаво бу Марғилон.



ДЕДИНГ

Севиб қолдим десам дилбар, дединг нечора-нечора,
Сўрарман чорасин сендан, дединг бечора-бечора.

Десам ҳижрон азобидан кўнгил юз пора бўлсинму?
Боқиб нозу адо бирлан дединг минг пора-минг пора.

Муҳаббат боғидин гуллар териб сенга тугар бўлсам,
Тутиб расми вафосизлик дединг овора-овора.

Завол йўқ элчига дерлар, бу кўнглим элчиси гуллар,
Олиб севгим қабул айла, дединг зинҳора-зинҳора.

Қуёш янглиғ жамолингга Карим парвоналар бўлса,
Хижолат айладинг жоним дединг сайёра-сайёра.



ШИРИНГИНА

Маҳлиё бўлдим десам, кулдинг, нигор, ширингина.
Айладинг қалбимни банд, сеҳрингму бор ширингина.

Не ажаб ёнса дилим, рашкинг азобида, санам,
Бесабаб эрмас йўлингда неча зор ширингина.

Ҳар нечук ҳолим сўраб, келдинг губорим тарқади,
Шод этиб васлинг ила, кўзи хумор ширингина.

Ул кеча келдинг кўнгил мулкига меҳмоним бўлиб,
Бирма-бир тинглаб юрак розимни ёр ширингина.

Тонгда васфингни Карим ёзса ажабланма гўзал,
Сен учун илҳом жўшар, куйлар дутор ширингина.



ЁР ВАСФИ

Эй гўзал қиз, лабларинг гул гунчаи раъномиди,
Икки оҳу кўзларинг, оҳ, шунчалар шаҳломиди?

Маҳлиёдир кўкда ой, тунлар хаёл сурганда сен,
Ойни мафтун айлаган кўзлардаги маъномиди?

Тунмиди белингда тўлғанган қаро кокилларинг,
Тўлқин ургай бунчалар, ўйнаб оқар дарёмиди?

Ҳижрон ўтига мани майлига кўрсанг раво,
Дилбарим, айт, зулму қаҳринг менга бир дунёмиди?

Эй Карим, куйла муҳаббатдан, вафодан ҳар маҳал,
Севганинг ҳам сен каби чин ошиқу шайдомиди?



ҒАЗАЛ ҲАҚИДА ҒАЗАЛ

Кўнглима бергувчи ором дилрабо ширин ғазал.
Ҳар сўзи дил мулкида бебаҳо ширин ғазал.

Навқирон ёшимда кирдим шеърят бўстонига,
Айлади мафтун ўзига дилкушо ширин ғазал.

Унда янграр ишқ ила покиза ҳислар шеваси,
Завқли ёшлик, соф муҳаббат, чин вафо ширин ғазал.

Куйласам гар она юртим мадҳини қалбим жўшиб,
Бахтимиз рамзи мисол бергай садо ширин ғазал.

Бу гўзал озод замонда шоир эрсанг, эй Карим,
Дилда борин сўзламоққа муддао ширин ғазал.



ИШОНДИМ

Ногаҳон кўнглимни бердим бир гўзал жононага,
Бор экан энди ишондим ишқ деган афсонага,

Бу муҳаббат оташида ёндиму куйдим тамом,
Ҳусни шамъидин омонлик бормикин парвонага.

Шоҳ эдим, мағрур эдим, ёр ҳажрида бўлдим адо,
Қайда энди тожу тахтлар мен гадо девонага.

Тарк этиб майхоналарни шод эдим, эй дўст, яна,
Қўлларимда ишқ шароби учрадим мастонага.

Яшнагай боғу чамандек, қўйса саҳрога қадам,
Бир қараб қўйса негарди мен дили вайронага.

Эй Карим, ёр кўчасидан кунда бир бор ўтмасам,
Кўзларимга тор бу дунё бормасам Фарғонага.



ИШҚ ДАРДИ

Кўрганимда шодланар қалбим, зиёси сендаму
Ва қизаргай гул юзинг, лола ҳаёси сендаму.

Ҳар саҳар пинҳон кезарсан, боғ ичинда, эй пари,
Беркиниб барглар аро гунча ибоси сендаму.

Интизор эрди нигоҳим, боқмадинг бир бора ҳам
Ёки қизлар нози-ю, кибру ҳавоси сендаму.

Ҳусни мадҳингга ёзилса қанча дoston оз ва лек,
Ишқ аро Лайли, Ширин аҳду вафоси сендаму.

Қайга бормай дейдилар: ишқ дарди эй дўст, бедаво,
Айт ўзинг, ёрим, Карим дардин давоси сендаму.



ҚИЗЛАРГА

Тингламайсиз арзимизни, дилраболар не учун,
Бир ширин сўз ҳам демайсиз, махлиқолар не учун.

Йўл кутиб, гулдаста қўлда интизорлик тортамыз,
Қийнамоқ ҳижронда бизни бевафолар не учун.

Эй гўзаллар, сўрсангиз-чи биз йигитлар арзини,
Сўзлар эрди ҳар кўнгил ҳам мубталолар не учун.

Гоҳи мактублар ёзармиз севгидан иншо мисол,
Оҳ, инobatга олинмас илтижолар не учун.

Куйлангиз, дўстлар, Каримдек, ҳар гўзал айтсин жавоб,
Аҳдига содиқ кўнгилга бу жафолар не учун.



ЁРНИ ИЗЛАБ

Кечалар юлдуз санарман, кўзлари хумори деб,
Тонг ила гулзор кезарман, қайда ёр дийдори деб.

Учратиб ногоҳ чаманда сўзласам дарди дилим,
Бир қиё боқмас юзимга мен эмас ғамхори деб.

Ишқида чеккан азобим сўзладим, кулди хиёл,
Киприги ўқини дилга отди бизда бори деб.

Майлига ўрганса қалбим, мен дедим тингла, гўзал,
Кечмагайман сен гулимдан бир тикан озори деб.

Шеър битиб ёрингга кўрсат ўзлигингни, эй Карим,
Зора ул этса қабул бу севгининг изҳори деб.



ГУЛШАНДА

Гулшан ичра булбулингман, ёр, жамолинг куйласам,
Кел уялма, севгилим, ширин мақолинг куйласам.

Ерга боқма, мен кўрай кўзларда меҳринг шуъласин,
Лола янглиғ бош эгиб сурган хаёлинг куйласам.

Юзгинангдан кўз узолмай сўз тополмам гоҳида,
Чимрилар айтгил нечун қоши ҳилолинг куйласам.

Сочларинг парвона зебо қоматингга чарх уриб,
Қайрилиб бир боқмадинг қадди ниҳолинг куйласам.

Таъналар қилма Каримдек чертибон дил созини,
Бир куни бўлғай насибим деб висолинг куйласам.



БИР НИГОҲ

Бир нигоҳ бирлан дилимни этди-ю ёр истило,
Қилди султонликни даъво, мен ғуломликка ризо.

Мен дедим: ағёрга шафқат, менга ғурбатму насиб,
Дейди: қалбинг ўртагувчи ғам-аламлар ибтидо.

Бағритош бўлмоқ не хожат, қийнамоқ ҳижрон аро,
Аввало билгил нечоғлиқ севгида чекмоқ жафо.

Икки дил яхлит муҳаббат айлағай пайдо ажаб,
Билмадим оламда борму бу каби зўр ихтиро.

Покиза севги ҳаққи ёзгил Каримдек, ёр учун
Ҳар ғазал бандида этгил севгилингга илтижо.



СЕВГИ

Севги шод этган кўнгилда зарра қайғу бўлмагай,
Севги нур ёққан қора кўзларда уйқу бўлмагай.

Севги сеҳру қудратига лол қолурман неча тонг,
Қиш баҳордай кўринур, кеча қоронғу бўлмагай.

Севги қадру-қимматин билдим вафо ёр меҳри деб,
Бевафолар аҳдида асло тарозу бўлмагай.

Севгисиз ҳеч кимсанинг толе чироғи ёнмагай,
Бор ҳақиқат ким жаҳонда, тошда туйғу бўлмагай.

Не ажаб шайдо Карим интилса ул ёр васлига
То абад шундан бўлак кўнглида орзу бўлмагай.



УЧ СЎЗ

Меҳру ишқимни баён этсам париваш ёр учун,
Боқмади шафқатни билмас, тунлари бедор учун.

Мен нечун гуллар терай, ҳар гал гулим қайтарса ул,
Ажратиб гулни чамандан, бевафо дилдор учун.

Гоҳи ундан, гоҳи бундан сўзласам солгай қовоқ,
Қайси шоирдан топай сўз севгига изҳор учун.

Севгидан ёзсам ғазал, ёр таъна айлар, не илож,
Қолмаса ишқдан бўлак мавзу менга ашъор учун.

Дилрабо бир бора келса, қалбда олам шодлиги
Гул керак булбул учун, фасли баҳор гулзор учун.

Эй Карим, дилхастадурсан, сўрса ёр мақсад на деб,
Сен дегил уч сўз кифоя мен каби бемор учун.



ТАРК

Кўзларим тушгач юзингга қилдилар уйқуни тарк,
Қалбга ишқ ҳукмин юритди, айладим кулгуни тарк.

Хуснингдан бир мен эмас, шайдо кўзин узмайди ой,
Аксини сенда кўрар ё айлабон кўзгуни тарк.

Қошларинг бас боғлаганму қоп-қора зулфинг ила,
Этдиму ёки сиёҳ ранг чеҳраи ҳиндуни тарк.

Гар умид қилсам висолинг ноз ила рад айладинг,
Қўй, дединг, қилғил бу тахлит беҳуда орзуни тарк.

Бошланур номинг билан, ёр, шеърларим сарлавҳаси,
Васли кўйингда Карим этмиш бўлак мавзуни тарк.



ВИСОЛ ОРЗУСИ

Муродим бўлмади ҳосил, санам васлингга етмасдин,
Аламдин ўртанур жисмим юрак армони кетмасдин.

Ҳаловат истамас кўнглим, сенингсиз, дилбари золим,
Яна рашкинда ёндирдинг, ки ҳажринг дарди етмасдин.

Сенинг номингни ёд айлаб ўтар тун-кечалар бедор,
Маъюс кўнглим ёзилмайдир, сенга ашъори битмасдин.

Умидим тору мор этдинг, яна васлингга зор этдинг,
Дилингда борини бир бор менга ошқора этмасдин.

Гаҳе ширин тилинг бирлан кел, эй маҳбубаи жоним,
Атаб қўй исмини бир бор Карим дунёдин ўтмасдин.



НАФС

Тушма асло кўйига, ҳолинг хароб айлайди нафс,
Кўрганинг туш, давлату бахтинг сароб айлайди нафс.

Бир ҳаром луқма едингму, бас тушибсан измига,
Ҳасратингни энди сўнгсиз бир китоб айлайди нафс.

Кўз бўяб, ёлғонни сўзлаб кўзлагайсан ўлжани,
Минг ҳадик бирла юрарсан телбатоб айлайди нафс.

Порахўрлик, таъмагирлик, барча иллат бўлса жам,
Эътиқодсиз кимсаларни интиҳоб айлайди нафс.

Гоҳи фолбин, гоҳи художўй, гоҳи ёлғончи бўлиб,
Ўзгарар ҳар кун қиёфанг серниқоб айлайди нафс.

Топганинг роҳат эмас, бошингга кулфат келтирар,
Билки, кулдек банд этиб ўзни жаноб айлайди нафс.

Элу юрт қаҳрига учраб, хору зор бўлмайдесанг,
Тушма нафсинг кўйига ҳолинг хароб айлайди нафс.



ТИНЧЛИК БИЛАН

Ҳур Ватан собитқаламдир барқарор тинчлик билан,
Халқимиз озод фаровон-бахтиёр тинчлик билан.

Бахтимиз шу она юртда улғайиб топдик камол,
Кўнглимиз яшнар ҳамиша навбаҳор тинчлик билан.

Халқимизнинг қудратига тенги йўқ дўстлик асос,
Шу сабабдан шум ниятлар тору мор тинчлик билан.

Оталардан қолди мерос эътиқод, имонимиз,
Кўҳна тарих бизга ибрат, ифтихор тинчлик билан.

Давримиз, давронимизни куйламоқ бахтдир, Карим,
Истагим: кулсин ҳамиша ҳар наҳор тинчлик билан.



ЁҒМАЙДИ ҚОР

Кетди қишдан неча кунлар, лек ҳамон ёғмайди қор,
Эҳтимол йўлин йўқотган, биз томон ёғмайди қор.

Кўз тутиб ҳар янги йилда интизорлик тортамыз,
Қорбобо бор, арча бор, йўқ нишон ёғмайди қор.

Дейдилар ёз ёзлигин, қиш қишлигин қилсин мудом,
Балки тоғларни этибдур ошиён ёғмайди қор.

Қир-адирлар файзи йўқдир қишни қори бўлмаса,
Қайси рақамга қилайлик телефон ёғмайди қор.

Ёға қол, шўх болалар кулгусига тўлсин само,
Чангғиларни занг босибдур ногирон ёғмайди қор.

Бемаҳал ёғмоқ не даркор элни ташвишга қўйиб,
Ёғ, ёғар вақтинг бу кун, тупроққа жон ёғмайди қор.

Эй Карим, қиш таърифига қор деган сўз етмади,
Қишда ҳам ёздан қолишмас Марғилон, ёғмайди қор.



ЁМҒИР

Майдалаб ёғар ҳамон дурдона ёмғир,
Ақлу ҳушимдан айлаб бегона ёмғир.

Ваъдалар берган эди ёр келурман деб,
Энди келмайди тайёр баҳона ёмғир.

Соғинганимга асло қилмайди парво,
Ёғган вақтини қаранг девона ёмғир.

Шунчалар ёғмоқ нечун ёр йўлин боғлаб,
Чиқиб бўлмайди ҳатлаб остона ёмғир.

Гулдурос солиб ёғар балки атайдан,
Ҳижрон-ла битим тузган пинҳона ёмғир.

Карим, қуёшинг келур сабр айла бир оз,
Булут тарқалар шундан нишона ёмғир.



ЭЙ КУЁШ

Эй куёш юзли санам, куйдирдинг-эй парвонадай,
Неча йил ошно бўлиб боқишларинг бегонадай.

Меҳру ишқингни мудом кутмоқдан ўзга чора йўқ,
Шафқатинг эртак эди, васлинг менга афсонадай,

Мен сени Лайли дедим, Мажнун аташсинлар мени,
Телба бўлсам не ажаб, севдим сени девонадай.

Гирдибод янглиф изингдан айланурман туну кун,
Гоҳи борман, гоҳи йўқ, ишқинг маю майхонадай.

Лаҳзае ёнимда бўлсанг, менга бахт кошонадир,
Бўлмасанг ёнимда гар, кўнглим хароб вайронадай.

Эй Карим, оввора бўлма излама ёрингга тенг,
Бўлмагай дунёда дилбар дилбари Фарғонадай.



СЕН БИЛАН

Тун ярим бўлди кўзимга келмади уйқу сира,
Не сабаб бедорлигимни билмади гулрў сира.

Боқма мафтун кўзларимга, сўрма ҳолимни, санам,
Соғинишдан лабларимга қўнмади кулгу сира.

На жамолингдан умиду, на висолингдан вале,
Ваҳки, тарк этмас дилимни бир ширин туйғу сира.

Қолмасам гар изларингдан кулмагин девона деб,
Севгисиз кўнгилда ёлғиз бўлмагай орзу сира.

Сен менга жондан азизсан, ҳам жаҳонлардан азиз,
Сен билан офтоб нурафшон, сўнмагай ёғду сира.

Ҳеч қачон ҳеч кимни сендек севмаган эрди Карим,
Шу сабаб васфингдан ўзга топмадим мавзу сира.



ФАХР

Хўб ярашмиш сенга ёр жононалик,
Эркалик, дилдоралик, мастоналик.

Кўз ила кўнглимни муштоқ этмагил,
Сен қуёшсан, менга бас парвоналик.

Мен гадога кўп эмас сендан умид,
Бир нигоҳ лутфинг бўлуր шоҳоналик.

Гар садоқат арзи қилдим, дилрабо,
Қувма қошингдан қилиб бегоналик.

Ишқ аро мажнунлигимдан кулмагин,
Ор эмас, фаҳрим эрур девоналик.

Десалар бахтинг Карим назминг ўқиб,
Ёр кўйида телба бу фарғоналик.



БЎЛМАСИН

Эй фалак, ҳеч кимга ҳеч ким ҳеч қачон зор бўлмасин,
Бемехр дўст, бевафо ёр, бесамар қор бўлмасин.

Чақса кеч бўлгай, биродар, қил ёмонлардан ҳазар,
Ганж дебон сен асраган қўйнингдаги мор бўлмасин.

Мансабу давлатга мағрур бўлма, шайтон касбидир,
Рўзи маҳшар кеч қолурсан қанча иқрор бўлмасин.

Ҳар киши ўрнида бўлсин, элга наф тегсин мудом,
Қаҳратонда савти булбул, ёзда ҳеч қор бўлмасин.

Оқил эрсанг ҳар сўзингда қилмағил кибру ҳаво,
Кун келиб нодонлигинг эл ичра ошқор бўлмасин.

Эй Карим, не бўлса бўлсин, асрасин Оллоҳ, фақат
Бошинг узра норасолар ишда сарқор бўлмасин.



ЯХШИДУР

(Эркин Воҳидов газалига назира)

Яхшидур аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон,
Бу ширин ёлғонга лекин алданиб қолғон ёмон.

Ранжима дўстинг агар айбингни айтса рўйи рост,
Асли инсон ортидан ҳар сўзда чайналғон ёмон.

Толедур қалбинг аро дўст меҳри жо бўлса фақат,
Зоҳиран ошно бўлиб, пинҳон оёқ чалғон ёмон.

Бошинг узра кўҳи ғам тухматга тенг келмас сира,
Бол каби турмушга иғво заҳрини солғон ёмон.

Сўйла ростин доимо бошга қилич келганда ҳам,
Дард-ла қийналсанг, даво бор, бедард қийналғон ёмон.

Дема Эркин назми ичра сенга не кордир, Карим,
Гар ғазал қадрига етсанг лоқайд ўлтирғон ёмон.



КЎРДИМ

Сенга деб ёзганим шеърим кўнгилда бир фиғон кўрдим,
Бу оҳдан дилдаги дарду кўзимдан ашк равон кўрдим.

Бу ишқ бедодидан минг дод чекарман фойдаси бўлмас,
Вужудим ўртаган ҳижрон чақар, гўё чаён кўрдим.

Не толеъдир қаро бўлмиш, ёришмас минг қуёш ёқсанг,
Асирдирман бу зулматдан, қиёмат кун омон кўрдим.

Омонлик истадим, аммо нетай оппоқ саҳарларни,
Сенингсиз нурли кунларни қаро тундан ёмон кўрдим.

Изингга арзимас мендек ғариб, олма хаёлингга,
Унутгил, бузмагил тинчинг сенга оромижон кўрдим.

Жаҳонда не ширин сўз бор тенг ўлмас бир каломингга,
Менга сўз айтмагин, майли, қилурсан кўп зиён кўрдим.

Кўролмай гул каби чеҳранг Карим қон йиғласа не тонг,
Оёғинг остида қолган хазон умрим аён кўрдим.



ДАРД

Шеърларинг дардли, дединг – дардсиз ёза билмас уни,
Ёнмаса, ёндирмаса, ҳофиз қўшиқ қилмас уни.

Чертмаса дил торларин, хайфдур қалам, хайфдур
қоғоз,
Лаҳзада бўлғай унут умри тугал йилмас уни.

Бир буюк шоир бўлолмас даста шеър ёзган билан,
Туймаса эл қалби дардин, шеър деб айтилмас уни.

Севги – дард, ҳижрон – азоб, оташ бўлиб ёндирса ишқ,
Тунни тонгларга уларсан, ёзмасанг бўлмас уни.

Сен Карим дунёсидирсан, дарди армони ўзинг,
Бўлмасанг, бўлмас ғазал ҳам, бахти ҳам кулмас уни.



РАҚҶОСАГА

Бериб ҳар даврага оро, кулиб жонона ўйнайсиз,
Сочингиздан бўйи райҳон тараб ҳар ёна ўйнайсиз.

Ажаб қадду, ажаб ҳусну назокат бобида танҳо,
Тошиб, тўлқинланиб дарё мисол мастона ўйнайсиз.

Гоҳи чир айланиб, гоҳи товуслардай хиром айлаб,
Чаман янглиғ либос ичра ёниб тўлғона ўйнайсиз.

Ҳаё бирлан имо айлаб, кўзингиз бирла кўз боғлаб,
Ишорат айлабон айтиб ширин афсона ўйнайсиз.

Кўрингайсиз бўлиб афғон, гоҳи маъбудаи ҳинду,
Қарашлар гоҳида ошно, гоҳи бегона ўйнайсиз.

Баҳор бағрида бир гулсиз, топиб санъат-ла бахтингиз,
Ватанга, элу юртимга қилиб шукрона ўйнайсиз.

Фақат сиз ўйламанг ёлғиз Карим рақсимга шайдо деб,
Келинг, олқиш билан кутгай бутун Фарғона ўйнайсиз.



АГАР

Бахт эди бошингга гуллар чамбарин тақсам агар,
Гул баҳона таъби нозик кўнглингга ёқсам агар.

Бир қиё боқсанг дилимда гул очар фасли баҳор,
Юзларинг ёнмоғи недин мен қиё боқсам агар.

Лабларинг лаъли зилолин қадри зор этди мани
Не ажаб ширин сўзингдан сел бўлиб оқсам агар.

Кулсалар, майли, маломат қилсалар ҳолим кўриб,
Гирдибод монанд изингдан ҳар томон чопсам агар.

Тош олиб қувсин маҳалланг остонангдан мани,
Бир гадо янглиғ саҳарлар дарвозанг қоқсам агар.

Дейдилар ёпсангчи ҳасрат дафтарингни, эй Карим,
Дардларим қайга ёзарман дафтарим ёпсам агар.



ЁР ИСТАБ

Ўртанур ҳижронда жоним, энди жон қўймас мени,
Ҳаддидан ошди азоби имтиҳон қўймас мени.

Эй қанотимни қайирган бераҳм золим фалак,
Лоақал ёрдан аюрма, бу омон қўймас мени.

Қайси тошларга урай мен бу ғариб ёлғиз бошим,
Кет дебон даргоҳидан номехрибон қўймас мени.

Айб эмас вайроналарда чуғзидек тутсам макон,
Ишқ аро Мажнун атаб аҳли замон қўймас мени.

Телбадек йўлдин адашдим, қайда карвоним кетур,
Беркитиб дарвозасин Ўш, Андижон қўймас мени.

Бош олиб кетсам, Ҳарим, Бобур киби ёр истабон,
Ҳазратим боғчам деганлар Марғилон қўймас мени.



РАЪНОЛАНУР

Раъноланур раъно десам, раъно деманг деб,
Зеболанур зебо десам, зебо деманг деб.

Қизлар аро ҳусну латофатда ягона,
Танҳоланур танҳо десам, танҳо деманг деб.

Шаҳлоларига термулиб олсам агарда,
Шаҳлоланур шаҳло десам, шаҳло деманг деб.

Келмай туриб кетмоқ учун излар баҳона,
Айтилмаган гапларим бир дунё деманг деб.

Кокиллари қоматига зебо ярашмиш,
Ороланур барно десам, барно деманг деб.

Шайдо десам Карим севги садоқатингга,
Уёладур не бўлса ҳам шайдо деманг деб.



ДИЛ ИЗҲОРИ

(баҳри байт)

Не учун маҳзун бу кўнглим, не хаёларга асир,
Кел, санам, дардимни айтай ўзгинангга бирма-бир.

Бирма-бир айтай, нигорим, тутма лугфингни дариг,
Бу азим дунёда ёлғиз меҳрибоним сен ахир.

Сен ахир жону жаҳоним, гавҳари қимматбаҳо,
Дилгинамнинг сенга бўлган меҳри ошкор, дарди сир.

Сирлашиб ўлтир қошимда бир нафас ширин забон,
Хоҳла дардимни эшитгил, хоҳла буткул сен гапир.

Сен гапир оҳу кўзингга термулиб лол ўлтирай,
Лабларингдан дур сочилсин, мушки зулфингдан атир.

Атри зулфингдин Карим кўнгли баҳор ўлса не тонг,
Бўлғуси обод нигоҳинг тушса Саҳрои Кабир.



ИШҚИДА

Ёр мени девона қилди ишқида,
Эл аро афсона қилди ишқида.

Ваҳки, додимни эшитмай ул санам,
Мулзаму ҳайрона қилди ишқида.

Ёнсаму куйсам, адо бўлсам, не тонг,
Шам каби парвона қилди ишқида.

Йўлида термултириб ҳар субҳи шом,
Кўзларим гирёна қилди ишқида.

Саропо кездим жаҳонни дарбадар,
Манзилим остона қилди ишқида.

Қисмади сабру қаноатдан Худо,
Собиту мардона қилди ишқида.

Бир назар ташлаб Карим девонани,
Шоири Фарғона қилди ишқида.



ИЛТИЖО

Ваъдага айлаб вафо, ёр, қошима келган кезинг,
Шом эди, кулбамни равшан айлади ойдек юзинг.

Бу қадар кулгайму бахтим ёки туш алдар кўзим,
Сен, наҳот, ёнимдадирсан, сен, наҳот, келдинг ўзинг.

Жилмайиб ҳолимни сўрдинг, рўбарўмда ўлтириб,
Бунчалар малҳам овозинг, бунча руҳпарвар сўзинг.

Келди ширин суҳбатингдан кўзу кўнглимга ҳузур,
То қиёмат кўзларимдан узмасанг эрди кўзинг.

Илтижо қилдим Каримдан: васлидин этма йироқ,
Ваъдага айлаб вафо ёр қошима келган кезинг.



ОРОМИЖОН

Кўнги́л мулкида сен борсан, не бахтли ошиёндир бу,
Хаёлинг, ўйларинг таскин берар – оромижондир бу.

Саҳарлар куйладим номинг, мисоли булбули шайдо,
Сен, эй гул, этмадинг парво, сўрарга не фиғондир бу.

Ёнар рашқингда зор жисмим, ёнар жоним фироқингда,
Не тонгким интизор қолган йўлингда нотавондир бу.

Севарман изларинг ўтган гўзал боғу чаманларни,
Манга васлинг насиб этган азизим Марғилондир бу.

Шириндир илк муҳаббатнинг азобу дардларин тортмоқ,
Карим кўнглига не малҳам фақат сенга аёндир бу.



ҚАРАБ ҚҰЙСАҢГ

Кўнглим очилур, жонон, биргина қараб қўйсанг,
Ошкор бўлмаса пинҳон биргина қараб қўйсанг.

Васлингни тилаб кўзлар, ҳажрингда ёниб бўзлар,
Қайда ҳам қолур ҳижрон, биргина қараб қўйсанг.

Хаёлинг дилга роҳат, йўлинг пойламоқ одат,
Топиб лаҳзалик имкон биргина қараб қўйсанг.

Кел, санам, ҳаё бирлан ё нозу адо бирлан,
Бўлур тенги йўқ эҳсон биргина қараб қўйсанг.

Ишқингда Карим ҳайрон, ушалсин эзгу армон,
Жонингга бўлай қурбон биргина қараб қўйсанг.



МЕҲРИ ИШҚИНГ

Гул каби чеҳрангга боққан ташна кўзлар қонадир,
Лек кўнгилда меҳри ишқинг мисли офтоб ёнадир.

Сайри гул этмоққа чиқсанг, сенга нарвона бўлиб,
Зор булбул гулга бўлган севгисидан тонадир.

Тортиниб хонамга кирсанг, юксалар кўнглим фақат,
Бўлмасанг ёнимда дунё кимсасиз тор хонадир.

Сен-ла ўтган лаҳзаларнинг қадри бор умримга тенг,
Ҳар сўзинг меҳру муҳаббат мулкида дурдонадир.

Гоҳ висол сармастлигидан бахтиёрман беадад,
Гоҳи ҳижрон дарди ўртаб, жисми жон тўлғонадир.

Жисми жон ўртанса ҳам, бахтимга сен бўлгин омон,
Сен билан шайдо Карим қалбига ғам бегонадир.



МАТЛУБАЛАРГА

Маҳвашу матлуб эурсан, сўзларинг тотлуғ асал,
Кўзларинг ишқдин рисола, икки қошингдур ғазал.

Асрасин Оллоҳ ёмонлар кўзидан, жоним, сени,
Ўзи берган неъматимдир, шамъи ҳуснинг бебадал.

Тим қаро зулфинг аро ойдин ойдинроқ юзинг,
Қоматинг сарву санубар, хулқу рафторинг гўзал.

Лайло деб исмингни гоҳо, гоҳи Ширин деб атаб,
«Хамса»ни битмиш Алишер беш юз ўн беш йил аввал.

Узмагай кўнгил висолинг лаззатидан аҳли ишқ,
Дейдилар: кимнинг насиби бу малак сиймо азал.

Беқиёс ҳуснинг асири биргина бизлар эмас,
Изларинг излаб ҳамиша ою офтоб галма-гал.

Арзимас шеърим қабул эт, кел, Карим кўнгли учун,
Дур сочиб лаъли лабингдан бирпас ўлтир лоқал.



ОНА

Борлиғимнинг боисидир онаизорим, онам,
Топганим бахтим, нажотим, давлатим борим онам.

То ҳануз жоним болам деб эркалаб парвонадир,
Шоирам, ширин забоним, тўти гуфгорим онам.

Оҳ, десам жонимга пайванд айлағай ўз жонини,
Дардкашим ҳам дардларимга малҳаму дорим – онам.

Гоҳ тириклик шевасидан кеч қолиб келсам агар,
Термулиб йўлимга бедор, зору ҳушёрим онам.

Минг қуёш ҳам тенг келолмас онажоним меҳрига,
Меҳрибону мунисим, танти зиёкорим онам.

Эй Карим, ташлаб мени гар, кетса ҳамки ёру дўст,
Бу жаҳон бозорида ёлғиз харидорим онам.



СЕНСИЗ

Қай куни сўзла, нигорим, бўлгуси ҳижрон тамом,
Қай куни орзу ушалгай, қай куни армон тамом.

Ҳар маҳал нозу адонинг янгисин кўргай кўзим,
Қай куни бўлгай бу нозу бу азоби жон тамом.

Айрилиқдин ўртанур дил, тилга келмас бир калом,
Қолмади сабр айламоққа заррача имкон тамом.

Икки соҳилда турармиз, ўртада уммон фироқ,
Унда сен ҳайрон турарсан, бунда мен гирён тамом.

Не турар сенсиз Каримга бу жаҳоннинг қиммати,
Мен учун қолмас замину, мен учун осмон тамом.



САЛОМ АЙЛАБ

Салом айлаб кириб келдинг, бу не ширин нафас бўлди,
Кўнгилдан қоҳишу гамлар абас бўлди, абас бўлди.

Рақиб холи ёмон бўлди, бахил бағрига қон тўлди,
Жаҳон кўнгли қароларга қафас бўлди, қафас бўлди.

Тушиб қиш тахтидан бир он баҳорни айлади султон,
Таралди мушк ила райҳон ҳавас бўлди, ҳавас бўлди.

Чаман қумрилари бийрон, навога тўлди кенг осмон,
Висолдин яшнади ҳар ён, соғинчга басма-бас бўлди.

Карим кўксини тоғ этдинг, бу тоғ бағрини боғ этдинг,
Вафо меҳру муҳаббатга асос бўлди, асос бўлди.



СЕНИ

Майли, дил ёнсин фироғингда сени,
Майли, тил толсин сўроғингда сени.

Майли, кўз ёшим жаҳонни тутса ҳам,
Қатра ёш кўрмай қароғингда сени.

Соғиниб васлингга зорман неча кун,
Борму бу кунлар саноғингда сени.

Оташи рашкинда бағрим лолазор,
Шуъласи икки яноғингда сени.

Нозларинг сайд айлади кўнгил қушим,
То абад қолсин тузоғингда сени.

Бўлмагай ҳеч ким саодат соҳиби,
То Каримдек ҳажру доғингда сени.



ГУЛСАНАМ

Гулсанам, гулшан аро гулчеҳрасиз,
Ҳуснингизга мен адо гулчеҳрасиз.

Ўртанурман соғиниб ҳар субҳу шом,
Кўйингизда мен адо гулчеҳрасиз.

Сўзларингиз бахш этар жонга ҳузур,
Не керак ўзга наво гулчеҳрасиз.

Қоматингиз боғи эрам сарвидир,
Сочингиз ўйнар сабо гулчеҳрасиз.

Лабларингиз лаълига жонлар фидо,
Дардима малҳам даво гулчеҳрасиз.

Ҳеч хазон бўлмас баҳоримсиз менинг,
То Карим айлар дуо гулчеҳрасиз.



ДИЛДОРИМГА

Осмонда, ой, сузилма термулиб нигоримга,
Кўзинг тегиб кетмасин кўзлари хуморимга.

Ўхшамайсан уринма ҳасад қилиб бурилма,
Сен тугул қуёшинг ҳам тенг келмас дилдоримга.

Эй субҳнинг сабоси, гўзал боғлар адоси,
Борар йўлингдан қолма, яқин келма ёримга.

Ҳофиз, созингни тўхтат келди ўзимга навбат,
Севгимдан қўшиқ айтай юрагимда боримга.

Шоир, бас қил шеърингни, айтиб дарду сирингни,
Мен ўзим дoston ёзай ёри вафодоримга.



ГУЛЗОР ОРАЛАБ

Гулзор оралаб дилбар бир қиё боқиб кетди,
Юрагимга не бало оловлар ёқиб кетди.

Сўз демай тиниб қолдим, индамай жимиб қолдим,
Гўёки забонимни болари чақиб кетди.

Ўздан бегона бўлдим, мажнун девона бўлдим,
Телба бўлганим рости ўзимга ёқиб кетди.

Эргашиб етолмадим, дардимни айтолмадим,
Соҳилга қўйиб мени дарёдек оқиб кетди.

Бир қараб адо қилди, васлига гадо қилди,
Кўзларимдан соғинчлар ёмғирдек ёғиб кетди.

Севгига ёр қилгани, Каримни зор қилгани,
Гулзор оралаб дилбар бир қиё боқиб кетди.



ТАБАССУМ

Табассум айладинг зимдан, кўнгилни беқарор этдинг,
Узатдинг қўлга иш созин, кўйингда бастакор этдинг.

Рубобим торларин чертиб сенга ишқим баён этсам,
Саволимга жавоб бермай, ажаб, мафтуни зор этдинг

Умиду орзуга тўлган бу қалбим сенга зор эрди,
Нигоҳинг бирла қалбимни яна фасли баҳор этдинг.

Олиб гоҳида тинчимни соғинтирдинг неча кунлар,
Йўлингда икки кўзимни ўзимдек интизор этдинг.

Сенга кўнгилда борини этиб изҳор қўшиқларда,
Ёзар ишқинг қувончидан Каримни бахтиёр этдинг.



СОҒИНЧ

Келмадинг, қуёш ҳам ботиб кетди-ку,
Оқарди кеча, тонг отиб кетди-ку.

Умид орзуларим сўндилар бир-бир,
Армон орзуларни ютиб кетди-ку.

Соғинчдан кўзларим ёшларга тўлди,
Ой кўкни булутга сотиб кетди-ку.

Наҳот сенга етмас, қайдасан, жоним,
Оҳим Фарғонани тутиб кетди-ку.

Сен йўқсан ғамимдан бировга не ғам,
Дардларим ёзгувчи котиб кетди-ку.

Тинмаса фиғоним, Карим, не илож,
Ҳижрон жон-жонимдан ўтиб кетди-ку.



СЕВГИ НИҲОЛИ

Дилбар паришон ўйланар, кўринг бу ҳолини,
Қай бахтиёр банд айламиш фикру хаёлини.

Тонг еллари кокиллари мушки билан маст,
Шўхлик қилиб, ўйнаб-кулиб тортар рўмолини.

Ақлу заковат акс этар кўзлар қаросида,
Мафтунни бўлдим бир кўриб ҳусну жамолини.

Бордим яқинроқ, интизор кўз кўзни кўзлади,
Дил бўзлади, тил музлади айтмай саволини.

Тушгач нигоҳи мен томон, қўзғалди ўрнидан,
Кўзлар томошо айлабон тўймас камолини.

Кетди Каримни ул пари ташлаб фироқига,
Қалб гулшанига ўтқазиб севги ниҳолини.



СОФИНГАНИМДАН

Лаҳзалар йил бўлди софинганимдан,
Не бўлса дил бўлди софинганимдан.

Ул санам фироғи қаддимни букди,
Фам юки зил бўлди софинганимдан.

Бошимга ёғилди минг турфа меҳнат,
Жафолар хил бўлди софинганимдан.

Сўзларим англамас на дўст, на рақиб,
Бу нечук тил бўлди софинганимдан.

На тонгдан дарак бор, на ёрдан хабар,
Кўз ёшим сел бўлди софинганимдан.

Сабримга тўкилди тоғларнинг тоши,
Синиб чил-чил бўлди софинганимдан.

Муҳаббат саргардон, муҳаббат сарсон,
Дарбадар ел бўлди софинганимдан.

На телба эрурман, на соғ, эй Карим,
Бир ажаб феъл бўлди софинганимдан.



НЕ АЖАБ

Не ажаб севдим чаманининг бир гули раъносини,
Бўзлатиб қўймиш менингдек булбули шайдосини.

Кўрмасам бир кун кўринмас кўзга олам зийнати,
Ёд етиб таскин топарман кўзлари шаҳлосини.

Рашк ила ҳижрон азоб берганда ҳам эъзоз етар,
Ошиқ ўз маҳбубини, кўнгил аро танҳосини.

Бахт эрур севмоқ, севилмоқ, ўзга бахт бўлмас сира,
Севгидан топса киши ўз умрининг маъносини.

Тутмангиз осон Каримга дәрд ила ёзса ғазал,
Бошидан ўтган билур илк севгининг савдосини.



ОНАЖОН, СИЗГА

Онажон, сизга бу оқишом тутганим гулдастадир,
Гулларимга меҳру ишқим жон каби пайвастадир.

Сиз менинг жону жаҳоним, меҳрибоним, мунисим,
Ҳар сўзингиз дилга малҳам шоиму шоиस्ताдир.

Айтсангиз меҳру мухаббат бирла ширин аллалар,
Лол қолур гулшанда булбул, ҳуш йўқотган хастадир.

Сиз билан обод бу дунё, сиз билан болдек ҳаёт,
Сиз билан нурли, чароғон хонадон орастадир.

Таърифингиз куйламоққа минг кўшиқ озлик қилур,
Шу сабабдин куй қўшилар сизга даста-дастадир.



УМИД АЙЛАБ

Менга олам чароғондир сенинг рухсори олингдан,
Мисол андоза олгандек ойу офтоб жамолингдан.

Қаю Лайли, қаю Ширин сенга тенг бўлмағай ҳаргиз,
Берилмас ҳеч кимга нисбат, очилса сўз мисолингдан.

Сен ўзбек дилбаридурсан, ҳаё андишапарварсан,
Жаҳон маҳбублари ибрат олур фазлу камолингдан.

Не қилсанг ихтиёр сенда, асиру мубталодирман,
Жазо икки кўзингдандур, имо икки ҳилолингдан.

Нечун ғаш бўлмасин кўнглим ўшал бешарм саболардан,
Муаттар сочларинг ўпса, қучиб қадди ниҳолингдан.

Ҳамиша гул каби чеҳранг Карим кўз устида, жоним,
Фироғингда кўнгил узмас умид айлаб висолингдан.



БОҒИМГА КЕЛ

Дилрабо, боғимга кел, келгил уни орасталаб,
Меҳр ила пешвоз чиқай қаршингга мен гул дасталаб.

Ёр, инон, ҳар субҳидам билмайди ором бу кўнгил,
Истаги тутмоқ сенга гул, гулга дил пайвасталаб.

Кўз узиб бўлмас кўзингдан юзларингдан, эй санам,
Майлига қаҳр айласанг лек боқма деб қилма талаб.

Йўлларингга гул пояндоз айламоқ эрди умид,
Келгину кетма чамандан дилгинамга ўт қалаб,

То Карим кўнглида қолдинг чашмаи илҳом бўлиб,
Бахтиёрман бир умр ўтсам сенга куй басталаб.



ЗОР ЭДИМ

Зор эдим бир кўргали соҳибжамолим қайдадур,
Қомати наврастаи, нозик ниҳолим қайдадур.

Кўз учида бир қараб сўрса ҳолим на бўлур,
Ул муҳаббат шоҳи-ю, бу хом хаёлим қайдадур.

Ой десам тунда кўринмас, кун десам кундуз яна,
Индамас сайёралар шамсу ҳилолим қайдадур.

Беркитур кўздан нари ёримни гулшан гуллари,
Сўйла, эй булбул, маним Лайли мақолим қайдадур.

Қайс каби саҳро кезиб, қилсам жунунлик касби кор,
Чашмаи оби ҳаёт, лаъли зилолим қайдадур.

Келса ҳам фасли хазон, сарғайса юзлар ғам дема,
Изларинг излар Карим такрор саволим қайдадур.



БИР САВОЛ

Бу нечук сўздир, нигорим, билмадим дейсиз кулиб,
Сўзласам аҳволу зорим, билмадим дейсиз кулиб.

Ақлу ҳуш кетди ўзимдан, сиз каби тарк айлади,
Ё синайсизму қарорим, билмадим дейсиз кулиб.

Бир қиё боқмай ўтарсиз, эътибор бермай сира,
Бари бирми йўғу борим, билмадим дейсиз кулиб.

Майлиму рашк оташида ўртаниб ёнса юрак,
Қайда қолди ихтиёрим, билмадим дейсиз кулиб

Бир сафар айланг жавоб, ошиқ Каримдан бир савол,
Қай куни кулгай наҳорим, билмадим дейсиз кулиб.



БЕДАРД КИМСАЛАР

Дардим ортар кўрганимда баъзи бедард кимсалар,
Ўзи ишқдан беҳабар-ку, севгидан лоф урсалар.

Дардим ортар, мансабу обрўси борлар хуш келиб,
Бағритошлик бирла ошиқ ҳолатимдан кулсалар.

Дардим ортар, тош эмасман сабру бардош этгали,
Ўзгаларнинг илтифотин кунда айтиб турсалар.

Майли, эл қилсин томошо, беписандлар ҳар куни,
Рашк тиғи бирлан дилимни минг бўлакка бўлсалар.

Балки айбим севганимдир, балки рашкимдир хато,
Дардим ортар, ул санам бир сўз демай ўлтурсалар.

Бир ширин бўса гуноҳин, эй Карим, ювмоқ учун,
Розиман бир бор эмас, бир кунда минг ўлдурсалар.



ХОНАНДА ҚИЗГА

Давлатим бўлса агар, пойингга хок этгум эди,
Юзга Ҳотамга саховат дарсини ўтгум эди.

Тоғмаҳал қурган ўшал Шоҳи Жаҳонни уйғотиб,
Сен учун қалбимда бунёд кўшкни кўрсатгум эди.

Боғбон бўлсам мабодо, қўлларингга, эй санам,
Бу жаҳон гулзорларин яхлит қилиб тутгум эди.

Ўзгага тан бермаган ул ою юлдузлар аро,
Сен каби офтобига тан бермайин нетгум эди.

Сенга шодлик келса, шодман, ғамгузоринг мен бўлай.
Сенга келган мингта ғамни, бир ўзим ютгум эди.

Куйласанг севги азобин, дардларимни янгилаб,
Кўзларим селобасин айт, қандайин тутгум эди.

Маст бўлиб хонишларингдан, оҳ уриб девонавор,
Даҳр аро монанди Машраб, бош олиб кетгум эди.

Кошки қуш бўлсам учолсам, изласам топсам сени,
Ўз тилим бирлан ўзинга тасанно айтгум эди.

Хониш айла сен азизсан, сенга мухлисдур Карим,
Қўлларинг берсанг оғангдек кўзима суртгум эди.



ҚАЙГА БОРАСИЗ?

Бекажон, гул-гул ёниб, айтинг қаёнга борасиз?
Ваъдани бизга бериб, сиз қай томонга борасиз?

Марғилонда ҳуснингиз шайдолари қанча яна,
Бир Наманганга бориб, бир Андижонга борасиз.

Толиби содиқ каби ошиқларингиз сафдадир,
Бор-йўқ этмоқ учун сиз имтиҳонга борасиз.

Пойингизда мен каби меҳри булоқ бир ёр туриб,
Вожаб, сир айтгали оби равонга борасиз.

Сочингиз ўпгай саҳардан шомгача боди сабо,
Биз билан бир бўса деб, яхши-ёмонга борасиз.

Қизғонурсиз гоҳида бу шеърларингиз кимга деб,
Минг гумонларга қўйиб, биздан гумонга борасиз.

Ишқ аро девона ким, ёлғиз Каримга эргашинг,
Арзи-дил этмоқ учун, Шоҳи Жаҳонга борасиз.



ТЕРМУЛИБ

Мен асир бўлдим санамнинг кўзлари жодусига,
Кўзлари жоду санамнинг бир ширин кулгусига.

Бир ширин кулгуси жоним олса олсин розиман,
Шодлиги бўлсин қувончим, жон тутай қайғусига.

Жон тутай қайғуларига, хизматин айлаб мудом,
Ёқмасам арзонга сотсин, қул бўлай бир сўзига.

Қул бўлай бир сўзни айтсин, бору йўқ этсин мени,
Етмасам васлига, не тонг, етсин ул орзусига.

Етсин ул орзу фалакнинг буржига Зуҳро бўлиб,
То Карим қолсин умрбод, термулиб ёғдусига.



ЁР УЧУН

Кетдингу қийнар вужудим изтироб,
Айрилиқдан борму ортиқроқ азоб.

Ташна қалбга ё муҳаббат ўрнида,
Кўрсатиб эрдингму алдовчи сароб.

Бу соғинчдан лаҳза ором билмайин,
Ҳисларим қалбимда айлар инқилоб.

Кунлари чеккан азобим қўйгину,
Тунлари ҳажрингда йўқ-ку кўзда хоб.

Не умид бирлан битиб дил шарҳини,
Беҳисоб мактуб ёзарман бежавоб.

Берма таскин зор Каримга, эй қалам,
Севги ҳижронда топар деб обу тоб.



СЕВГИЛИМГА

Тараҳҳум айлаб, эй дилбар, келиб сўр интизорингни,
Унутма, ҳеч қачон севдим деган аҳду қарорингни.

Раво кўрма бу афтода кўнгилга дарди ҳижронни,
Сабо янғлиғ ўтиб кетма ёқиб ошиқи зорингни.

Умр бўйи кутай, майли, инон, покиза севгимга,
Ниҳон тутма, севарсанму менингдек ғамгузорингни?

Отиб таъна тошин дилга, они юз поралар айлаб,
Йиқиб жисмим хазон этсанг, кутарман навбаҳорингни.

Саҳар чоғи териб гуллар, сўраб ҳайрон Каримийни,
Келиб ҳусну жамолингга муяссар айла ёрингни.



ҚЎҚОН

Дилкушо Фарғонамизнинг шаҳри жонони Қўқон,
Тоза гуллар махзани ҳам боғу бўстони Қўқон.

Халқи хуш ахлоқу одоб, суҳбати ширин калом,
Қайта келмоқ орзу қилгай бўлса меҳмони Қўқон.

Яйрагай диллар бу янглиғ дўсту аҳбоб меҳридан
Бағри осмон ўзбегимнинг танти мезбони Қўқон.

Ўтди хонлар, ўтди беклар, кўшқу айвонлар ҳашам,
Ғам-алам карвонларининг битта сорбони Қўқон.

Мустабидлар сурди даврон, қолди қанча оҳу дод,
Беғуноҳлар қони бирлан тўлди зиндони Қўқон.

Айрилиқда ёнди Фурқат ҳам муқимликда Муқим,
Бермади Завқийга шодлик кўҳна осмони Қўқон.

Туйнуги йўқ гумбаз ичра не гўзаллар бағри қон,
Тутди оламни чекилган оҳу афғони Қўқон.

Мазлум ўлкамни мунаввар этди истиқлол қуёш,
Келди озодлик замони битди армони Қўқон.

Ўтди йиллар, ўтди ойлар, оқди Сирда қанча сув,
Юксалиб кўрсатди қомат, келди даврони Қўқон.

Меҳнат аҳли ғайратига қанча достон ёзсанг оз,
Ислоҳотлар жабҳасида марди майдони Қўқон.

Сўрдилар дўстлар Каримдан, бу нечук шаҳри латиф,
Мен дедим, иқболи кулган бахти хандони Қўқон.



ЯХЁХОН АЗИЗХОН ЎҒЛИ ХОТИРАСИГА

(марсия)

Бир гули хандон узилди Марғилон гулзоридан,
Кўнглимиз ғамдан эзилди чархи кажрафторидан.

Ҳақ ўлимга чора йўқдир, чора бўлмас ҳеч қачон,
Чора топса ким кетарди бу ҳаёт бозоридан.

У каби дўст қайда энди, у каби улфат қани,
Дийдамиз ёшларга тўлди, айрилиб дийдоридан.

Давраларда гул эди, булбул эди, маъқул эди,
Ҳар маҳал хизматга ҳозир, нур ёғиб рухсоридан.

Ҳофизи хушхон эди, беназир устоз эди,
Ногаҳон авж пардасида сим узилди торидан.

Кетди беморлик сабаб ё балки фарзанд доғида,
Ҳаддимиз йўқ сўзламоққа Биру борнинг коридан.

Йиғлашиб қолди Каримдек дўсту ёр-аҳбоблари,
Диллари афғору вайрон бу ўлим озоридан.





ҚҰШИҚЛАР



ДАСТА ГУЛ

Ҳидлаб турар эдинг даста гул, дилбар, сени учратганимда,
Унуттирдинг борлиқни буткул, дилбар, сени учратганимда.

Ёддан чиқиб айтар сўзларим, хижолатдан ёнар юзларим,
Адаштирар ҳатто тўғри йўл, дилбар, сени учратганимда.

Хаёлларим, онгим тарк этар, шўхликларим ташлар-да кетар,
Орзуларга тўлар бу кўнгил, дилбар, сени учратганимда.

Олам хушбўй, муаттар бўлар, қалбим ёруғ, мунаввар бўлар,
Гўё чаман, яшнаб ўнгу-сўл, дилбар, сени учратганимда.

Наргиз кўзинг сеҳри лол айлар, хаёлимни риштасиз боғлар,
Куйларимга жўр бўлар булбул, дилбар, сени учратганимда.

Карим дейди, эй сочи сунбул, чаманларга чорлай рози бўл,
Сайр этайлик бериб қўлга қўл, дилбар, сени учратганимда.



ОШИҚ БЎЛИНГ

Бир гул бўлинг гўзаллик дунёсига ярашган,
Булбул бўлинг чаманнинг раъносига ярашган.

Ошиқ бўлинг, мард бўлинг, мағрур сарбаланд бўлинг,
Бир ёр севинг онангиз дуосига ярашган.

Меҳрингиз қуёш бўлсин, ёр кўнгли нурга тўлсин,
Осмон бўлинг тўнгларининг зуҳросига ярашган.

Висол йўқлаб келмаса, ҳижрон доғи қийнаса,
Мажнун бўлинг севгининг саҳросига ярашган.

Ойдан ойдин юзлари, ўзбегимнинг қизлари,
Киприклари кўзларнинг шаҳросига ярашган.

Кийганда адрасларин ким қилмас ҳавасларин,
Либослари қомати зебосига ярашган.

Қарим қалбида бир чўғ, ёр севибман тенги йўқ,
Ёзган бу шеърларимнинг маъносига ярашган.



ЮРАК

Юрак, сенга не бўлди, айт не хаёлда қолдинг?
Қийнаб қўйдими ҳижрон, ранжу малолда қолдинг?

Висол ёндан ўтдими, фироқ жондан ўтдими,
Ё рашқлар балосидан ёниб уволда қолдинг?

Ким жафо қилди сенга, дардларинг айтгил менга,
Не гуноҳинг бор эди, сўроқ-саволда қолдинг?

Талпиниб кўқсим аро, бошга солдинг можаро,
Телба бўлдинг қай маҳал, қайси шамолда қолдинг?

Карим, сабринг етарму, юрак дардинг битарму?
Сен бир ёну, дил бир ён, ажаб аҳволда қолдинг.



ГЎЗАЛ ЁРГА

Ёр, бунчалар ярашган исмингиз жисмингизга,
Тошойнак олиб берай, бир боқинг ҳуснингизга.

Гўзал, ойжамол санам, қошлар қайрилма қалам,
Сарвга қилур алам кўрганда бўйингизга.

Сочлар сунбулу райҳон, қоматингизга посбон,
Булбулу қумри нолон ёқимли сўзингизга.

Мажнун бўлдим, сиз Лайли ҳижронингиз туфайли,
Хунук кўринсам, майли, чиройли кўзингизга.

Карим деб келмасангиз, назарга илмасангиз,
Севгини билмасангиз, ўргатай ўзингизга.



БИЛМАСА НЕ ҒАМ

Дарё бўлсанг-у, уммон билмаса, не ғам,
Доно бўлсанг-у, нодон билмаса, не ғам.

Ёмонлардан эҳтиёт айла ўзингни,
Яхшилигингни ёмон билмаса, не ғам.

Кўз қорангдек асрагин эътиқодингни,
Мўминлигингни шайтон билмаса, не ғам.

Қанчалар чиранмагин, ҳақиқат синмас,
Ростгўй бўлсанг-у, ёлғон билмаса, не ғам.

Ҳайрон бўлма қопсалар қутуриб, ҳуриб,
Одамлигингни ҳайвон билмаса, не ғам.

Офтобга етолмайсан бўй чўзган билан,
Ердалигингни осмон билмаса, не ғам.

Мурод манзилга омон етмоқ ўзи бас,
Сарбонлигингни карвон билмаса, не ғам.

Ҳар кимга дил сирингни айтмоқ не ҳожат,
Мажнунлигингни жаҳон билмаса, не ғам.

Карим, яхши-ёмонга маскандир замин,
Умр ўтмоқда, инсон билмаса, не ғам.



НАВБАҲОР

Гул очиб чаман-чаман фасли навбаҳор бўлди,
Боғлар яшил ранг олиб тоғлар лолазор бўлди.

Шарқираб сойлар оқар, навоси дилга ёқар,
Новдалар маржон тақар, ҳар ён майсазор бўлди.

Гоҳ шивирлаб, гоҳ элаб, деҳқонга омад тилаб,
Ёғар ёмғир эркалаб, тонглар беғубор бўлди.

Булбул сайрар тўлғониб, ёнар гуллар гулхани,
У гулсевар ёр қани? Кўзлар интизор бўлди.

Яйрашайлик кел, эркам, бугун баҳорий байрам,
Келди наврўзи олам, қуёш зарнисор бўлди.

Диёрим асли гўзал, гўзаллик фасли гўзал,
Ёзай деб шеърү газал, Карим беқарор бўлди.



САВОЛ БЕРДИНГ

Эслайсизму деб бердинг савол, наҳот сени унутиб бўлса,
Жоним савол келди-ку малол, наҳот сени унутиб бўлса.

Юлдузларни унутсам, не тонг, гул юзларни унутсам, не тонг,
Кўзлари шўх, қошлари ҳилол, наҳот, сени унутиб бўлса.

Ҳажринг аро зор бўлган ўзим, гоҳи тирик, гоҳ ўлган ўзим,
Дардинг олай, эй соҳибжамол, наҳот, сени унутиб бўлса.

Унут бўлсин осуда тунлар, ўша ширин орзули кунлар,
Майли, бари бўлса-да увол, наҳот, сени унутиб бўлса.

Ёниб-ёниб ўтган ошиқлар ва маъшуклар номига қасам,
Сени севдим, севгим безавол, наҳот, сени унутиб бўлса.

Ойлар ўтар, йиллар бегумон сенга Карим меҳри бир жаҳон,
Ўзинг сўзла, ўзинг, ойжамол, наҳот, сени унутиб бўлса.



БИР ОШИҚМАН

Бир ошиқман, муҳаббат дунёсида адашган,
Бу ишқ даштининг сароб дарёсида адашган.

Севдим, севмади санам, кўнгулда дарду алам,
Қўл етмас юлдузларнинг зуҳросида адашган.

Кезиб ишқ бозорини, олибман озорини,
Ношуд бир харидорман, савдосида адашган.

Лайливаш ёр ўйида, телба бўлдим кўйида,
Девонаман мажнунлар саҳросида адашган.

На бойлик давлатим бор, на қадру қимматим бор,
Нотавонман рақибу ошносида адашган.

Яхшидан нари қочган, ёмонга дилин очган,
Кўрар кўзда қуёшнинг рўшносида адашаган.

Карим, ким хато қилмас, сўнг тавба садо қилмас,
Бандамизда ҳаётнинг маъносида адашаган.



ЎХШАМАС

Севги деган бу савдо афсонага ўхшамас,
Тохир Зухро дунёда ягонага ўхшамас.

Ошиқлар саноғи йўқ, на ҳушёр на соғи йўқ,
Севги маст қилар, аммо майхонага ўхшамас.

Орзулари бир дунё, армонлари сир дунё,
Гўзал чеҳраси таниш бегонага ўхшамас.

Севдиму телба бўлдим, минг бор тирилдим-ўлдим,
Менинг наздимда Мажнун девонага ўхшамас.

Танангга кирар жондек, қилар кўп меҳрибонлик,
Ёндирар сени шамдек, парвонага ўхшамас,

Кезиб шаҳру чаманлар, Карим изласа, не тонг,
Илк севги насиб этган Фарғонага ўхшамас.

АРЗИМАДИНГ

Сени севдим, эй санам, ишқимга арзимадинг,
Пойингга дил тўшалган кўшқимга арзимадинг.

Қалбим йиғлади зор-зор, хаёлингга ўзга ёр,
Оҳим тугул бир томчи ашқимга арзимадинг.

Хато бўлди суйганим, куйганим қизфонганим.
Жоним азобга қўйган рашқимга арзимадинг.

Нозларинг, жилваларинг, оҳ, қамаштирди кўзим,
Аслингни кўролмаган чашшимга арзимадинг.

Ўт қўйгим келар исминг битилган шеърларимга,
Сенга деб ёзган чала машқимга арзимадинг.

Карим тортган азобин санаб оввора бўлма,
Юраклагги биргина заҳимга арзимадинг.

АЛДАНИБ

Бир ёр севдим ишқ деган сарбонига алданиб,
Жафолар юклаб олган карвонига алданиб.

Баҳорим келди дебман, бахтимиз кулди дебман,
Бевақт очилган гулнинг хандонига алданиб.

Ойни севиб қолибман, эй дўст, қайдан билибман,
Бу хомтама кўнгилнинг нарвонига алданиб.

У қайда-ю, мен қайда; кун қайда-ю, тун қайда,
Севибман-да кўзларнинг чўлпонига алданиб.

Рашклар ўтида ёндим, ёниб, куйиб қизғондим,
Сарвигулнинг жилва-ю жавлонига алданиб.

Кетди тинчимни олиб, мени минг кўйга солиб,
Қолдим-эй ваъдаларнинг хирмонига алданиб.

Ўтди умрим, эй Карим, армонларга ёр бўлиб,
Бу дунёнинг рости-ю ёлғонига алданиб.



СЕНИ СЕВДИМ

Сени севдим, эй гўзал, билмаганинг ёмонда,
Мен ошиғингга парво қилмаганинг ёмонда.

Сени интизор кутиб исмингга шеърлар битиб,
Кўнглингни олай десам, келмаганинг ёмонда.

Севги дарди бошимда, ҳижрон мудом қошимда,
Бу меҳнатим назарга илмаганинг ёмонда.

Сўзлашасан йўлингда, митти гўшак қўлингда,
Ёндириб гумонларда қийнаганинг ёмонда.

Учрашганда шошасан, билмам, қайга қочасан,
Висол эмас, ҳижронни сийлаганинг ёмонда.

Дардингни сезаман деб, озгина севаман деб,
Нигоҳингда бўлса-да демаганинг ёмонда.

Ёлғиз топиб ўзингни, олай десам сўзингни,
Онажонинг ёнидан жилмаганинг ёмонда.

Каримдай ёниб-ёниб, ҳар кимлардан қизғониб,
Сени севдим, эй гўзал, билмаганинг ёмонда.



АДАШМАЙСАН

Йўл юрма бибисмиллоҳ, йўлингдан адашмайсан,
Қўллагай қодир Оллоҳ, йўлингдан адашмайсан.

Саҳарлар қилиб нола ишқингни қил ҳавола,
Ибодат айла дилхоҳ, йўлингдан адашмайсан.

Отанг ризосин олсанг, онанг дуосин олсанг,
Бу дунё ҳам у дунё йўлингдан адашмайсан.

Нафсинг кўйига кирма, шайтонга қўлинг берма,
Раҳмон бўлса раҳнамо, йўлингдан адашмайсан.

Оллоҳ берса бой бўлсанг, сахий Ҳотамтой бўлсанг,
Чорлагай Каъбатуллоҳ, йўлингдан адашмайсан.

Бахил, хасадгўй бўлма, заифга зулм қилма,
Келганда рўзи жазо, йўлингдан адашмайсан.

Етим ҳолини сўрсанг, ёлғизни бориб кўрсанг,
Розидур Расулуллоҳ, йўлингдан адашмайсан.

Оллоҳ бўлса дилингда, шукр бўлса тилингда,
Эй Карим, иншооллоҳ, йўлингдан адашмайсан.



Мундарижа

Ўзбекистоним	6
Ватан	7
Аскар қўшиғи	8
Марғилонда бўлганмисиз ҳеч	9
Шоирнинг бахти	11
Шоир	12
Шеърим	13
Тугилган кун	14
Тўй муборак	15
Оила тинч бўлса	16
Оқсоқолларга	17
Борингизга шукр	18
Ўхшамасиз	19
Отамдан ёдгорим	20
Онажоним бор	21
Бўлмаса	22
Ёр-ёр	23
Келинчак	24
Ёлғонларга алданма	25
Ирмоқ	26
Ёнимда бўлсанг	27
Сени унутмасман	28
Билмаган ўзи	29
Муҳаббат	30
Қиз боланинг	31
Сизни соғиниб	32
Гўзалим	33
Қизлар аро	34
Бахт	35
Муҳаббатим	36
Оқ ёғоч	37
Иқбол	38
Соғинч	39
Тақдир	40
Армон	41
Ғам	42
Мен эса кимга	43
Ҳофиз йигитга	44
Йигит ёшимда	45
Марғилоннинг қизгинаси	46
Агар	47
Мени севмайсиз	48
Кетди деб	49
Кетаман	50
Қўшни қизга	51
Қўшилар	52
Туш бўлса эди	53
Шошилма қизгина	54
Лўли қиз	55
Ўжар қиз	56

Агар сизни	57
Рашк балоси	58
Туш	59
Ёлғон севги	60
Истасанг сўзла	61
Бу кеча	62
Қачон ишонасан	63
Қачонгача	64
Тенг кўрма	65
Мен билдим фақат	66
Ҳаёлимдасиз	67
Ёрил тош	68
Ўт тушсин	69
Айрилиқ	70
Сен кетдинг	71
Рашк	72
Ўтинч	73
Кўзлар	74
Сингилжонларим	75
Ўттиздан ўтсалар	76
Аёлсан	77
Онажон	78
Тақдирнинг ҳукми	79
Гапиргим келяпти, онажон	80
Йиғлаган севгим	81
Кетма ёнимдан	82
Сен кетиб	83
Бир қадам	84
Сени йўқлаб	85
Билмайсиз	86
Ҳофиз дарди	87
Санъатим	88
Ажаб дунё	89
Мени сўранг	90
Нима топдим	91
Севмаган қиз	92
Сени соғиндим	93
Қарашларинг	94
Аввалгилардек	95
Армонинг ширин	96
Қандоқ яшай	97
Соғиниб қолсам	98
Умид	99
Соғиндим	100
Сен кетсанг	101
Киз дарди	102
Эй кўнгил	103
Эй муҳаббат	104
Дўст	105
Эҳтиром	106
Ношукр бўлма	107

Ғийбат	108
Дўст бўлса...	109
Жайрон	110
Дунё	111
Қўшиқларим бор	112
Умидли дунё	113
Бир кам дунё	114
Дийдор	115
Ҳамшираларга	116
Биларсан	117
Умр	118
Не ёзмиш яна	119
Бировдан кўрма	120
Ўзингни асра	121
Тавба қилдим	122
Ёднома	123
Айрилмоқ азобдур	124
Фарғона йиғлади	125
Марсия	126
Онажон	127
Ўғил армони	128
Нафақага чиқсанг	129
Ғазаллар	131
Ахтаринг	132
Марғилон	133
Дединг	134
Ўйрингина	135
Ёр васфи	136
Ғазал ҳақида ғазал	137
Ишондим	138
Ишқ дарди	139
Қизларга	140
Ёрни излаб	141
Гулшанда	142
Бир нигоҳ	143
Севги	144
Уч сўз	145
Тарк	146
Висол орзуси	147
Нафс	148
Тинчлик билан	149
Ёғмади қор	150
Ёмғир	151
Эй кўёш	152
Сен билан	153
Фахр	154
Бўлмасин	155
Яхшидур	156
Кўрдим	157
Дард	158
Раққосага	159

Агар	160
Ёр истаб	161
Раъноланур	162
Дил изъори	163
Ишқида	164
Илтижо	165
Оромижон	166
Қараб қўйсанг	167
Меҳри ишқинг	168
Матлубаларга	169
Она	170
Сенсиз	171
Салом айлаб	172
Сени	173
Гулсанам	174
Дилдоримга	175
Гулзор оралаб	176
Табассум	177
Соғинч	178
Севги ниҳоли	179
Соғинганимдан	180
Не ажаб	181
Онажон сизга	182
Умид айлаб	183
Боғимга кел	184
Зор эдим	185
Бир савол	186
Бедард кимсалар	187
Хонанда қизга	188
Қайса борасиз	189
Термулиб	190
Ёр учун	191
Севгилимга	192
Қўқон	193
Яхёхон Азизхон ўгли хотирасинга	
марсия	194
Кўшиқлар	195
Даста гул	196
Ошиқ бўлинг	197
Юрак	198
Гўзал ёрга	199
Билмаса не ғам	200
Навбаҳор	201
Савол бердинг	202
Бир ошиқман	203
Ўхшамас	204
Арзимадинг	204
Алданиб	205
Сени севдим	206
Адашмайсан	207

Ушбу китобнинг нашр этилишида беминнат ёрдам кўрсатган таниқли ижодкор, миллий адабиётимизнинг жонкуярларидан бири Муҳаммадрасул Кимсанбоевга самимий миннатдорчилик билдираман.

Муаллиф.

Адабий - бадий нашр

Абдукарим Жумабоев

УМИДЛИ ДУНЁ

Шеърлар, ғазаллар, қўшиқлар

Муҳаррир:	М. Кимсанбоев
Техник муҳаррир:	Н. Хасанбоева
Мусаҳҳиҳ:	Т. Алиев
Саҳифаловчи:	Т. Мустафаев

Нашриёт лицензияси: № А.1 170 23.12.2009 йил.
Босишга рухсат этилди: 02.09.2014 й. Босма тобоғи 17.5
Қоғоз бичими 60x84_{1/16}, Times гарнитураси. Офсет усули.
Алади: 1000 нусха. Буюртма № 172.
Баҳоси келишилган нархда.

«Наврўз» нашриёти
1000000. Тошкент шаҳри. Амир Темур
шоҳқўчаси, 19-уй

«POLIGRAF SUPER SERVIS» босмаҳонаси
Фарғона шаҳри, Авиасозлар кўчаси, 2-уй